Юк учун тарқоқ ва натижада паст жавобгарлик	Юк учун ягона ва натижада юқори жавобгарлик
Натижа: логистика “қоидаларининг” бажарилиш эҳтимолининг пастлиги	Натижа: логистика “қоидаларининг” бажарилиш эҳтимолининг юқорилиги

Транспорт мажмуасида техник туташганлик алоҳида турларинг ичида ҳам, турлараро кесимда ҳам транспорт воситалари параметрларининг мувофиқлашишини билдиради. Бу мувофиқлашиш модал ташишларни кўллаш, контейнерлар ва юк пакетлари билан ишлаш имконини беради.

Технологик туташганлик ягона ташиш технологиясини кўллашни, тўғридан-тўғри қайта юклашни, қайта юклашларсиз ташишни англатади.

Иқтисодий туташганлик – бу бозор конъюктурасини тадқиқ қилиш ва тариф тизимини қуришнинг ягона услубиятидир.

Биргаликда режалаштириш - ягона режа-графикларни ишлаб чиқиш ва кўллашни билдиради.

Транспорт логистикасининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- 1) транспорт турини танлаш;
- 2) транспорт воситасининг типини танлаш;
- 3) транспорт корхонасини танлаш;
- 4) юкларни ташиш тарифларини белгилаш;
- 5) ташиш маршрутини белгилаш;
- 6) юкни бир транспорт туридан бошқасига беришни ташкил қилиш (агар бунга зарурат бўлса);
- 7) юкни ташиш жараёнида омборларга жойлаштириш ва сақлаш.

Санаб ўтилган вазифалардан келиб чиқиш билан, транспорт логистикасини минимал жамланма ресурс сарфлари билан хомашё ва материалларни ишлаб чиқариш корхонасига етказиш, заводда хомашё, материаллар ва ярим фабрикатларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни истеъмолчининг манфаатлари ва талабларига мувофиқ унга етказиб бериш, шунингдек тегишли маълумотларни узатиш, сақлаш ва уларга ишлов бериш жараёнида амалга ошириладиган ташишлар ва омборларга жойлаштириш ҳамда моддий ва моддий бўлмаган бошқа операцияларни режалаштириш, назорат қилиш ва бошқариш тўғрисидаги билимлар соҳасига киритиш

мумкин. Транспорт логистикасининг кўпроқ муҳим масалалари қандай ҳал қилинишини батафсилроқ кўриб чиқамиз. [2]

Транспорт турини танлаш Транспорт воситасининг турини танлашда, қоидага кўра, қуйидаги кўрсаткичлардан мўлжал олинади:

- етказиб бериш вақти;
- юкни жўнатиш частотаси;
- етказиб бериш графигига амал қилишнинг ишончлилиги;
- турли юкларни таший олиш қобилияти;
- юкни ҳар қандай жойга етказиб бера олиш қобилияти;
- ташиш нархи ва ҳоказолар.

Автомобиль транспорти энг кўп афзалликларга эга, бироқ ташкилот иқтисодий позициядан келиб чиқиш билан одатда ҳар хил транспорт турларининг комбинациясидан фойдаланади. Экспедитор транспорт воситасининг турини танлашда қуйидаги омилларни ҳам ҳисобга олиши зарур бўлади:

- юкларни етказиб бериш учун ички сув транспортдан фақатгина ички сув йўлларидаги навигация даврида фойдаланиш мумкин бўлади;
- юкни темир йўл транспорти билан жўнатишда ўзининг темир йўлида мавжуд бўлган вагонлардан, ёки юк жўнатувчининг ўзининг вагонларидан фойдаланиш мумкин, бу ташиш нархлари ва муддатларига таъсир кўрсатади.

Ташувчини танлаш

Айтайлик, экспедитор томонидан ташувчини танлаш критерийлари сифатида қуйидаги кўрсаткичлар қабул қилинган бўлсин (рақамлар билан кўрсаткичларнинг ранги кўрсатилган):

- етказиб бериш вақтининг ишончлилиги $E_i - 1$;
- ташиш харажатлари (тарифлари) $T_x - 2$;
- ташувчининг молиявий барқарорлиги $T_b - 5$;
- юкнинг сақланиши $Y_o - 8$;
- жўнатишларни кузатиб бориш $J_k - 11$.

Айтайлик, транспорт хизматлари бозорини таҳлил қилиш маълум бир юк турини ташиш талабларига жавоб бера оладиган учта ташувчини аниқлаган бўлсин. Бу ташувчиларнинг танланган критерийларга мос келиш даражаси мустақил экспертлар томонидан уч балли шкала бўйича баҳоланади: 3 – яхши; 2 – қониқарли; 1 – ёмон. Ҳар бир ташувчининг рейтинги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$P_{ti} = E_{i1} + T_{xi}/2 + T_{bi}/5 + Y_{oi}/8 + J_{ki}/11.$$

Устиворликни энг юқори якуний баҳони олган ташувчига бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Транспорт тури ва ташувчи танлангандан кейин экспедитор юкни етказиб беришнинг транспорт-технологик схемасини ишлаб чиқишга киришади.

Юкни етказиб беришнинг транспорт-технологик чизмасини – бу ишлаб чиқариш, савдо, юкларни ташишни замонавий технологияларини (транспорт технологияларини) қўллашдан максимал самарадорликка эришиш мақсадида транспорт тизимининг конкрет полигонларида “эшикдан-эшиккача” ташиладиган товарларни ташиш сфераларидаги ўзаро боғланган техник,

технологик, иқтисодий, тижорат-ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуасидир [3]. Логистика тилида бундай мажмуа “транспорт занжири” деб аталади ва йўналтирилиши моддий-техник таъминотнинг илғор технологик тизимларини қўллаш орқали амалга ошади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миротин Л.Б.. Транспортная логистика. М.: “ Экзамен”, 2002, 512 с.
2. Ивуть, Р.Б. Логистические системы на транспорте : учебно методическое пособие /– Минск : БНТУ, 2014. – 76 с.
3. Карабанович, И.И. Международные автомобильные перевозки: учебное пособие / – Минск : Центр «БАМЭЭкспедитор», 2014. – 468 с.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА МАРКЕТИНГ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Ғиёсидинов Б. Б.

Ўзбекистон Республикаси “Тошшахартрансхизмат” АЖ жамоат транспортини тадқиқ қилишнинг янги усуллари, тарифлар тўлашнинг инновацион усуллари ва йўл ҳақи сиёсатининг таркибий қисмлари бўйича изланишларни фаол равишда рағбатлантирмоқда.

Ҳозирги кунда транспорт соҳаси ривожланиши учун қаратилаётган эътибор ҳамда турли ҳилдаги қарор ва режаларда ҳам аҳоли турмуш даражасини яхшилаш мақсад қилиб олинган. Мисол учун, 2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини ўз ичига олаган ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонининг «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш» деб номланган учинчи йўналишда кўрсатилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантириш, шунингдек туризм индустриясини жадал ривожлантириш назарда тутилган.

Ўтган асрдаги технологик ва ижтимоий ўзгаришлар суръатлари ва юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар туфайли, жамоат транспорти келажагини башорат қилишда кўп қийинчиликлар мавжуд бўлган. Ҳозирги кундаги истеъмолчилар талабларидан келиб чиқиб жамоат транспортининг келажагини тахмин қилиш, жамоат транспортида ишлашга имкон берадиган

шароитларнинг давом этишини тахмин қилиш лозим. Жамоат транспорти келажакда одамлар бориш мумкин бўлган жойларга пиёда, велосипедда, шахсий автомобильларда ёки бошқа жамоат транспорти воситаларида етиб боришни хоҳлашади каби тахминларга асосланади?

Ҳозирги кунда метро ва автобус каби хизматлардан фойдаланиш эҳтимоли юқори бўлган транспортдан фойдаланувчилар улушининг кўп қисмини ўрта синф вакиллари ташкил этади. Ҳар бир транспорт турига йўналтирилган маркетинг тадқиқотлари бир-биридан фарқ қилади, аммо барчаси жамоат транспортининг "аҳамияти"ни англатади. Транспорт корхоналари маркетингида кўриб чиқиши керак бўлган бир нечта жиҳатлар мавжуд бўлиб улар қуйидагича:

- Қулайлик
- "Ақлли" танлов қилиш ҳисси (айниқса, шаҳар аҳолиси учун),
- Имкониятлилик,
- Ишончлилик

Бундай жиҳатларни таҳлил қилиш ва амалиётга жорий қилиш учун мақсадли гуруҳларни ташкил қилиш лозим. Мақсадли гуруҳ бозорни ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб боради. Ушбу гуруҳ бозорни ўрганиш орқали аниқ гуруҳларни (ва потентсиал ҳайдовчиларни) аниқлашга ҳаракат қиладилар. Йўловчи ташиш соҳасида янги хизмат гибридларини ва анъанавий хизматларни (эҳтимол технологик ютуқлар орқали) тақдим этишнинг энг яхши усулларини жорий этиш орқали амалга оширилиши лозим бўлган инновацияларни яратади.

Мижозларнинг содиқлигини таъминлаш деярли барча соҳаларда маркетинг ва маркетинг тадқиқотларининг асосий мақсади ҳисобланади. Янги мижозларни жалб қилишдан кўра, мавжуд мижозларни уларнинг эҳтиёжларини мақбул нархда қондириш орқали сақлаб қолиш анча вақтдан бери тан олинган.

Қатнов йўқоладими? Бу содир бўлиши даргумон, аммо кейинги ўн йилликларда автобусни алмаштириш табиати ўзгаради. Соҳа ҳам ўзгаради. Тўлиқ ҳайдовчисиз автобуслар ва поездларга эга бўлишимизга қанча вақт керак бўлади? каби ўз олдимизга қўйилган саволларга жавоб топишимиз лозим бўлади.

Бугунги кунда транспорт ва маркетинг соҳасида кўплаб ақлли ходимларнинг ишлаши, талабаларнинг ушбу соҳаларни ўзлаштиришлари, олимлар ва тадқиқотчиларнинг ушбу соҳадаги изланишлари бизга омад келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш» фармони.
2. www.stat.uz

АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА ЮК ТАШИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**М.Н.Жураев (ТАЙЛҚЭИ)
Ў.Р.Бойназаров (ҚарМШИ)**

Истеъмолчиларга автотранспорт хизмати кўрсатиш, техник-технологик жараёнларни таҳлил этиш ва такомиллаштириш йўллари илмий асослаш талаби, буларга тизимли ёндашув нуқтаи назаридан қараш лозим бўлади.

Автотранспортнинг муҳим муаммоларидан бири, юк ташиш самарадорлигини ошириш бўлиб, юкларни етказиб беришга бўлган талабнинг тобора ортиб бориши, автотранспорт корхоналарининг фаолиятини тубдан ўзгаришини талаб қилади. Истеъмолчилар ташувчини танлаш имконига эга бўлиб, улар автотранспорт хизматларини кенг, юқори сифатли ва арзон нархларда тақдим этишга тайёр бўлганлар фойдасига амалга оширилади. Автотранспорт воситалари билан истеъмолчиларга ташиш хизмати кўрсатиш жараёнини тизимли таҳлил қилиш, ташишни ташкил этувчи элементлар тўпламини аниқлаш, мазкур элементларнинг ўзаро алоқадорлиги ўрганиш, ташиш жараёнини ташкил этувчи элементлар фаолиятлари ва улар орасидаги ўзаро таъсир доираларини аниқлашга имкон яратади.

Профессор В.И. Николин ўз тадқиқотларида “тизимли ёндашув, иерархик тизимлар назарияси ва транспорт жараёнининг эҳтимолий тақсимлаш ғояси ва тизимларнинг ишлаши ва таснифи”ни яратди. Л.А.Зааде тизим тушунчасига шундай таъриф берган: тизимни ҳозирги ҳолати – бу, унинг ўтган даврлардаги ҳолатлари тўғрисидаги шундай ахборотларки, улар мазкур тизимни келгуси ҳаракат траекториясини белгилашга имкон беради. Транспорт жараёнининг ривожланиши ва ундаги муаммоларини ҳал қилишда тизимли ёндашув ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга. Автотранспорт тизими жараёни мунтазамлик, детерминистик ва бошқариладиган хусусиятига эга бўлиб, кибернетик тизимлар туркумига киради. Ташиш жараёнларини бошқаришда, тизимлар ўртасида марказлашган ўзаро ахборот каналларининг мавжудлиги ва эҳтимоллик характерини ҳисобга олиш керак бўлади.

Юк ташиш сифатини бошқариш, юкни ўз вақтида етказиб бериш, автотранспорт корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга, мижозлар ва автотранспорт хизматларини кўрсатувчи корхоналарининг бевосита иқтисодий юксалишига олиб келади. Автотранспорт хизматларига талабнинг 70-80%, асосан, кичик партияли юкларни ташишга тўғри келади. Бу эса, автотранспорт хизматлари бозорида ўз мавқеини мустақамлашга имкон беради. Автотранспорт корхоналарининг ташиш самарадорлигини оширишда, ҳудудлардаги қисқа масофалардаги кам ҳажмли юкларни

ташишни операцион режалаштириш ва ташиш режаси бир неча вариантларда кўриб чиқилиб, уларни техник ва эксплуатация кўрсаткичлари ҳисобланиб, юкларни ташиш самарадорлигининг мезонлари таклиф қилинади.

Автомобилларда юкларни ортиш-тушириш ишларига кетган вақт - автотранспорт воситасининг иш унумига таъсир қиладиган асосий эксплуатацион кўрсаткич ҳисобланади. Кўпгина асарларда товарларни кадоқлаш, маркировкалаш, идентификациялаш тизими ва юкларни ортиш-тушириш операциялари технологияси ҳамда уларни механизациялаш ва автоматлаштириш даражасига боғлиқликдир.

Хизмат кўрсатиш бозорининг глобаллашуви жараёнида, ахборот технологиялари ривожланиши, бизнес ва ишлаб чиқариш жараёнларида ташиш хизматларининг узлуксизлигини таъминлаш, энг сўнгги технологияларни қўллаш, иқтисодий бошқарувни оптималлаштириш ва моддий харажатларни камайтириш каби вазифаларни логистик ёндошувлар асосида бошқаришни талаб этмоқда. Логистик бошқарув тизимларидаги матрицали ва кўп параметрли - мураккаб жараёнларни ўз ичига олган, ахборот ёки бошқариш тизимларининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини оптималлаштириш масалаларини комбинаторик ечимлар орқали ҳал этиш тавсия этилади, чунки бундай масалалар алоҳида хусусиятга эга.

Автотранспорт воситаларини ташиш йўналишлари бўйича самарали тақсимланиши, ташишга бўлган эҳтиёжларини сифатли ва муддатида бажарилишини таъминлайди. Автотранспорт воситаларини йўналишларга самарали тақсимлашда, турли ташиш шароитларидан келиб чиқадиган ҳолатларни ва маълум талабларни ҳисобга оладиган, автотранспорт воситаларни ташиш йўналишларига самарали тақсимлаш масаласини математик моделларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, автотранспорт воситаларини маршрутларга тақсимлаш масаласидаги талабларни амалдаги моделлари ўзига хос камчиликларга эгадир. Шу туфайли автотранспорт воситаларини ташиш имкониятларини маршрутларга тақсимлаш масаласининг янгича моделлари ва уни ечишни эвристик алгоритмларини ишлаб чиқиш керак.

Бунинг учун, маршрут даражасидаги ташиш жараёнлари элементларидан бошлаб, то ҳудуд доирасида жойлашган туташма манзилларни ташишга бўлган эҳтиёжларини қондириш борасидаги ташиш хизмати жараёнларини тизимли таркибини илмий асослаш лозим бўлади. Кейин эса мазкур талаблардан келиб чиққан ҳолда ташишни ташкил этиш ва бошқаришга оид миқдорий аппаратни бутунлай янгитдан ишлаб чиқиш лозим. Бунда юк ва йўловчи ташишнинг элементар жараёнларини характерловчи турли параметр ва кўрсаткичларини шаклланишининг тасодифий табиати ва қонуниятларини ўрганиш, таҳлил этиш ва ҳисобга олиш ҳамда шу асосда ташиш натижаларини жараён кўрсаткичлари билан боғлайдиган миқдорий моделларни уларни эҳтимолий табиатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш лозим бўлади. Бундан ташқари ташишни элементар жараёнлари ва кўрсаткичлари қийматларини тасодифий

тебранишига олиб келадиган шароит хусусиятларини аниқлаш, уларни формаллаштириш ва таъсир механизмларини илмий-услубий асослаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бутаев Ш.А., Жураев М.Н. Автотранспорт воситалари ташиш имкониятларини радиал маршрутларга самарали таксимлаш моделлари ва усуллари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонаси нашриёти, 2012. – 180 б.
2. Биккеняев Р. Ф. Системный подход к формированию модели транспортной системы / Р.Ф. Биккеняев //Вестник Саратовского государственного технического университета. – 2010. – № 1(45). – С. 207–211.
3. Буслаев А.П., Новиков А.В., Приходько В.М. и др. Вероятности и имитационные подходы к оптимизации автодорожного движения/ Под. редакцией Коран В.М. М.: Транспорт, 2005.-344 с.
4. Транспортная логистика . Учебник/Под.ред. Миротина. Л.Б. М.: Экзамен. 2003. -507 с.

ЮК ТАШИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ТАШИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЭХТИМОЛИЙ МОДЕЛЛАШТИРИШ

М.Н.Жураев, З.Ю.Юсуфхонов (магистранлар)

Транспорт воситалари(ТВ)да юк ташишни ташкил этиш йўналишидаги адабиётларда ташиш жараёнларини характерловчи параметрлар ва моделлар асосан ўртачалаштирилган кўрсаткичлар воситасида ифода этилган бўлиб, бунда, параметрларни шаклланишини тасодифий табиати ва уларнинг кийматларини тебраниши ҳисобга олинмаган. Бундай ёндашув режали иқтисодиёт шароитидаги йиллик ташиш режаларини тузишда қўлланиши мантиқий асосга эга эди. Чунки, элементар жараёнлар кўп марталаб қайтарилиши оқибатида уларни ифодаловчи параметрларни ўртача кийматлари эхтимоллар назариясини катта сонлар қонунига мувофиқ ўзининг тасодифий характерини йўқотиб, доимий катталиклар тусини олар эди. Бундай ёндашув бозор иқтисодиёти шароитида юзага келган талабларга, яъни, истеъмолчини кундалик эҳтиёжини энг кам харажатлар ва захиралар ҳажмида тезкорлик билан таъминлаш тамойилларига тўғри келмайди.

Бугунги шароитда истеъмолчилар томонидан ташиш хизмати натижалари ва сифатига юқори даражадаги талаблар қўйилмоқда. Жумладан, ташиш натижаларини ишончлилиги ва истеъмолчи эҳтиёжларига мослиги, турли номдаги юкларни маълум бир ҳажмда ҳамда белгиланган муддатларда истеъмолчиларга етказиб бериш кафолатланганлиги, ташиш хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш ҳамда унинг харажатдорлигини камайтириш. Бундай баён этилган талабларни бажариш учун, юк ташишнинг элементар

жараёнларини характерловчи турли параметр ва кўрсаткичларини шаклланишининг тасодифий табиати ва қонуниятларини ўрганиш, таҳлил этиш ва ҳисобга олиш, ҳамда шу асосда ташиш натижаларини жараён кўрсаткичлари билан боғлайдиган миқдорий моделлар уларнинг эҳтимолий табиатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш лозим бўлади. Шу билан бир қаторда, ташишни элементар жараёнлари ва кўрсаткичлари қийматларини тасодифий тебранишига олиб келадиган шароит хусусиятларини аниқлаш, базавий элементар жараёнларни белгилаб олиш ва улар учун тегишли математик моделларни шакллантириш зарур.

Ташиш жараёнини ҳар бир элементи ва кўрсаткичларини транспорт воситаларининг ҳар бир тури (i), ҳар бир ҳайдовчи (r) ва ташиш йўналиши (j) учун аниқлаш лозим. Юк ташишнинг битта элементар жараёни юкли қатнов вақти $t_{\text{юкл.к}}$ ифодаланиб, бу юк жўнатиш ва қабул қилиш манзилларида транспорт воситаларини туриб қолиш вақти $t_{\text{жс-к}}$ ва бу манзиллар орасида юк билан ҳаракатланиш вақти $t_{\text{юкл.хар}}$ ларининг йиғиндисидан иборат бўлади,

$$\text{яъни, } t_{\text{юкл.к}} = t_{\text{юкл.хар}} + t_{\text{жс-к}}.$$

Қатнов вақти эса, транспорт воситаларини яна юк жўнатиш манзилига етказиш учун бажариладиган юксиз йўл юришга кетган $t_{\text{юкс.хар}}$ вақтни ҳисобга олади, яъни,

$$t_{\text{к}} = t_{\text{юкл.хар}} + t_{\text{юкс.хар}} = t_{\text{юкл.хар}} + t_{\text{юкс.хар}} + t_{\text{жс-к}}.$$

Қатнов вақти $t_{\text{к}}$ юкли ва юксиз йўллар узунликларига ($l_{\text{юкл}}, l_{\text{юкс}}$) ва транспорт воситасини юкли ва юксиз ҳаракатланиш техник тезликларига ($V_{\text{Т.юкл}}, V_{\text{Т.юкс}}$) боғлиқдир, яъни ,

$$t_{\text{к}} = \frac{l_{\text{юкл}}}{V_{\text{Т.юкл}}} + \frac{l_{\text{юкс}}}{V_{\text{Т.юкс}}} + t_{\text{жс-к}}.$$

Транспорт воситаларини маршрутда бўлган (T) вақт мобайнида бажарган қатновлар сони ($Z_{\text{к}}$) ва бунда ташилган юк ҳажми (Q^T) қуйидагича аниқланади:

$$Z_{\text{к}} = \frac{T - t_0}{t_{\text{к}}} = \frac{T - \sum l_0}{\frac{l_{\text{юкл}}}{V_{\text{Т.юкл}}} + \frac{l_{\text{юкс}}}{V_{\text{Т.юкс}}} + t_{\text{жс-к}}}; \quad Q^T = q_n \cdot \gamma_{\text{СТ}} \cdot Z_{\text{к}}.$$

бу ерда, $\sum l_0$, t_0 -ТВни T вақтда ўтган нолинчи йўллари йиғиндиси ва бу йўлни босиб ўтишга кетган вақт; $q_n \cdot \gamma_{\text{СТ}}$ -ТВни номинал юк кўтарувчанлиги ва юк кўтарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти .

Юқоридаги ифодаларда фақат $\sum l_0, T, l_{юкл}, l_{юкс}$ параметрлар берилган ўзгармас катталиклар ҳисобланади, қолганлари эса тасодифий кўрсаткичлар сифатида шаклланади. Қатнов вақти масофага ва тезлик параметрларининг тасодифий рўёбга чиқишига боғлиқ бўлган мураккаб функция сифатида шаклланади, яъни,

$$t_k = f(l_{юкл}, l_{юкс}, V_{T.юкл}, V_{T.юкс}, t_{жс-к})$$

Ҳаракатланиш тезлиги ҳар бир i - турдаги автомобил ва j - ташиш йўналиши (қатнов) учун турли йўналишдаги факторлар таъсирида шаклланади: масалан, йўл шароити, автомобилни конструктив техник имкониятлари ва уни техник ҳолати, ташилаётган юк ёки йўловчи таъсири, йўлдаги транспорт оқими, ҳайдовчини ҳаракатланиш режими ва тезлигини рўёбга чиқариш борасидаги рухий-физиологик хусусиятлари каби факторлар автомобилни ҳаракатланиш тезлигини шакллантиради. Аммо бу факторларнинг тезликка таъсири вақт мобайнида ва маршрут бўйлаб доимий эмас, улар ўзгариб туради. Шу туфайли автомобилни техник тезлиги, юк (йўловчи) жўнатувчи ва қабул қилиш манзилларида туриб қолиш вақти, уни юкли ва юксиз қатновларда юриш вақтлари каби параметрлар тасодифий катталикларни математик кутилиши сифатида қаралиши лозим.

Қатнов (t_k) ва юкли қатнов ($t_{юкл.к}$) вақтлари катталик сифатида уларни ташкил этувчи элементар жараёнлар параметрларининг математик кутилишларидан иборат бўлади. Шу асосда маршрутда фаолият кўрсатаётган TB ни миқдорий характеристикаси, яъни модели қуйидагича ифодаланади:

$$\begin{aligned} M(t_{юкл.к}) &= M(t_{юкл.хар}) + M(t_{жс-к}); \\ M(t_k) &= M(t_{юкл.к}) + M(t_{юкс.к}) + M(t_{жс-к}); \\ M(t_k) &= \frac{l_{юкл.}}{M(V_{T.юкл.})} + \frac{l_{юкс.}}{M(V_{T.юкс.})} + M(t_{жс-к}); \\ M(Z_k) &= \frac{T - \sum l_o / M(V_{TO})}{M(t_k)}; \quad M(Q^T) = q_n \cdot \gamma_{CT} \cdot M(Z_k). \end{aligned}$$

Тақсимланиш қонуни катталикни мумкин бўлган қийматларини, уларни рўёбга чиқиш эҳтимоллари билан боғлайди. Узлуксиз ва дискрет катталиклар учун тақсимланиш қонунининг универсал шакли бўлиб, тақсимланиш функцияси $F(x)$ ҳисобланади. Бу функциянинг нуқтадаги қиймати, синовлар ўтказилганда тасодифий катталик (x) дан кичик бўлиши эҳтимолига тенг бўлади, яъни,

$$F(x) = P(X < x).$$

Агар тасодифий катталикни тақсимланиш функцияси узлуксиз бўлса, унда улар эҳтимоллар зичлиги деб аталувчи $f(x)$ функциясидан олинadиган интеграл кўринишида ифодаланиши мумкин, яъни

$$F(x) = \int_{-\infty}^x f(x) dx$$

Тасодифий катталик (x) ни α дан то β гача бўлган ораликқа тушиш эҳтимоли $f(x)$ дан $\alpha - \beta$ оралиғидаги интеграл билан аниқланади:

$$P(\alpha < x < \beta) = \int_{\alpha}^{\beta} f(x)dx$$

Шундай қилиб, математик статистика ва эҳтимоллар назарияси нуқтаи-назаридан истеъмолчиларнинг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини вақт мобайнида маълум бир тарзда тақсимланган ҳодисалар оқимлари сифатида қараш лозим. Бунда, ҳар кунлик захираларининг миқдорини истеъмол параметрнинг ҳар қандай қийматидан анча каттароқ бўлишини таъминлашга эришиладики, бунда истеъмол қилинадиган ва ташиб келтириладиган юклар миқдорини ҳар қандай тасодифий қийматларида ҳам қорхона ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларини бепўхтов қондиришга имкон яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бутаев Ш.А. ва бошқалар. Ташиш жараёнларини моделлаштириш ва оптималлаштириш. Тошкент. ЎЗР ФА “Фан” нашриёти, 2009. – 268 б.
2. Биккенаев Р. Ф. Системный подход к формированию модели транспортной системы / Р.Ф. Биккенаев //Вестник Саратовского государственного технического университета. – 2010. – № 1(45). – С. 207–211.
3. Буслаев А.П., Новиков А.В., Приходько В.М. и др. Вероятности и имитационные подходы к оптимизации автодорожного движения/ Под. редакцией Коран В.М. М.: Транспорт, 2005.-344 с.
4. Транспортная логистика . Учебник/Под.ред. Миротина. Л.Б. М.: Экзамен. 2003. -507 с.

ТЕМИР ЙЎЛ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШГА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШУВ

Имамалиева Ф.Р. (РББОМ магистрант)

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Хошимов Э.А.

Темир йўл инфратузилмасини ривожланиши интеграциялашган узок муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Модернизация жараёни доирасида темир йўл инфратузилмаси транспорт хизматларига бўлган талабни максимал даражада қондириш ҳисобига бир қанча муҳим натижаларга эришиши талаб этилади.

Модернизациялашда энг муносиб лойиҳаларни танлаш маълум бир тизимлаштирилган мезонларга таяниб иш кўришни талаб этади. Фикримизча:

-лоийҳаларнинг стратегик мувофиқлиги;

- иқтисодий самарадорлиги;

-келажакда ривожланиш учун реал вариантларнинг мавжудлиги;

- соҳани тартибга солувчи қонунчиликка риоя қилиниши;

-кредиторлар талабларини бажариш;

-ички ресурсларнинг мавжудлигини асосий мезонлар сифатида қайд этиш мумкин.

Модернизациялаў деганда фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари, талаб ва меъёрлар, техник шароитларга мувофиқ иншоотлар, машиналар, ускуналар, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва янгилаш тушинилади.

Темир йўл тармоғининг бир қатор худудларда хомашё ва ёқилғи-энергетика маҳсулотларини ташиш ҳажмининг ўсишини таъминлаш учун уларнинг қурилиши талаб этилади. Булар: қўшимча магистрал йўллар, айланма йўллар, янги йўналишларни очиш.

Фикримизча, учта асосий лойиҳавий гуруҳга мансуб темир йўл инфратузилмасини ривожлантиришни молиялаштиришни ташкил этишда дифференциал ёндашувни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчиси - ягона ижтимоий транспорт, муҳофаа ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар бўлиб, улар ягона транспорт тармоғини шакллантиришга қаратилган. Ушбу лойиҳаларни молиялаштириш кўп ҳолларда давлат томонидан амалга оширилиши лозим;

Лойиҳаларнинг иккинчи гуруҳи - бу мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш ва қувватини ошириш бўйича лойиҳалар. Ушбу лойиҳалар авваламбор, “Ўзбекистон темир йўллари”нинг капитали ва жалб қилинган сармояси орқали молиялаштирилади.

Ва ниҳоят лойиҳаларнинг учинчи гуруҳи йирик юк ташувчилар, хусусий операторлар, қурилиш ва инвестиция компаниялари учун юқори тижорат қизиқишидаги янги инфратузилмани ривожлантириш. Ушбу лойиҳалар давлат-хусусий шерикликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларидан, шу жумладан яратилган йўлларни узок муддатли ижарага ёки имтиёзларга бериш воситаларидан фаол фойдаланишни ўз ичига олган аралаш молиялаштириш схемаси бўйича амалга оширилади. Ўзбекистоня учун иқтисодий муносабатларнинг ушбу мутлақо янги форматини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси, транспорт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга оширилиши керак.

Транспорт соҳасида, хусусан темир йўл қурилишида давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантиришнинг истиқболларига келсак, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга сармоя киритишга тайёр ва манфаатдор бўлган кон-металлургия, нефть, газ ва энергетика компанияларига катта умид боғлаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Юрин К. С., Обухова О. В. Модернизация железнодорожного транспорта, как фактор повышения качества транспортного обслуживания // УЭКС. 2012. №12 (48).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИННОВАЦИОН ВА ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Имамалиева Ф.Р. (РББОМ магистрант)

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Хошимов Э.А.

Бугунги кунда деярли барча янгиланишлар инновациялар билан боғлиқ. Модернизациялашнинг устувор йўналиши – бу ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, маҳсулот турларини янгилаш, ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, самарали бошқарув тизимларидан фойдаланиш ва рақобат устунликларининг ўсишига ва мустақамланишига олиб келадиган инновацион технологиялардир. Корхоналар даражасида инновацияларни қўллаш ҳудудлар ва мамлакат миқёсида инновацион фаолиятни рағбатлантиришга, пировард натижада инновацион фаолиятини кучайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Корхоналарнинг инновацион фаолиятининг комплекс хусусиятларига қуйидагилар киради:

- инновацияларни яратиш, ишлатиш ва тижоратлаштириш бўйича олиб борилаётган тадбирларнинг ўз вақтида ва интенсивлиги даражаси;
- корхоналарнинг ташкилий ва техник янгиликларга мойиллиги;
- ишлатилган усулларнинг аниқлигини кафолатлаш қобилияти;
- талаб қилинадиган сифат ва миқдордаги илмий, техник, кадрлар, молиявий ва ресурс салоҳиятидан фойдаланиш қобилияти;
- операциялар кетма-кетлиги ва таркиби бўйича инновацион технологик жараёнларни ташкил оқилона этиш.

Илмий-техник тараққиётнинг ютуқларидан фойдаланиш орқали корхоналарнинг инновацион ривожланиши илмий-техникавий тараққиётнинг марказий элементлари сифатида уларни модернизациялаш инновацияларни жорий этиш билан чамбарчас боғлиқдир.

Бошқариш объекти вазифасини инвестициялар ҳисобига модернизациялаш асосида ишлаб чиқаришни янгилаш ўтайди. Бундай бошқарув нафақат корхона даражасида, балки миллий ва ҳудудий даражадаги ечимларни талаб қиладиган бир қатор муаммолар билан боғлиқ.

1-жадвал

Корхона ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналишлари

т/р	Модернизация йўналиши	Асосий хусусиятлари
1.	Технологияларни қисман такомиллаштириш	<ul style="list-style-type: none"> • модернизация қилишнинг кўп мақсадли вазифаларини ҳал қила оладиган ноёб технологик ускуналарни танлаш ва ишлаб чиқиш; • мавжуд ва янги сотиб олинган ускуналарни ягона технологик занжирга жойлаштириш учун режалаштириш ечимини ишлаб чиқиш

		<p>ва танлаш;</p> <ul style="list-style-type: none"> • компаниянинг технология ва ускуналарни модернизация қилишга бўлган эҳтиёжини баҳолаш; • бутун ишлаб чиқариш технологияси доирасида янги жиҳозларни танлаш.
2.	Мавжуд технология асосида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш	<ul style="list-style-type: none"> • «муаммо» ни аниқлаш; • мавжуд технологиялар доирасида ускуналарни алмаштириш ва такомиллаштириш харажатларини таққослаш, сотиш ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий хусусиятларини прогноз қилиш; • технологияларнинг атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш; • тизим элементларини ўрнатиш, бунда такомиллаштириш мумкин бўлган ёки уларнинг қайси бирини ишлашда ўхшашларини алмаштириш кераклигини тушунган ҳолда "моддий оқим самарадорлиги" схемасини яратиш.
3.	Технологиялар ёки ускуналарни тубдан ўзгартириш	<ul style="list-style-type: none"> • сифат жиҳатидан янги хусусиятларга эга маҳсулотларга талабнинг пайдо бўлиши (истеъмол хусусиятлари, ишончлилиги, дизайни, экологик хавфсизлиги); • талабнинг ўзгариши хавфини баҳолаш ва молиявий юкни ҳисоблаш; • маҳсулотни ишлаб чиқариш циклининг ҳаракати кетма-кетлигида ишлаб чиқариш майдони қурилиши ва кенгайтирилиши
4.	Технологик занжирнинг бир қисмини модернизация қилиш	<p>кичик ва йирик технологик қурилмалар учун махсус мосламаларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш.</p>

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш уни ривожлантириш стратегиясининг муҳим йўналишларидан бири бўлганлиги сабабли, унга мустақил бошқарув объекти сифатида қаралади. Бу унинг техник ва ташкилий-иқтисодий хусусиятининг бир қатор омиллари, бошқарув муносабатларининг ривожланиши билан белгиланади.

Биринчидан, модернизациялаш вақтини қисқартириш зарурати. Кўпинча ишлаб чиқаришни қайта қуриш натижасида меҳнат унумдорлиги аста-секин ўсиб боради, таннарх ўсади ва активларнинг рентабеллиги пасаяди. Капитал қўйилмаларни ривожлантириш жараёни узоқ давом этганлиги сабабли, ишлаб чиқаришни модернизациялаш тугагач, лойиҳаларда қўйилган технологик ечимлар эскириши мумкин.

Иккинчидан, корхоналарни модернизация қилиш нафақат корхонанинг техник ва иқтисодий кўрсаткичларини кескин оширишни, балки келажакда унинг рақобатбардошлигини ва барқарор ривожланишини таъминлайдиган илғор ресурсларни тежайдиган технологияларга асосланиши керак. Корхонани қайта қуриш билан боғлиқ модернизация кўпинча қурилиш ишларини ўз ичига олади. Бундай иш мавжуд ишлаб чиқариш объектларини қайта қуриш ва уларни янги ускуналарни ўрнатиш учун мослаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришни талаб қилиб, уларнинг ҳажми минимал бўлиши лозим.

Учинчидан, ишлаб чиқаришни янгилашдан олдин ишлаб чиқариш майдонларини ихтисослаштириш керак, бу эса юқори самарали ускуналар ва янги технологияларни, автоматлаштирилган линияларни иқтисодий жиҳатдан асосли равишда жорий этиш учун замин яратади

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда инновацион модернизация йўналишини амалга ошириш интеллектуал таркибий қисмнинг ўсишини, ихтиролар ва уларни тижоратлаштиришда барқарор алоқаларни таъминлайди, технологиялар узатиш институтини ривожлантиради ҳамда миллий иқтисодиётда мавжуд бўлган ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Никитин С.А., Петрова Л.А. Техничко-технологическое обновление производства на промышленных предприятиях как объект управления // Известия ТулГУ. Экономические и юридические науки. 2016. №4-1.

АГРАР ТАРМОҚДА ЛОГИСТИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙУНАЛИШЛАРИ

Йўлдошев Б. О., Рахмонов И.Ш. (магистрантлар)

Илмий раҳбар: и.ф.д., доц. Ирисбекова М.Н.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни

модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда транспорт-коммуникациялари тизимидан самарали фойдаланиш услубларининг ўзгариши, мультимодал ва интермодал ташувларининг ривожланиши янги инфратузилмалар объектларини барпо этишни, яъни ташиш терминалларини шакллантиришни тақозо этади. Ҳалқаро миқёсида ушбу мультимодал ташиш терминаллари логистик марказларга айланиб, ҳалқаро ташув ва логистиканинг барча функцияларини ўзларига қамраб олади. Навоий ва Ангрэн шаҳарларида жойлашган. Ҳалқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши ундан нафақат Жанубий - Шарқий Осиё ва Европадан ўтадиган китъалараро транспорт-экспедиция тармоғи сифатида фойдаланиш имконини беради. Айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларга янги, замонавий юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарурий шароитлар яратилмоқда. Дунё савдосининг жадал ўсишида логистика ролининг кучайиши ҳалқаро масштабда амалга ошириладиган операцияларнинг интеграллашуви ғоясини амалга оширишга мўлжалланган глобал логистикага алоҳида эътибор беришга олиб келди.

Хитой давлатининг ташаббуси билан амалга ошириладиган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасида мамлакатимизнинг транспорт-коммуникация инфратузилмалари соҳасидаги имкониятларини ошириш лозим. Транзит давлатлар, хусусан, Туркманистон, Эрон, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон ва Грузия ҳудудларидан асосий экспорт юкларини транзит шаклида ташишда преференция масалаларига эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, миллий юк ташувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга қўшимча шароитлар яратиш мақсадида “Миллий логистика портали”ни ташкил этиш лозим.[1]

Жаҳон иқтисодиётида интеграция жараёнларини глобаллашуви ва чуқурлашуви аграр бизнесни ички кучли ва заиф томонларини ҳам, унинг бозордаги ташқи имкониятлари ва ҳавф-хатарларини ҳам ҳартомонлама чуқур ўрганишни тақозо этмоқда. Айнан ана шу имкониятлардан бири агросаноат гуруҳини кластер модели бўйича ташкил этишдир.

Кластер модели жаҳон амалиётида иқтисодий гуруҳни, минтақани, бутун мамлакатни рақобатбардошлилигини кўтариш инструменти сифатида кенг қўлланилади. Кластер моделини асосий белгилари: гуруҳни ташқи бозордаги улушини ошириш имкониятига эгаллиги; жойлашган ҳудудда қулай шароитларни мавжудлиги; гуруҳни давлат томонидан кучли қўллаш эвазига қатнашувчиларнинг гуруҳда самарали иштирок этиш имкониятларини кенглиги билан белгиланади.

Қишлоқ хўжалигида кластерларини ташкил этиш ва унинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий асослари кенг ёритиш учун унинг назарий жиҳатларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида тўқимачилик саноати корхоналари ўз даромадларини ошириш мақсадида қўшимча манбаларни топишга ҳаракат қилади ва буни ўз фаолиятини кенгайтириш ҳисобига ҳам амалга ошириши мумкин. Бундай шароитда жуда кўп тарқалган усул бу корхоналарнинг бирлашишидир.

Мева-сабзавотчиликни самарали ривожлантиришни таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартда “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” пф-5388 сонли фармони [2] билан Сурхондарё вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари соҳасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кластер усулини яратишни қўллаб-қувватлаш бўйича тажриба йўлга қўйилди.

Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан то сотишгача бўлган белгиланган жараёни мустақил равишда амалга оширувчи ягона ёки ўзаро боғлиқ корхоналар гуруҳи доирасида логистика марказларига (мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш бўйича қувватлар, қишлоқ хўжалиги техникаси), шунингдек, ички ва ташқи бозорда мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш тажрибасини йўлга қўйиш ишлари амалга оширилди.

Инвестицион оқимларни тартибга солиш ва улардан кластерни барча логистик бўғинларини устувор ривожлантириш асосий ресурслардан ва янги яратилган технологик ва инновацион салоҳиятдан самарали фойдаланишни баҳолаш имконияти яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2018 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномаси
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони//«Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.
3. Logistics.uz

ЎЗБЕКСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Йўлдошев Б.О. (Магистрант)
Чариев Х.Ш. (Ассистент ТАЙЛҚЭИ)**

Шаҳар кўчаларида транспорт оқимини бошқариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларини таҳлил қилиш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мустақиллик – буюк тарихий ҳодиса ва бебаҳо неъмат. Мустақил юртимизнинг ҳар бир фуқароси мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни ривожлантириш учун ҳисса қўшиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни 2019 йил 7 февралда имзоланган бўлиб, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизда Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги ташкил этилди[1]. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги тизими ҳузурида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари йўлга қўйилди.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш учун эса одамлар онгига йўл ҳаракати қоидаларини пухта синдириш, ўргатиш ва замонвий ахборат технологияларидан фойдаланиш зарур.

Фуқароларимизнинг “Йўл ҳаракати қоидалари”ни чуқур билишлари, унга ҳурмат билан қарашлари, транспорт воситасини бошқариш маданиятига риоя қилишлари ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Ҳозирги кунда йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ) натижасида халқ хўжалигида материаллар йўқотишига, транспорт воситалари ва иншоотларига зиён етишига, инсонларининг жароҳатланишига ёки ҳалок бўлишига олиб келиши мумкин.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2013-2018 йиллар мобайнида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида статистик маълумотлар Республика Йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармаси (ЙХХБ) томонидан олинган маълумотларга асосан ўрганиб чиқилди ва қуйидагича таҳлил қилинди:[2]

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2013-2018 йиллар мобайнида содир этилган умумий йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида статистик маълумотлар:


1-жадвал

Йиллар	Жами		
	ЙТХ	Ҳалок бўлганлар	Жароҳат олганлар
2013	10611	2161	11228
2014	10309	2158	10835
2015	10326	2323	10428
2016	10200	2304	10298
2017	10413	2549	10233
2018	10212	2496	9845

Бу гистограммадаги қийматларга эътибор берадиган бўлсак, 2013 йилда ЙТХ юқорилигини, 2018 йилда эса бу қиймат пасайганлигини кўрамиз. Ҳалок бўлганлар эса 2017 йилда юқорилигини ва жароҳат олганлар эса 2018 йилга келиб камайганлигини кўришимиз мумкин. Бу қийматларни ўзаро таққослаганда қоидабузарликлар йилдан – йилга камаяётганини кузатишимиз мумкин. Жами содир этилган ЙТХларини циклограммасидан кўрадиган бўлсак, қоидабузарлик кўрсаткич кейинги йилларда пасайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.




1-Расм. Ўзбекистон Республикасида 2013-2018 йиллар мобайнида содир бўлган ЙТХларининг тақсимланиш гистрограммаси



2-Расм. Ўзбекистон Республикасида 2013-2018 йиллар мобайнида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг циклограммаси

Тошкент шаҳрида видеокузатув ва ведиоқайд этиш камералари ўрнатилган кундан буён йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилиши ва йўл белгиларига бўлган ҳурматга риоя этилишига имкон яратилди. Бу эса шаҳримиз йўлларидаги ЙТХ сонини анча қисқартиради. Қуйидаги таҳлилимизда 2016 йил 15 март кунидан ишга тушган фото ва видеокамера ўрнатилган кундаги натижаларини қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:



3-Расм. Тошкент шаҳар туманлари миқёсида 2016-2017 йилларда (фото ва видеокамера ўрнатилгандан) содир бўлган ЙТХларининг циклограммаси

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш учун замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш керак. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ҳам видео кузатув камераларини ўрнатиш, интеллектуал транспорт тизимларини қўллаш ва замонвий йўл белгиларини ўрнатиш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/02/07/farmon-transport/>.
2. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҚХББ маълумоти 2018 йил

**АГРАР ТАРМОҚДА КЛАСТЕРЛАШТИРИШ
 ФАОЛИЯТИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ ВА УНИ
 ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ**

Йўлдошев Б.О. (Магистрант)

Илмий раҳбар: и.ф.д., доц. Ирисбекова М.Н.

Кластер сиёсатини кучли томони – кластер фаолиятида корпоратив бошқарувини замонавий услублари асосида иқтисодий омилларга таяниб, маъмурий буйруқвозликдан деярли воз кечишдадир. Ушбу сиёсатни юритиш учун “Минтақавий агросаноат кластерларини 2019-2021 йилларда ривожлантириш программаси”ни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш лозим. Программада кластер гуруҳни ташқи ва ички бозордаги улушини кучайтириш имкониятига қараб, у жойлашган ҳудудда нисбатан орзон хомашъё манбаълари, малакали персонал, транспорт ва алоқа коммуникациялари ва бошқа инфраструктурадан оқилона фойдаланиш ҳисобига экспорт ҳажмини кўпайтириш ва ички бозорни сифатли кийим-кечак ва озиқ-овқат моллари билан тўлдириш йўллари аниқланади.

Кластер моделижаҳон амалиётида иқтисодий гуруҳни, минтақани, бутун мамлакатни рақобатбардошлилигини кўтариш инструменти сифатида кенг қўлланилади. Кластер моделини асосий белгилари: гуруҳни ташқи бозордаги улушини ошириш имкониятига эгаллиги; жойлашган ҳудудда қулай шароитларни мавжудлиги; гуруҳни давлат томонидан кучли қўллаш эвазига

катнашувчиларнинг гуруҳда самарали иштирок этиш имкониятларини кенглиги билан белгиланади.

Кластерлаштириш бўйича ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш, ҳамда агросаноатда анчагина кенг кўламда кластерларни шакллантириш ишлари олиб бориляпти. Кластер гуруҳини ички ва ташқи муҳитда рақобатбардошлилигини белгиловчи бизнес-муҳитни шакллантираолиш имконияти аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 февраль куни қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Йиғилишда юртимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 66 та мамлакатга экспорт қилингани айтиб ўтилди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди ва мева-сабзавот кластерлари ташкил этилмоқда. 2019 йил 11 декабрда бу борада Президент қарори қабул қилиниб, барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиб берилди. Ҳокимликлар томонидан 86 та шундай кластер ташкил этиш бўйича таклифлар шакллантирилди. 27 та кластерга пахта етиштириш учун уларнинг қувватига нисбатан кўп ер майдони ажратилгани, 500 минг тонна толани ишлаб чиқариш қувватига эга айрим кластерларга эса етарли миқдорда ер берилмагани кескин танқидга сабаб бўлди. Бугунгача мамлакатимизда 73 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган, ўтган йилги пахта ҳосилининг 73 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келган. Ўртача ҳосилдорлик кластер бўлмаган ерларга нисбатан 4,1 центнерга юқори бўлиб, кўшимча 428 минг тонна пахта олинган. Мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш, унга бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Қишлоқ хўжалиги вазирлигига кластерлар фаолиятини ташкил қилиш, хорижий экспертлар хулосаси асосида экинларни самарали жойлаштириш, зарур уруғлик ва кўчатларни ҳозирдан тайёрлаш, Молия вазирлигига кластерларни айланма маблағлар билан таъминлаш бўйича топшириқлар берди. «Ўзбекозиқовқатхолдинг» компанияси кластерларга янги бозорлар топиш ва экспорт қилишда доимий равишда амалий ёрдам бериб бориши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Адлия вазирлигига кластерлар ва фермерларнинг мажбуриятларини аниқ белгилаб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Кластерларнинг катта аҳамияти менежментнинг янги дастурларини шакллантиради, аммо уларга бўлган эҳтиёж камдан - кам ҳоллардагина англаб етилади. Кластерлар ҳукумат учун ҳам янги фаолият йўналишларини шакллантиради. Мавжуд ва пайдо бўлаётган кластерларнинг ўсиши ва ривожланиши йўлидаги тўсиқларни йўқотиш устувор йўналиш бўлиши лозим. Кластерлар экспортни ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Экспорт салоҳиятига

эга лидер-корхона эса фермерга фақат ташқи савдога чиқиш имконини яратиб берибгина қолмай, балки замонавий агротехнологияларни қўллаб импорт ўрнини босувчи юқори сифатли ва энг юксак товар хусусиятларига эга бўлган маҳсулотни ички бозор учун ҳам етиштиришга ҳартомонлама кўмак беради. Аҳоли бандлигини таъминловчи агросаноат бирлашмалари, ахборот-коммуникация тизими, замонавий омборхона ва транспорт терминаллари ва бошқа инфраструктура объектларини шакллантириш, логистик марказларни ташкил этиш билан бирга ташқи бозорларга чиқиш бўйича кенг қўламда маълумот базасини яратади ва энг самарали маркетинг каналини танлашга имкон беради. кластерни логистик стратегиясини ишлаб чиқиш учун унинг заҳиралари ва инфраструктурасини ҳозирги ҳолатини ишончли таҳлил қилиш, яқин ва узоқ келажакга прогнозлаш инструментларини яратиш талаб қилинади;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2020 йил 4 февральдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигида кластерлар фаолиятини янада ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиши
2. 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномаси
3. 2018 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатномаси
4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони//«Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

SHAHAR JAMOAT TRANSPORTIDA YO'LOVCHILARNI TASHISHLARNI TASHKIL ETISH VA LOGISTIC HIZMATLARINI KURSATISH

Mamarahimov Sh. (magistrant)

Ilmiy rahbar: doc. Omonov B.Sh.

Keyingi yillarda avtomobil transporti sohasida aholiga xizmat ko'rsatish sifatini yaxshilash borasida ko'plab chora-tadbirlar ko'rildi, avtotransport xizmatlarini rivojlantirishning maqsadli parametrlari izchil bajarilmoqda.

Yo'lovchilar tashiydigan avtomobil transportining yangi muntazam yo'nalishlari hamma joyda ochilmoqda, hozirgi vaqtda ularning soni 4,3 mingtadan oshdi. Faqat so'nggi 3-yilning o'zida, asosan mamlakatimizda ishlab chiqarilgan 3 mingga yaqin avtobus va 12 mingta yengil avtomobil foydalanishga topshirildi. Yangi avtovokzallar va avtostansiyalar barpo etilmoqda, eskilari rekonstruksiya qilinmoqda. Yo'lovchilarga sifatli xizmat ko'rsatishni ta'minlash maqsadida avtobus va mikroavtobuslarning ishini masofadan onlayn rejimida (GPS) doimiy kuzatish moslamalari ishga tushurilgan. [1]

Milliy matbuot markazida O'zbekiston Transport Vazirligi tomonidan sohada amalga oshirilgan ishlar, istiqboldagi vazifalar muhokamasiga bag'ishlab

oʻtkazilgan matbuot anjumanida taʼkidlanganidek, Prezident Shavkat Mirziyoyevning 2017 yil 10 yanvardagi “Aholiga transport xizmati koʻrsatish hamda shaharlar va qishloqlarda avtobuslarda yoʻlovchilar tashish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi qarori bu borada muhim dasturli amalboʻlayotir.

Mazkur qaror bilan 2017-2021-yillarda shaharlar va qishloqlarda avtotransport xizmatlarini yanada rivojlantirish dasturi tasdiqlandi. Avtobuslar qaysi mulkchilikka mansubligidan qatʼiy nazar, asosan oldindan belgilangan yoʻnalishlarda qatnab, aholiga transport xizmatini koʻrsatadilar. Yoʻnalish tushunchasi yoʻlovchi tashish jarayonlarini tashkil etish va boshqarish masalalarining qoʻyilishida va uni yechishda muhim ahamiyatga ega.

Avtobus yoʻnalishi maʼlum bir boshlangʻich va oxirgi manzillarni bogʻlovchi yoʻl tarmogʻi boʻlib, mazkur yoʻl tarmogʻi boʻylab belgilangan oraliq manzillarda toʻxtab, yoʻlovchilarni avtobusdan tushirish va avtobusga chiqarish hamda barcha manzillarni oʻzaro bogʻlovchi shahar koʻchalari (avtomobil yoʻllari) boʻylab, yoʻlovchilar bilan yuklangan avtobusni harakatlantirish jarayonlarini tashkil etuvchi obʼektlar majmuini oʻz ichiga oladi.

Shahar koʻchalari va avtomobil yoʻllaridan oʻtgan avtobus yoʻnalishlari avtobus transporti tarmogʻi deb ataladi. Shahar ichida joylashgan barcha turdagi (avtobus, marshrutka va metropoliten) yoʻnalishlari birgalikda shahar yagona transport tarmogʻini tashkil etadi. Yoʻlovchilar uchun qulaylik shahar transport tarmogʻining mukammalligiga bogʻliq boʻladi.

Shahar transport tarmogʻiga qoʻyilgan talablardan eng asosiylariga quyidagilarni koʻrsatish mumkin:

- iloji boricha koʻzlangan manzilga bitta transportda yetib olish;
- manzilga kam vaqt sarf qilib tez yetib borish;
- transport vositasidagi yoʻlovchilar soni uning meʼyoriy sigʻimidan katta boʻlmasligi;
- yoʻlovchilar xavfsizligini taʼminlash.

Yoʻnalish tarmogʻini tanlash va asoslash yoʻlovchi oqimining taqsimlanishiga bogʻliq boʻladi.

Yoʻnalishlarni toʻgʻri tanlash yoʻlovchilarni manzillariga yetib borishi uchun sarflaydigan vaqtini kamaytiradi va transport vositalaridan foydalanish samaradorligining oshishiga olib keladi.

Yoʻnalishlarni tanlash va ularning zarurligini asoslash, shu bilan bogʻliq boʻlgan barcha masalalar yoʻlovchilar oqimi haqidagi maʼlumotlar asosida amalga oshiriladi.

Ayrim yoʻnalish tarmogʻi boʻlakdaridan ikki yoki undan ham ortiq avtobus yoʻnalishi oʻtgan boʻlishi mumkin. Shahar koʻchalari va yoʻllarni qanchalik avtobus yoʻnalishlari bilan qamrab olinganini baholash uchun “Yoʻnalish koeffitsientidan” foydalaniladi. Yoʻnalish koeffitsienti barcha avtobus yoʻnalishlari uzunligini avtobus tarmogʻi uzunligiga, yaʼni yoʻnalish oʻtgan koʻchalarning uzunligiga boʻlib topiladi: [2]

Aholining tashishga bo`lgan talabini to`la qondirish va ularga yuqori sifatli transport xizmatini ko`rsatish uchun yo`lovchilar oqimi va ularning tavsiflari to`g`risidagi ma`lumotlar kerak bo`ladi:

1. Butun yo`nalish bo`yicha yo`lovchilarni tashish hajmi
2. Yo`nalishning bo`laklari (bekatlar oralig`i) bo`yicha yo`lovchilar oqimining taqsimlanishi.
3. Kunning soatlari bo`yicha yo`lovchilar oqimining hajmini taqsimlanishi.
4. Yo`lovchilar aylanishi.
5. Yo`lovchilarni o`rtacha tashish masofasi.
6. Yo`lovchilarning almashuvchanlik koeffitsienti.

Етказиб беришлар занжирининг муваффақиятли фаолияти аутсорсерлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик муносабатларига, зарур даражадаги етказиб берувчини танлаш эса муайян вазиятни ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндошишга асосланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Круглов А.И. Логистический аутсорсинг //Планово-экономический отдел. 2011. №6.
2. Ефремов Андрей Александрович К вопросу о координации в логистике и управлении цепями поставок // Научно-технические ведомости Санкт-Петербургского государственного политехнического университета. Экономические науки. 2010. №6.

ГАЗ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФойДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ

**Садатов Ш.С. (РББОМ магистранти)
Илмий раҳбар: и.ф.д. Суюнов Д.Х.**

Газ таъминоти корхоналарининг келажакда барқарор ривожланиши унинг ўзгарувчан атроф-муҳит шароитларини башорат қилиш ва мослашувчан жавоб бериш, рақобат устунликларини сақлаб қолиши ҳамда харид қобилиятига эга бўлишида уларни бошқаришда замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Газ таъминоти соҳасида ахборот технологияларини жорий этиш уларнинг ривожланиши, маҳсулдорлигини ошириш билан бир қаторда техник ечимларга асосланади. Шунинг учун газ таъминоти тизимида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг асосий йўналишларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ахборот технологияларининг (АТ) газ саноатидаги асосий вазифаси газ қазиб олиш ва уларни етказиб бериш харажатларини минимал даражага туширишдир. Бугунги кунда соҳада ахборот технологияларидан фойдаланишни қуйидаги асосий йўналишларга ажратиш мумкин:

1. Газ қазиб олишда АТдан фойдаланиш. Ушбу йўналишда ахборот технологияларининг асосий вазифаси газнинг керакли ҳажмини қазиб олиш харажатларини минимал даражага туширишдир. Шубҳасиз, ахборот технологияларидан фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёнларини янада тўлиқ автоматлаштиришга имкон беради, энг муҳими, турли хил қудуқлардан олинган зиддиятли ва баъзан тўлиқ бўлмаган маълумотларни олиш ва қайта ишлаш учун саноат ускуналарини "тайёрлаш" ва кейинчалик газни янада самарали ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ягона маълумотлар тўплами синтез қилинади.

2. Газни транспортировка қилишда АТдан фойдаланиш. Ахборот технологияларининг барча афзалликларини санаб ўтар эканмиз, ишонч билан айтиш мумкинки, улардан нефть ва газни транспортировкадан фойдаланиш хавфсизликнинг юқори даражасига эришишга имкон беради. Бунда қувур линиясини тўғри ва тезкор моделлаштириш ва барча асосий мезонларни ўз ичига олган компьютерда таҳлил қилиш пайтида олинган маълумотлар қувурлар тизими ишлашини оптималлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга тезкор эришилади[2].

3. Газни қайта ишлаш соҳасида АТ. Мониторинг ва рўйхатга олиш асбоблари, ҳисоблаш ва ўлчаш ускуналари, автоматик тартибга солиш функцияси билан жиҳозланган қурилмалар, бошқача айтганда, ахборот ва техник технологиялардан фойдаланмасдан нефть ва газни самарали қайта ишлаш деярли мумкин эмас. Табиий газни қайта ишлаш жараёнида юзага келадиган жараёнларни ўрганиш ва кузатиш янги газни қайта ишлаш ва

нефть кимёси корхоналарида хом-ашёни қайта ишлашнинг янада самарали усуллари ишлаб чиқишга имкон беради. Нефть ва газни қайта ишлаш соҳасида ахборот технологияларидан фойдаланиш рўйхатга олиш ва назорат қилишни автоматлаштириш даражасига олиб чиқади, телемеханизация ва газ саноати корхоналарининг муаммоларини ҳал қилиш учун мўлжалланган автоматлаштирилган бошқарув тизимлари билан бирлаштирилади[1].

Газ саноати инфратузилмасини ривожлантиришда АТдан фойдаланиш истиқболи табиий газни ишлаб чиқариш, ташиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган барча фаолият турларини автоматлаштиришни ўз ичига олади. Натижада авария ҳолатлари ва ускуналарнинг ишдан чиқиши билан боғлиқ йўқотишларни камайтириб, нархларни бошқариш ва бозор хатарларини пасайтириш учун имкониятларнинг ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Марков В.К. Инновации как вектор стратегического развития нефтегазового комплекса России // Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. Выпуск № 1, 2011. С. 29-32.

2. Федоров М.Д. Современные информационные технологии в нефтяной и газовой промышленности // Нефтяное хозяйство. № 12, 2012. С. 23-28.

КЎП ПОҒОНАЛИ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Садатов Ш.С. (РББОМ магистранти)

Илмий раҳбар: и.ф.д. Суюнов Д.Х.

Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида Ўзбекистонда аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиий газни етказиб бериш концепцияси унинг оптималлиги ва истеъмолчига етказиб бериш учун транспортировка қилишнинг кенг имкониятлари билан белгиланади.

Газ таъминоти тизими таркибий бўлинмаларнинг функционал мақсади ва жуғрофий тақсмоти жиҳатидан мураккаб инфратузилишга эга объектдир. Ушбу омиллар ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади, унинг ўсиши ҳар қандай йирик корхона учун устувор ҳисобланади.

Газ таъминоти корхоналарининг маъмурий аппарати функциялари уларнинг таркибий бўлинмалари (филиаллар) функцияларидан ажралиб туради. Маъмурий аппарат корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини бошқаради ва унинг худудий филиаллари ишини мувофиқлаштиради. Филиалларга ишлаб чиқариш режалари ва иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши юклатилган. Ўз навбатида ҳар бир филиал маъмурий ва ишлаб

чиқариш тузилмасига эга. Кўпинча корхона маъмурияти ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини ажратиб турадиган бошқарув даражалари поғоналари сони муайян худудлар бўйича уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, фарқ қилади. Гап функционал мақсадга мўлжалланган бўлинмаларни бирлаштирувчи минтақавий газ таъминоти корхоналари ҳақида кетмоқда. Кўп поғонали бошқарув даражаларини вужудга келишининг сабаби, уларнинг барчаси турли жуғрофий тақсимотда бўлиб, улар билан алоқа ўрнатишни ва натижада уларни тезкор бошқаришни қийинлаштиради. Шунга қарамай, таркибий бирликлар сифатида бир қатор минтақавий филиалларнинг мавжудлиги туфайли соҳада корпоратив ахборот тизими ривожланмоқда, бу эса алоқа билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ва маъмуриятга маълумотларни узатиш самарадорлигини оширишга имкон беради.

Газ таъминоти тизими фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолашда энг аввало истеъмолчилар талабларини ифодаловчи мезонларга эътибор қаратишимиз лозим. Чунки газ истеъмолчилари уларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқ қондира оладиган кўрсаткичларга эътибор қаратган ҳолда ундан фойдаланиш истагини билдирадilar. Газ таъминоти корхоналари ушбу истеъмолчиларнинг талабларига мос келадиган истеъмол даражаси, бозор ҳажми ва етказиб бериш хизматларини кўрсатиш истиқболини баҳолашга қаратишлари лозим[2]. Бунда баҳолаш учун танланган кўрсаткичлар уларнинг меъёрий, муайян истеъмолчилар талаб этадиган кўрсаткичлар билан таққосланади. Ҳар қандай кўрсаткич аниқ бир вақт ва жойда мавжуд бўлиб, уларни баҳолаш таққослама характерга эга бўлиши талаб этилади [1].

Шулар асосида, газ таъминоти комплекси даражасида яратилган ахборот тизимларига қўйиладиган асосий талабларни шакллантириш мумкин:

- газ таъминоти корхоналари ахборот тизимларининг ички фойдаланиш ва газ таъминоти инфратузилмаси корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқада очиклиги;

- асосий ҳужжатларни стандартлаштириш ва бирлаштиришнинг глобал ва миллий тенденцияларга мувофиқлиги;

- минтақавий газ таъминоти комплекси ахборот тизими асосида маълум бир минтақада ягона ахборот маконини шакллантириш;

- газни етказиб бериш жараёнларини тўловларни йиғиш билан узлуксиз боғлаш, шунингдек маблағларни қабул қилишнинг самарадорлигини таъминлаш;

- газ таъминоти корхоналарида бошқарув тузилмалари ходимларининг фаолияти устидан тўлиқ маъмурий назоратни ўрнатиш;

- газни етказиб бериш бўйича диспетчерлик жараёнини бошқариш ва уларнинг бажарилишини реал вақт режимида мониторинг қилиш.

Газ таъминоти тизимида ахборот тизимини куриш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

биринчидан, иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг устувор кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш ҳисобга олинмаган маълумотларга асосланади. Ушбу тизим иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳақиқий ҳолат кўрсаткичларини кейинчалик таққослаш учун асос яратади;

иккинчидан, иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳақиқий ҳолатини таҳлилий кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш. Ушбу тизим алоҳида объектлар томонидан иқтисодий ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳақиқий ҳолатини таҳлилий кўрсаткичлари билан бирлаштирилади;

учинчидан, ташкилий ва ахборот инфратузилмасини куриш минтақавий газ таъминоти комплекси даражасидаги саёҳатлар. Кўрсатилган инфратузилма бу маълумот тўплаш, ишлов бериш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш жараёнларини амалга оширадиган тизимдир;

тўртинчидан, табиий газ таъминоти бўйича маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, синтез қилиш ва таҳлил қилиш жараёнларини ишлаб чиқиш.

Бу табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш тартибидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, фикримизча, бугунги кунда ахборот таъминоти асосида ягона газ таъминоти даражасида ахборот тизимларининг замонавий архитектурасини куриш мақсадга мувофиқдир, улар ягона услубий ёндошишга асосланиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Борцвадзе Л.Н. Современное состояние, проблемы и перспективы инновационного развития нефтегазовых компаний РФ // Бизнес в законе. Экономико-юридический журнал. Выпуск № 2, 2012. С. 17-18.

2. Умаров С.С. Эффективное использование информационных систем в газотранспортной инфраструктуре Республики Узбекистан // Экономика, Статистика и Информатика №4, 2015. –С-184-187.

LOGISTIKADA TRANSPORT-EKSPEDITORLIK XIZMATI

**Sodiqov S.S. Stajyor-o'qituvchi
Shodiyev A. talaba**

Transport-ekspeditorlik korxonalari-tovarlarni yetkazish jarayoni ko'p ishlarni zanjirli bajarilishiga, samarali yetkazib berish kompleksini o'z ichiga olgan va o'z navbatida, tovarlarni teng taqsimlashni ta'minlovchi operatsiyalar va xizmatlar jarayoni tashkil qiladi. Transport-ekspeditorlik xizmati–yuklarni tashkil qilish va jo'natish jarayoni bilan bog'liq bo'lgan transport xizmatining turi hamda transport ekspeditsiyasi shartnomasi asosida yuklarni tashishga taalluqli bo'lgan boshqa ishlar turining bajarilishidir.

Ekspeditsion xizmatlar deb yuk tashish jarayoni bilan bog'liq bo'lgan operatsiyalar yoki ishlar tushuniladi. Avtomobil transportida transport-ekspeditorlik xizmati ko'rsatish ishlab chiqaruvchidan iste'molchigacha tovarlarni tashish, ular bilan bog'liq bo'lgan ortish-tushirish ishlari, saqlash, sug'irta qilish,

moliyalash xizmati, axborot jarayoni va hujjatlarni yuritishni o'z ichiga oladigan yetkazib berish tizimi sifatida qaraladi.

Transport xizmatini ko'rsatish, yuklarni ortish-tushirish, saqlash xizmatlarini ko'rsatgan holda makon va zamonda harakatlanishi jarayoni bilan bog'liq transport-ekspeditorlik korxonalarining faoliyati sifatida aniqlanadi. Ekspeditorlik xizmati tovarlarni ishlab chiqaruvchilardan iste'molchilarga yetkazib berish jarayonining bir qismi bo'lib hisoblanadi. Transport-ekspeditorlik faoliyatini tashkil qilish va boshqarish fanining maqsadi transport-ekspeditorlik xizmati ko'rsatish bilan bog'liq faoliyatni o'rganishdan iborat. Transport-ekspeditorlik faoliyatini tashkil qilish quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- Transport-ekspeditorlik kompaniyalarining tuzilishi va funksiyalarini tahlil etish;
- Respublikamizda transport-ekspeditorlik xizmatining mavjud holatini o'rganish;
- xalqaro tashuvlarni rivojlanishida logistikaning tutgan o'rnini baholash;
- transport-ekspeditorlik kompaniyalarining turlarini o'rganish;
- transport-ekspeditorlik kompaniyalari tomonidan amalga oshiriladigan xizmatlar turlari tahlil etish;
- transport-ekspeditorlik xizmatlariga talablarni aniqlashni marketing tadqiqotlarining usullari tahlil etish;
- transport-ekspeditorlik xizmatlari ko'rsatkichlarini tanlash;
- transport-ekspeditorlik xizmatlariga bo'lgan talablarni aniqlash usullarini ishlab chiqish;

Ekspeditorlik xizmatlari – bu vositachilik va yordamchi-texnologik xizmatlar kompleksi bo'lib, shartnoma asosida bu xizmatlarni amalga oshirishni o'z zimmasiga ekspeditor oladi.

Transport-ekspeditorlik xizmati – yuklarni tashkil qilish va jo'natish jarayoni bilan bog'liq bo'lgan transport xizmatining turi hamda transport ekspeditsiyasi shartnomasi asosida yuklarni tashishga taalluqli bo'lgan boshqa ishlar turining bajarilishidir.

Ekspeditorlar o'zlarining transport-ekspeditorlik xizmatlarini ko'rsatish faoliyatini litsenziya asosida amalga oshiradilar. Transport-ekspeditorlik faoliyatini litsenziyalashtirish tartibi O'zbekiston Respublikasining Vazirlar Mahkamasi tomonidan aniqlanadi.

Ekspeditorning bajaradigan funksiyalari:

- ekspeditor o'z mijozini savdo shartnomasini tuzish uchun oldindan uni maslahatchi sifatida ishtirok etishiga ishontirishi kerak yoki kelishuv ishtirokchilari bilan tanishtirishi kerak;
- ekspeditor yuk tashish bo'yicha transport- yuk xatini (nakladnoyni) va boshqa xujjatlarni rasmiylashtiradi;
- ekspeditor yuk jo'natuvchining omborxonasidan temir yo'l stansiyasiga, portga, yuk avtostansiyasiga yukni yetkazishni tashkil qiladi;
- ekspeditor yuklash va tushirish ishlarini, saqlashni va yukni to'kish ishlarini tashkil etadi;

- ekspeditor yirik partiyadagi tovarlarni navlarga ajratadi va yuklarni konsolidatsiyasi (ekspeditorning shartnoma bo'yicha o'z zimmasiga olgan ishlarni bajarish) bilan shug'ullanadi;

- ekspeditor mayda partiyalarni komplektlaydi (yig'adi) va yukni oluvchiga yetkazishni tashkil qiladi;

- ekspeditor qadoqlash va markirlash ishlarini , yukni qabul qilish va topshirish, o'rinlar sonini tekshirish, yukning tarasi va qadoqlashni va mosligini tekshirish ishlarini amalga oshiradi;

- ekspeditor yuklarni bojxona tozaluviga, fitosanitar nazoratiga va korantin operatsiyalariga amaliy yordam qiladi;

- ekspeditor kamomat, ortiqchaligi bo'yicha tovarning shikastlanishi bo'yicha tijorat dalolatnomalarini rasmiylashtiradi;

- ekspeditor to'lovlarni amalga oshirilishiga yordamlashadi va o'zi yetkazgan yuk uchun to'lovni amalga oshiradi.

Transport-ekspeditorlik xizmatlari o'z ichiga quyidagilarni olishi mumkin:

- yukni jo'natish joyidan manzilgacha bo'lgan yuk tashish amaliyotini tashkil qilish;

- mijozning shartiga ko'ra optimal yuk tashish yo'lini tanlash;

- yuk jo'natuvchining omboridan (terminalidan) yuklarni qabul qilish, yuk qabul qiluvchining yoki tashuvchining omboriga yetkazish va topshirish;

- qadoqlash, markirovka qilish, paketlarga solish, navlash va yuklarni saqlash;

- yuklarni sug'urtalash;

- yukning jo'natilgani, turgan joyi, manzilga yetib kelganligi haqida xabar jo'natish;

- xizmatlar turi haqidagi axborot, boshqa ekspeditorlarning ish tartibi va tariflari va boshqa operativ axborotlar;

- transport-ekspeditorlik faoliyati bilan bog'liq bo'lgan savollar bo'yicha maslahatlar;

- bojxona rasmiyatchiligini bajarish;

- yukni tashishni bajarganligi uchun kuzatuvchi bilan bo'lgan hisobni amalga oshirish;

- yuklarni tashish bilan bog'liq bo'lgan boshqa xizmatlar.

Ekspeditsion xizmatlar deb yuk tashish jarayoni bilan bog'lik bo'lgan operatsiyalar yoki ishlar tushuniladi. Bu operatsiyalar materiallarni manzilga yetkazishni, omborlash va saqlashni, qadoqlash va ishlov berish (agregirlash) ni o'z ichiga oladi.

Bunga hisoblash operatsiyalari, ekspeditorlik va hisoblash operatsiyalari maslahatlari, yuklarni bojxona deklaratsiyasi, yo'nalishni tanlash, harakat jadvalini ishlab chiqish va transport vositalariga texnik xizmat ko'rsatish, transport xujjatlarini rasmiylashtirish, yukni qabul qilish, topshirish, yuklash-tushirish ishlari kiradi.

Кенг қамровли исте‘molchilarning talablari transport-ekspeditorlik xizmatlarining katta sonli kompaniyalari – ekspeditorlari va bu kompaniyalar ko‘rsatadigan asosiy, hamda qo‘shimcha keng xizmatlari hisobiga qondiriladi. Bu bozordagi iste‘molchilarning har xil talablari yukori darajada qondirilishini ta‘kidlashi mumkin.

Avtomobillarda xalqaro tashish milliy iqtisodiyotimizni rivojlantirishda asosiy ishonchli manba bo‘lib xizmat qiladi. Xalqaro yuk tashish butun dunyoda yuqori darajadagi foyda keltiruvchi ishonchli biznes hisoblanib, davlat iqtisodi rivojiga salmoqli hissa qo‘shadi.

Yevropa davlatlarida xalqaro tashishlarning 44% avtomobil transporti ulushiga to‘g‘ri kelmoqda. Shuningdek, 41% - dengiz transportiga, 8% - temir yo‘l transportiga, 4% - ichki suv transportiga to‘g‘ri kelmoqda.

AQSH tadqiqotchilarining olib borgan tadqiqotlari natijasiga ko‘ra mahsulot ishab chiqarilishidan uni iste‘molchigacha yetib borishida transport xizmati xarajati umumiy xarajatning (mahsulot tannarxi) 1/3 qismini tashkil etarkan.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Butaev SH.A., Mirzaahmedov B.M., Jo‘raev M.N., Do‘rmanov A.SH., Bahodirov B. Tashish jarayonlarini modellashtirish va optimallashtirish, Toshkent, O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi, Fan nashriyoti, 2009-268 b.
2. Xodjayev B.A., Zakirov G.T. “Международные автомобильные перевозки” TOSHKENT —FAN, 2005- 310 b.
3. TRANSPORT LOGISTIKASI - M.N.Juraev, A.E.Yusupov. Qarshi – 2016 yil

ЗАМОНАВИЙ БАНК БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тешабоева Г.Э. (РББОМ магистранти)

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Алиқориев О.Ф.

Замонавий бошқарув муаммоларининг ривожланган хорижий мамлакатларнинг банк тизими томонидан муваффақиятли ҳал қилинаётган бир пайтда, уларнинг тажрибасини бизнинг амалиётимизда қўллаш давом этмоқда ва аксарият ҳолларда буни ғарб молия институтларининг ишлаш услубини оддий “нусхалаш” га қийслаш ҳам мумкин. Бу ҳолатни ҳамма вақт ҳам мақбул деб бўлмади ёки ижобий натижаларга олиб келавермади. Шу сабабли, кўплаб банклар банк технологиялари ва менежментда дуч келадиган муаммоларни мустақил равишда ҳал этишга мажбур бўлмоқдалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, чет эл банкларидан фарқли ўларок, миллий банкларимизда кўпинча ўз муаммоларини синов ва хатолар орқали ҳал қилиш ҳолатлари кузатилиб, уларни бартараф этиш учун ташқи мутахассисларни (маслаҳатчиларни) жалб қилмайдилар. Ҳозирги кунда

деярли ҳар бир банк маълум даражада дуч келадиган асосий бошқарув муаммоларидан бири бу банкка таъсир этувчи омилларнинг бутун мажмуасини қамраб оладиган бошқарув тизимини яратиш заруриятидир. Бошқача қилиб айтганда, банкларни бошқариш тизими тизимли интеграциялашган ёндашувга асосланиб, нафақат ички тузилмаси, ривожланиши ва ишлаш моделига эга бўлган мураккаб тизим сифатида кўриб чиқишни, балки кўплаб ташқи омиллар таъсирида бўлган иқтисодий субъект сифатида кўриб чиқишни ўз ичига олади.

Банкни тезкор бошқариш усуллари кўпинча унинг олдида турган муҳим стратегик муаммоларни ҳал қилишда қўлланилади. Натижада бу нафақат муаммоларни бартараф қилиш, балки вақт ўтиши билан уларни кучайтиради ва умуман банкни бошқариш тизимининг самарали ишлашига имкон бермайди.

Банк бизнеси ўзига хос тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, асосан қарз маблағларини жалб қилиш билан амалга оширилади, банкнинг ўз маблағлари улуши ресурсларнинг умумий таркибида 15-20 фоиздан ошмайди. Бошқа томондан, замонавий шароитда банклар шунчаки қарз берувчи ташкилотлардан давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам, аҳолининг турли қатламлари манфаатларига таъсир кўрсатадиган муҳим ижтимоий ва ижтимоий институтларга айланди.

Иқтисодиётдаги ҳисоб-китоблар ва тўловлар бўйича барча операцияларни амалга ошириш ва хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш орқали банклар маълум даражада мижозларнинг ҳисобварақлари ва маблағларининг тўғри сарфланиши устидан назоратни амалга оширадилар. Банклар ихтиёрларидаги пуллар иқтисодиётни бошқаришнинг фаол воситасидир[1].

Банк бошқаруви – бу стратегик ва тактик режалаштириш, таҳлил қилиш, тартибга солиш, банкни бошқариш, молиявий менежмент, маркетинг фаолияти, банк операциялари билан шуғулланадиган ходимлар билан боғлиқ муносабатларни бошқариш мажмуидир.

Банкнинг асосий мақсади узоқ муддатли барқарор фойда олиш ва ликвидликни таъминлашдир. Унга эришишг учун банк бошқарувини уч турга ажратиш мумкин:

1. Узоқ ва ўрта муддатли режалаштириш ва прогнозлаш, янги банк хизматлари, технологиялари, бошқарув тузилмалари ва бошқаларни жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш вазифаларини ҳал қиладиган стратегик менежмент;

2. Молиявий менежмент – бу банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятини бошқариш, шу жумладан:

- активлар ва пасивларни бошқариш;
- ликвидликни бошқариш;
- капитални бошқариш;
- қарзларни бошқариш.

3. Ходимларни бошқариш:

- ходимларни режалаштириш;

- ходимларни ёллаш;
- кадрларни узлуксиз тайёрлаш тизимини яратиш;
- меҳнат самарадорлигини таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш тизимини яратиш;
- самарали ишлаш учун мотивация тизимини яратиш;
- банкда инновацион изланишларни амалга ошириш ва рағбатлантириш учун шарт-шароитлар яратиш.

Банк хизматлари бозорида кучли рақобат замонавий тижорат банкини унга мос равишда бошқариш масаласи банк менежментининг ўзига хос хусусиятлари, унинг фаолияти ва самарадорлигининг ўсиши нуктаи назаридан кўриб чиқилади[2]. Демак, банк менежментининг асосий вазифасини аниқ усуллар ва мавжуд салоҳиятдан оқилона фойдаланиш орқали жорий ва стратегик муаммоларни ҳал қилиш сифатида тавсифлаш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, кучли рақобат ва критик шароитларда банкнинг муваффақияти бошқаришнинг самарали механизмига асосланади. Бироқ ҳатто юқори малакали менежмент ҳам мунтазам равишда ўзгаришларни, банк фаолиятини оптималлаштириш ва хатарларни камайтириш мақсадида мутлақо янги воситалар жорий қилишни талаб этади. Бунда банк самарадорлигининг кўп мезонли кўрсаткичларини ҳисобга олувчи инновацион усуллар, таҳлил натижалари ва замонавий дастурий-техник ечимларга асосланган интеллектуал бошқарув тизими ҳал этувчи омил бўлиб юзага чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Коновалов С.Ф. Банк. // Деньги и Кредит. № 12, 2012. - 18 - 24 с.
2. Ковзанадзе И.К. Вопросы создания эффективной системы управления банковскими рисками // Деньги и Кредит. №3. 2012. 16 - 18 с.

БАНК ТИЗИМИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тешабоева Г.Э. (РББОМ магистранти)

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Алиқориев О.Ф.

Сўнгги йилларда банклардаги корпоратив бошқарув масалалари тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бу корпоратив ҳам бошқарувнинг моҳияти, ҳам банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир.

Банкларда корпоратив бошқарув тизимини яратиш зарурати ва унинг роли бир қатор омиллар таъсири остида ўсиб бормоқда, уларнинг асосийлари:

- банк мулкни унинг бошқарувидан ажратиш;
- стратегик қарорларни қабул қилишда менежментнинг ролини ошириш;
- оммавий банклар ва уларнинг филиаллари сонининг ўсиши;

– тижорат банкларининг миноритар акциядорлар сонининг ўсиши ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш зарурияти;

– институционал инвесторларнинг банк капиталини шакллантиришдаги иштирокининг ошиши.

Банкнинг муваффақияти энг аввало, у томонидан таклиф қилинаётган хизматларнинг мижозлар молиявий эҳтиёжларига қанчалик мос келиши, хилма-хил, сифатли ва арзон бўлишига боғлиқдир[1].

Мамлакатимиз тижорат банклари, ривожланган давлатлар илғор тажрибаларини ўрганиб, банк хизматлари бозоридаги ўз фаолиятини жаҳон андозалари даражасига етказиши лозим. Бунда, энг аввало, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатли ва тез амалга оширилиши лозим. Бу эса банкларимиз мижозларга хизмат кўрсатишида янги технологиялардан фойдаланишни тақозо этади.

Натижада банклар эски мижозларни сақлаб қолиш билан бир қаторда, янгиларини жалб қилиш орқали ўз даромадларини ошириб бориш имкониятига эга бўладилар. Хизматлар сифатини яхшилаш мижозларнинг узок муддатда шу банк билан боғланиб қолишини таъминлайди.

Банк фаолияти билан боғлиқ қатор ўзига хос хусусиятлар банкларнинг корпоратив бошқарувига таъсир этиб, унинг ролини оширмоқда. Банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири банк мажбуриятларида капиталнинг паст улуши ва жалб қилинган маблағларнинг, шу жумладан хусусий инвесторларнинг улуши катта бўлишини англатади. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги компанияларга нисбатан корпоратив бошқарув субъекти сифатида кредиторлар ва банклар омонатчиларининг аҳамиятини оширади. Яна бир хусусият банк фаолиятининг юқори хавфидир. Маълумки, тижорат банклари фаолиятининг асоси кредит таваккалчилигини қабул қилиниши бўлиб, банк активлари ва пасивларини бошқариш ликвидлик хавфи ва мақбул рентабеллик ўртасидаги баланс билан боғлиқдир. Банк фаолияти таваккалчиликларнинг мураккаблиги ва бозор хатарларининг юқори даражаси билан ажралиб туради. Шу муносабат билан инвесторларга банкнинг стратегияси, унинг таваккалчиликларни қабул қилиш ва чеклаш бўйича ёндашувлари тўғрисида хабардор қилинишини таъминлаш ва уларни бошқариш тизимини яратиш зарурати банкларнинг корпоратив бошқарувига ёндашувларда ўз аксини топган.

Банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари орасида юқори даражада тартибга солиш таомили алоҳида ўрин эгаллайди. Банк мулкдорлари ва уларнинг раҳбарлари учун эркинлик чегаралари яратилади. Бу назорат органларининг банклар фаолиятига катта таъсирини аниқлайди ва билвосита банкларда корпоратив бошқарув тизимини яратиш ишларини ташкил этишга таъсир қилиши мумкин[2].

Бугунги кунда бошқарув ходимларининг корпоратив бошқарув усулларини тўлақонли билмаслиги, молиявий ва ишлаб чиқариш таҳлили масаласида илғор услубларни қўлламалиги, банк фаолиятини талаб

даражада назорат қилинмаслиги назорат органлари ва тафтиш комиссия аъзолари олдидаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Фикримизча, банк стратегиясини шакллантириш ва уни изчил амалга ошириш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Маълумки, стратегия банкнинг профилини, мақсадли мижозлар гуруҳларини, бозорларни, фаолият худудларини, эришилиши керак бўлган асосий кўрсаткичларни белгилайди. Корпоратив бошқарувнинг барча субъектлари манфаатларини мувозанатлашда стратегиянинг равшанлиги, унинг ошқоралиги ва ушбу жараённинг барча иштирокчилари томонидан стратегияни тушуниши жуда муҳимдир. Бу акциядорларга банк фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликларни амалга оширишда банк менежерлари учун эркинлик чегараларини белгилашга ва менежерлар фаолиятини рағбатлантириш орқали керакли натижаларга эришишга имкон беради. Бу банк раҳбариятига уларнинг ривожланиш мақсадларига эришишда ўз манфаатларини ва акциядорларнинг манфаатларини уйғунлаштириш ва ходимларнинг манфаатларини таъминлаш имкониятини беради.

Банк стратегиясининг ошқоралиги ва равшанлиги кредиторлар, омонатчилар ва сармоядорлар билан боғлиқ хавфларни аниқлаш учун муҳимдир. Банк стратегияси тўғрисида маълумотларнинг мавжудлиги омонатчиларга банкка пул маблағларини жойлаштиришда мақбул таваккалчилик ва даромад коэффицентини аниқлашга имкон беради.

Кўзда тутилган натижаларга эришиш йўллари банк бошқарувининг турли даражалари ваколатлари даражаси ва етарлилиги билан бевосита боғлиқдир. Банк таъсисчилари томонидан стратегик мақсадларни аниқлаш ва назорат жорий бошқаришга аралашувсиз амалга оширилиши керак. Банкдаги корпоратив бошқарувнинг бутун тизими мулкдорлар, менежерлар, ходимлар, кредиторлар, инвесторлар ва омонатчиларнинг манфаатлар мувозанатига эришишга қаратилмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Лаврушин О.И. Деньги, кредит, банки.- М: Финансы и статистика, 2011. - 443 с.

2.Macey J., OHara M. The corporative governance of banks // FRBNY Economic policy review. 2003, Vol. 9. № 1. P. 102

ЮК ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МОБИЛЬ ИЛОВАДАН ФОЙДАЛАНИШ

Турсунов Ё.Ж. (магистрант)

Илмий раҳбар: и.ф.н. доц. Қодиров Т.У.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3589-сонли қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспорти бошқарув тизимида ахборот-коммуникация

технологияларини жорий этиш дастури” автомобиль транспортида юкларни ташиш хизматини буюртма қилиш учун мобиль илова яратиш вазифаси алоҳида белгилаб берилган. Чунки, транспорт хизматлари кўрсатиш бозоридадаги кескин рақобат шароити ҳам юк ташувчи операторлар, ҳам мижозларнинг ишончли ахборот манбалари ва маълумотлар базасига ҳамда самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотларни тезкор йиғиш ва тарқатиш тармоғига эга бўлиши талаб этилади [1].

Маълумки, транспортда ахборот ресурслари тўла-тўқислигини ва сифатини аниқловчи индикатор

истеъмолчиларнинг ташишга бўлган талабларини қондирилиш даражаси ҳисобланади. Ўз навбатида,

ахборот таъминотининг қондирилмаслиги қуйидагилардан далолат беради:

- юк ва йўловчи оқими, ташиш жараёнлари ҳақидаги зарур ахборотлар етишмайди;
- талаб қилинган ахборот кечикиб олинади;
- ахборот билан ишловчи ходимлар малакасининг етарли эмаслиги;
- транспорт объектлари орасида коммуникация тармоғи ривожланмаган;
- ахборот ресурсларининг сифатини самарали кузатиш усуллари такомиллашмаган ва бошқалар.

Айниқса транспорт хизматлари бозорида мижозлар томонидан транспорт операторларининг юк ташиш учун ҳаракатдаги воситаларини қай тарзда танлаб жалб этаётганликларига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

Ташиш йўналишини, автотранспорт корхонаси ва автомобилларнинг техник-эксплуатацион хусусиятларидан келиб чиқиб, транспорт воситаларинининг оптимал тури ва ташиладиган юк ҳажмини танлаш асосий масалалардан биридир [2]. Транспорт воситасининг бутун юк ташиш занжири бўйлаб юк ташиш ва сақлашдаги умумий харажатлари оптимал бўлиши лозим, бунга эса самарали воситалардан бири саналган интернет мобиль иловалардан фойдаланмасдан эришиш қийин.

Ҳозирги замонавий техника-технологиялар ҳамда муаммоларга инновацион ечимлар таклиф этилаётган даврда транспорт логистикаси хизматлари бозорида ҳам рақобатбардошликни, ҳам рентабелликни бараварига сақлаб қолиш компания мувозанатини таъминлайди. Ишлаб чиқариш логистикасидаги каби қиймат қўшиладиган жараёнларни самарадорлигини ошириш ва қиймат қўшилмайдиганларини эса аутсорсинг қилиш яхши натижа бермоқда. Айнан ташишни ташкил этиш жараёни алоҳида технологик жараён бўлиб, ишлаб чиқариш билан банд бўлган ташкилотлар бу вазифани транспорт операторлари билан мобиль илова орқали 1-расмдагидек таъсирлашади.

Келинг замонавий мобиль иловалар реал-вақт режимида транспорт логистикаси учун нималар таклиф қилишини кўриб чиқамиз:

- Транспорт воситасининг географик жойлашувини аниқлаш ва назорат қилиш;
- GPS-навигация тизими (ёнилғини 27% га тежайди);
- Жараёнларга оид маълумотларни тўплаш ва хабардор қилиш;
- Юк, транспортга онлайн буюртма бериш;
- Юкни мобиль илова орқали кузатиш (QR-код, RFDI, NFC);
- Ортиқча хужжатларни расмийлаштиришдан ҳалос бўлиш;
- Ҳайдовчи билан онлайн алоқа ўрнатиш;

1-расм. Ташишни ташкил этишда мобиль илонадан фойдаланиш



2018 йил 1 январь ҳолатига ташиш ва сақлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар сони 12 мингга яқинни ташкил этди, шундан 11,8 мингтаси кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланиб [3], бу ташкилотларнинг аксарияти қисми бу каби ахборот технологияларидан фойдаланмайди.

Олиб борилган тадқиқот ва кузатувларга кўра мамлакатимизда транспорт операцияларига ахборот технологияларининг интеграциялашуви қониқарсиз даражада. Миллий автомобиль транспорти паркимиз эскирган шароитда (75%), мобиль илова ушбу мавжуд ресурсдан самарали фойдаланиш имконини беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, барча соҳада ўз самарасини бераётган автоматлаштириш ва ўз вақтида ахборот билан таминланиш мамлакатимизнинг транспорт соҳасини ҳам четлаб ўтмаслиги лозим. Юқоридаги схемада таклиф этилган мобиль илова реал-вақт режимида ишончли маълумотларни тақдим этган анъанавий усулга қараганда сезиларли даражада вақт ва меҳнат сарфини тежайди ҳамда иқтисодий самарадорлиги юқоридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги “Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3589-сонли қарори;
2. Т.Қодиров. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. онография. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2013. 256 б.;
3. O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi / [Электрон ресурс] Kirish tartibi: URL:

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИ ЭКСПЛУАТАЦИОН СИФАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ТАВСИФЛАШ

**Турсунов Ё.Ж. (Магистрант)
Илмий раҳбар: и.ф.н. доц. Қодиров Т.У.**

Ҳар қандай транспорт корхонасининг эксплуатацион фаолиятини характерлашда ҳисобга олинadиган бир неча омиллар мавжуд. Биринчидан, автомобиль транспорти корхонаси мавжуд ҳаракатдаги таркибни модернизациялаш ва янгиларини сотиб олиши учун катта ҳажмдаги инвестицияларга эҳтиёж сезади, бу ўз навбатида рентабелликни пасайиши ва ташиш харажатларининг ошишига олиб иши мумкин. Иккинчидан, ёқилғимойлаш ва бошқа энергия ресурслари нархининг ўсиши даромадларнинг пасайишига олиб келади, янги лойиҳаларни ривожлантириш ва уларни қайта тиклашни секинлаштиради.

Учинчидан, ижтимоий аҳамиятга молик ташувлар учун тарифларни тартибга солиш келажакдаги фойда миқдорининг ноаниқлиги туфайли транспорт хизматлари бизнеси хавфини оширади.

Нихоят, автомобиль транспорти тизимида эксплуатацион сифатларни оширишнинг потенциал имкониятларидан бири юқори даражада экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилишидир[2].

Шундай қилиб, автомобиль транспорти корхонасининг эксплуатацион сифатларини ошириш, эксплуатацион фаолиятнинг барча босқичларида уни таъминлаш ва бошқаришга жиддий ёндашишни талаб қиладиган мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади.

Эксплуатацион сифатлар комплекс характерга эга бўлиб, транспорт хизматлари бозоридаги ноаниқлик, юқори рақобат ва ички ривожланиш шароитида стратегик мақсадларга эришиш ва корхоналарнинг узоқ муддатли ривожланишини таъминлаш учун унинг фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга комплекс ёндашув зарурлигини кўрсатмоқда[1]. Тизимли ёндашув асосида автомобиль транспорти корхоналари эксплуатацион сифатларини таъминлашга элементларининг ўзаро алоқадорликдаги тузилмавий механизми сифатида қараш мумкин ва унинг асосий элементлари куйидагилардан иборатдир:

- 1) эксплуатацион сифатларга таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар мажмуи;
- 2) эксплуатацион салоҳият доирасида шаклландиган ишлаб чиқариш муҳити;

3) эксплуатацион салоҳият - корхонани барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун мавжуд эксплуатацион сифатларнинг жамланма омилларидан фойдаланиш имконияти;

4) ишлаб чиқариш муҳити—автомобиль транспорти корхоналарида эксплуатацион сифатларни таъминлаш жараёнларига таъсир қилувчи технологик, ижтимоий, ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатлар тизими.

Эксплуатацион сифатларни таъминлаш жараёнига ташқи ва ички муҳитнинг омиллари ва шарт-шароитлари таъсир кўрсатади.

Ташқи омилларни, жараёнларнинг динамикаси нуктаи назаридан шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: статик ва динамик омиллар. Статик омиллар вақт ўтиши билан эксплуатация жараёнига ўз таъсирини ўзгартирмайдилар. Уларга табиий-иқлим, географик, ҳуқуқий, технологик ҳамда транспорт объектларининг кўлами киради. Динамик омилларга бозорнинг маълум бир ҳолатида унинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар ва эксплуатация жараёнларининг жадаллигини (рақобатчилар, мижозлар) киритиш мумкин.

Эксплуатацион жараённинг ички муҳити корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқарув соҳасидаги мавжуд омилларнинг тўғридан-тўғри таъсири остида шаклланади. Бунда ҳаракатдаги таркиб паркидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кенгайтиришдаги эксплуатацион фаоллик билан боғлиқ омиллар киради. Эксплуатацион фаолиятни амалга ошириш жараёнида эксплуатацион имкониятларни мувофиқлаштириш учун уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини қўллаш зарурияти туғилади. Бунда уларни микдорий баҳолашда энг асосий эътибор эксплуатацион фаолиятдан олинган фойданинг сарф этилган капиталга нисбатига қаратилади.

Автомобиль транспорти корхоналарида эксплуатацион сифатни таъминлаш жараёнларини ўрганиш натижалари унинг таркибий элементларини қуйидагича шакллантиришга асос бўлди:

- корхоналарнинг эксплуатацион фаолияти таркибини белгилаш;
- корхоналарнинг эксплуатацион сифатига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларини аниқлаш;
- эксплуатация жараёнини ташкил қилиш;
- эксплуатацион сифат даражасини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини аниқлаш;
- корхоналарнинг эксплуатацион сифатларини таъминлаш механизмларини шакллантириш;
- эксплуатацион сифатларга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш ва уларни бошқариш.

Ушбу элементлар асосида эксплуатация фаолиятига автотранспорт корхонасининг мураккаб ва динамик жараёнлардан иборат мустақил фаолияти объекти сифатида қараш мумкин бўлиб, эксплуатацион сифатларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш услубиятини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Власов А. В., Ковалев Р. Н. Анализ теоретических аспектов управления и методов оценки качества услуг пассажирского автотранспорта // Леса России и хозяйство в них. 2012. №1-2.

2. Рассоха В. И. Ситуационное управление автотранспортными системами (Системная эффективность эксплуатации автомобильного транспорта) // Вестник ОГУ. 2009. №9.

КЛИРИНГ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ПУЛ АЙЛАНИМАСИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВОСИТАСИ

Ўринов А.Ш. (РББОМ магистранти)

Илмий раҳбар: и.ф.д. Суюнов Д.Х

Ҳозирги вақтда молиявий бозорларнинг глобаллашуви муносабати билан ҳисоб-китоблар ва тўловлар тизимига катта эътибор берилмоқда. Бунинг сабаби, ҳисоб-китоб ва тўлов тизимининг ишончилиги молия бозорининг самарали ишлаши учун жуда муҳим ва уни ўз иқтисодий фаолиятида қўллаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Замонавий корхоналар ва умуман иқтисодиётнинг молиявий ҳолатидаги тез-тез учраб турадиган инқирозларнинг кўплаб омиллари орасида мавжуд пул тизимидаги камчиликлар ҳамда энг муҳим сабабларидан бири кредит ва ҳисоб-китоб муносабатларининг номукамаллигидир.

Амалга оширилмай қолаётган тўловларнинг катта ва тобора ортиб бораётган ҳажми замонавий иқтисодий инқирознинг асосий сабабларидан бирига айланди. Қарздорликларни бартараф этиш (ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг ҳажмини сезиларли даражада камайтириш) миллий иқтисодиёт ривожланишини таъминлаш йўлидаги муҳим кадамдир. Бу учун кредит ва ҳисоб-китоб муносабатлари тизимини такомиллаштириш талаб этилади.

Тўловларни кечикиши ёки амалга оширилмай қолиши сабабларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, корхоналар ўртасидаги ўзаро қарздорликларнинг салмоқли қисми тўлов тизимининг номувофиқлиги ва унда мавжуд воситалардан суғ қўлланилиши натижасидир. Бугунги кунда энг самарали ҳисоб-китоб механизмларидан бири бу ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатувчи муассаса – клиринг ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Клиринг – бу юридик ёки жисмоний шахсларнинг товарлар, хизматлар, қимматли қоғозларга бўлган ўзаро талаблари ва мажбуриятларини ҳисобга олишга асосланган товарлар ва хизматлар учун нақдсиз тўловлар тизимидир[2].

Клиринг пайтида тўловларнинг концентрацияси тўловлар балансини ва тўлов воситаларининг умумий миқдорини сезиларли даражада камайтириши, нақд пулсиз муомала доирасини кенгайтириши мумкин. Клиринг ҳисоб-китобларни тезлаштириш ва соддалаштириш, мавжуд пул

маблағларини сақлаш ва шу билан ҳисоб-китоб қатнашчиларининг ликвидлигини оширишга имкон беради.

Клиринг фаолияти ноёб ҳодиса бўлиб, унинг шаклланиши молия бозорини ривожлантиришнинг бир нечта муҳим вазифаларини ҳал қилиш зарурати билан боғлиқ. Клиринг институтини яратиш учун зарур шарт-шароитлар унинг ҳал қилиниши керак бўлган вазифалари рўйхатини белгилаб берди. Булар: рискларни бошқариш ва бозор самарадорлигини ошириш каби функциялардир.

Рискларни бошқариш клиринг ташкилотининг асосий вазифасидир. Таъкидлаш керакки, биринчи марказий контрагентлар айнан энг хавфли бозорларда – ҳосилавий молия бозорларида пайдо бўлди. Агар биз клиринг ташкилотига таваккалчилик концепцияси институти нуқтаи назаридан қарасак, унда хулоса қилишимиз мумкинки, у хатарлар рўй берадиган ва муайян қарорлар қабул қилиниши керак бўлган пайтларда уларнинг бозор шароитларига таъсирини минималлаштириш учун ихтисослашган воситалардан фойдаланиш билан тавсифланади.

Ушбу функция доирасида клиринг ташкилоти муайян вазифаларни ҳал қилади, иштирокчилар орасида улар учун талабларни ва дастлабки хавфсизликни жорий этиш талабларини белгилаш керак.

Бироқ нафақат хавфларни бошқариш клиринг хизматининг асосий вазифаси, балки унинг муҳим вазифаси бозор самарадорлигини ошириш ҳамдир. Бозор самарадорлигининг қуйидаги жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин: нархларнинг ахборот шаффофлиги, битимлар ва савдога қўйилган воситаларнинг контрагентлари, шунингдек минимал транзакцион харажатлар. Ушбу мезонларни санаб ўтгандан сўнг, клиринг муассасаси ушбу параметрларга ва бозор самарадорлигига таъсир кўрсатишини тушуниш осон.

Иштирокчиларга талаблар қўйиш ва уларнинг молиявий ҳолатини доимий равишда мониторинг қилиш вазифаси аниқ молиявий барқарор бўлмаган иштирокчилар клиринг ташкилоти билан операцияларга киришни чеклашга қаратилган. Бу кредит хавфини камайтиришга ёрдам беради.

Савдо иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун талабларни белгилаш муҳим ўрин тутди. Дастлабки депозит механизми ҳар қандай клиринг муассасасининг хатарларни бошқариш тизимидаги асосий воситалардан биридир[1].

Бир вақтнинг ўзида иккита асосий мақсадга эришиш учун активларни олдиндан қисман сақлаш механизми яратилади: иштирокчиларга талабларни минималлаштириш, шу билан харажатларни камайтириш, шунингдек клиринг ташкилотининг бозор хавфини бошқариш воситаси сифатида ролини ошириш. Шундай қилиб, клиринг фаолиятида учун дастлабки депозит механизми бозор хатарларини бошқаришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Клиринг бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида хулоса қилиш мумкинки:

– клиринг тизими тўловлар балансини ва тўлов воситаларининг умумий миқдорини сезиларли даражада камайтиради, нақд пулсиз муомала доирасини кенгайтиради;

– рискларни концентрациялаш орқали операцияларни бажарилмаслик хавфини камайтиради;

– бозор иштирокчиларининг транзакцион харажатларини оптималлаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Уткин В.С. Историческим аспектом возникновения и становления института центрального контрагента в России и за рубежом // Финансы и кредит. 47 (383) – 2009, С -32-36.

2. Шарп У., Александер Г., Бейли Д. Инвестиции. М.: Инфра-М. 1997.

КЛИРИНГ ТИЗИМИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН РИСКЛАР ВА УЛАРНИ ПАСАЙТИРИШ МАСАЛЛАЛАРИ

Ўринов А.Ш. (РББОМ магистранти)

Илмий раҳбар: и.ф.д. Суюнов Д.Х.

Ҳар бир мамлакатда пул ўтказмаларининг ялпи ҳисоб-китобларга асосланган (брутто-ҳисоб-китоб) электрон банклараро тизими, шунингдек, клиринг палаталари томонидан хизмат кўрсатиладиган чакана операциялар тизими (нетто-ҳисоб-китоб) мавжуд.

Бугунги амалиётда клиринг: биржадаги битимлар турлари бўйича, ҳисоб-китоб ва мажбуриятларни бажариш усули бўйича ҳамда савдо ҳисобварақаларига пул ўтказмаларини амалга ошириш тартиби бўйича таснифланади [1,2,3] (1-расм).

Клирингда ўзаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш тамойилларига мувофиқ энг кенг тарқалгани тўловлар шаклидир. Улар, шунингдек, воситалар ва хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича фарқ қилиши мумкин. Шундай қилиб, қимматли қоғозлар билан операциялар, валюта операциялари, халқаро ҳисоб-китоблар тизими, пластик карталардан фойдаланадиган тизимлар ва бошқа мустақил тўлов тизимлари мавжуд.

Ҳар қандай тўлов ва ҳисоб-китоб тизими сингари Клиринг тизимида ҳам иқтисодий тизимга ва клиринг иштирокчиларига салбий таъсир кўрсатадиган бир қатор рисклар пайдо бўлиши мумкин.

Риск – бу иштирокчи томонидан ўз маблағларининг бир қисмини, даромадни йўқотишига ёки молиявий операциялар натижасида қўшимча харажатларга олиб келадиган эҳтимолий ҳодисанинг харажатлардаги ифодаси.



1-расм. Клирингнинг таснифланиши

Кўп томонлама клиринг асосида битимлар бўйича ҳисоб-китоблар тизимларида юзага келадиган қуйидаги рискларни санаб ўтиш мумкин:

– кредит хавфи: тизимдаги контрагентнинг молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ёки келажакда тўлиқ бажара олмаслик хавфи;

– ликвидлик хавфи: тизимдаги контрагентнинг молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажариш учун етарли маблағга эга бўлмаслик хавфи, гарчи келажакда у буни амалга ошириши мумкин бўлса ҳам;

– ҳуқуқий таваккалчилик, ёки ҳуқуқий ноаниқлик: кредит хавфи ёки ликвидликнинг етишмаслиги хавфини келтириб чиқариши ёки кучайтириши хавфи;

– операцион таваккалчилик: техник носозликлар ёки операцион хатолар туфайли кредит хавфини келтириб чиқариши ёки кучайтириши ёки ликвидликнинг етишмаслиги хавфини;

– тизимли таваккалчилик: иштирокчилардан бирининг ўз мажбуриятларини бажара олмаслиги ёки тўлов тизимининг ишлашидаги бузилишлар тизимдаги бошқа иштирокчиларнинг мажбуриятларини ўз вақтида бажара олмасликларига олиб келадиган хавф. Бундай дефолтлар ликвидлик ёки кредит муаммоларининг тарқалишига олиб келиши мумкин ва натижада тизим ёки бозорларининг барқарорлигини хавф остига қўйиши мумкин.

Шу сабабли хавфларни минималлаштириш, уларнинг пайдо бўлишидан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун Клиринг тўлов тизими, қуйидаги хусусиятлардан эга бўлиши керак:

– ягона тўлов тизими ёки тўловларнинг умумий қийматидаги асосий тизим;

- асосан йирик тўловларни қайта ишлаш;
- биржа операцияларни ҳисоблашда бошқа тўлов тизимлари операцияларидан фойдаланиш.

Хавфлар ўз табиатига кўра эҳтимолий хусусиятларга эга бўлган ходисалардир. Шунинг учун уларни ҳисоблашда эҳтимоллар назариясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Молиявий хатарларнинг миқдорини ҳисоблаш учун, тахмин қилинган муносабатларнинг хусусиятини етарлича акс эттирадиган аниқ таҳлиллар ва эҳтимоллик ҳисоб-китобларини аниқлаш талаб этилади.

Бунда:

- реал вақт режимида ялпи ҳисоб-китоблар;
- тўловларни даврий равишда қайта ишлаш билан ялпи ҳисоб-китоблар;
- талаблар ва мажбуриятларни икки томонлама ҳисобга олишда аниқ ҳисоб-китоблар;
- талаблар ва мажбуриятларни кўп томонлама ҳисобга олишда аниқ ҳисоб-китоблар устида амаллар бажарилади.

Клиринг хизматлари кўрсатиш бўйича жаҳон мамлакатимиздаги мавжуд тизимда қўллаш савдо битимларидаги рискларни концентрациялаш орқали операцияларни бажарилмаслик хавфини камайтириш, неттинг тизими орқали бозор иштирокчиларининг транзакцион харажатларини оптималлаштириш масалалари ўз ечимини тўлиқ топишига хизмат илади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Копытин В.Ю. Модели осуществления расчетов в платежных системах // Финансы и кредит. 2005. №3.
2. Петрова Г.В. Международное платежно-расчетное право: современные тенденции развития // Проблемы экономики и юридической практики. 2017. №3.
3. Уткин В.С. Центральный контрагент на биржевых торгах российской торговой системы // Финансы и кредит. 2010. №7 (391).


KORXONALARNING TASHKILIY TUZIMLARI VA ULARNING LOGISTIKA TOMONIDAN BOSHQARILISH XIZMATLAR

Xalilov A.SH., Raxmonov I.Sh (magistrantlar)

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 14 dekabrda “Avtomobil transportini boshqarish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlar to‘g‘risida” PQ-3589-sonli qarori bilan tasdiqlangan “Avtomobil transporti boshqaruv tizimida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish dasturi” avtomobil transportida yuklarni tashish xizmatini buyurtma qilish uchun mobil ilova yaratish vazifasi alohida belgilab berilgan. Chunki, transport xizmatlari ko‘rsatish bozoridagi keskin raqobat sharoiti ham yuk tashuvchi operatorlar, ham mijozlarning ishonchli axborot manbalari va ma’lumotlar bazasiga hamda samarali boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun zarur

axborotlarni tezkor yig'ish va tarqatish tarmog'iga ega bo'lishi talab etiladi. Umuman, bozor iqtisodiyotida logistikaga korxonada boshqaruvining bozorga yo'naltirilganligini ta'minlab beruvchi tizim sifatida qaraladi va shu orqali korxonaning iste'molchi bilan aloqalarni o'rnatish faoliyatining tarkibi aniqlanadi. Logistik jarayonining tarkibi. Korxonalarda logistik faoliyatning ikki jihati ajralib turadi. Birinchisi *sanoat injeniringi* tushunchasi bilan bog'liq bo'lib, transport vositalari va omborlarni ishlatish, yuklash moslamalarini ishlatish va tanlash, qadoqlash usuli, axborot boshqaruv tizimlarining ishlash muammolarini yechadi. Ikkinchi jihat *moddiy oqimlarni* makro va mikro darajalarda boshqarish va tashkil etishning o'ziga tegishli bo'lib, logistik tizimning amal qilish jarayonida har xil omillarning o'zaro ta'siratliligiga asoslanadi. Umuman, bozor iqtisodiyotida logistikaga korxonada boshqaruvining bozorga yo'naltirilganligini ta'minlab beruvchi tizim sifatida qaraladi va shu orqali korxonaning iste'molchi bilan aloqalarni o'rnatish faoliyatining tarkibi aniqlanadi.

Shu sohada amalga oshiriladigan ishlarning asosiy yo'nalishlari quyidagilardir:



1-rasm. Logistikaning «inson-korxonada (firma)-jamiyat-tabiat» tarzidagi murakkab tizimdagi aloqadorlik sxemasi.

1. bozorni o'rganish va aniq turdagi mahsulotlarga bo'ladigan talabni bashorat qilish; 2. mahsulot ishlab chiqarilishi uchun zarur bo'lgan moddiy resurslarni xarid qilish, zahiralarining hajmi haqida qarorlar qabul qilish va zahiralarini boshqarish; 3. ishlab chiqarishda moddiy oqimlarni tashkil etish; 4. tovar taqsimotini tashkil etish: tayyor mahsulotni qadoqlash va tanlash, uni aniq manzilga tashish, iste'molchiga mahsulotni yetkazib berish, zarur bo'lgan xujjatlarni rasmiylashtirish.

Korxonada moddiy oqimlarni tashkil etish va ularni boshqarish bir-biri bilan uzluksiz boglangan tizimni hosil qiladi. Shunday qilib olingan buyurtmalarni bajarish jarayonida materiallar harakati boshqaruvsiz amalga oshmaydi, bu boshqaruv moddiy resurslarni taqsimlash, xo'jalik aloqalarini rejalashtirish va

hokazo yo'llar bilan amalga oshiriladi, lekin shu bilan birga tashkillashtirishni talab qiladi: kelib tushishlarning ritmik bajarilishini ta'minlash; materiallar tashishning optimal tizimini tanlash va boshqalar. Moddiy oqimlarni boshqarish ishlab chiqarish buvurtmalarining bajarilishi ustidan doimiy nazoratni ta'minlaydi va korxonada qo'yilgan maqsadga erishish uchun logistik tizim parametrlarini berilgan chegaralarda ushlab turuvchi ta'sir o'tkazadi. Moddiy oqimlarni qayta ishlash jarayonining alohida bosqichlari (saqlash, qayta ishlash, tashish), korxonada, alohidalashgan bo'linmalar orqali amalga oshiriladi, ularning har biri ma'lum funksiyalarni bajaradi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkin, yuqoridagi omillar asosida logistika korxonalarining istiqbollarni ko'rishimiz mumkin bo'ladi. Ushbu istiqbollarni zahirida inqirozga qarshi muhim vositalardan biri bo'lgan logistika sohasi hozirda yurtimizda dolzarb masala hisoblangan kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanishiga bevosita ijobiy ta'sir qiladi. Bu sohani rivojlantirish o'z navbatida logistika kompaniyalariga investitsiyalarni jalb qilish va ularda innovatsion loyihalarni amalga oshirishni taqazo qiladi. Transport tashkilotlari va xizmat ko'rsatiladigan mijozlarning manfaatlarini ta'minlash, ya'ni logistika kompaniyalariga bir qator imtiyozlar ajratish; Ishlab chiqarish kuchlarini optimal taqsimlash, oqilona transport aloqalarini shakllantirish va transportning turli turlari orasida tashishlarni taqsimlash; Transport va yuklarni yuklash-tushirish mexanizmlarining ish sifatini yaxshilash maqsadida, innovatsiyalarni joriy etish va texnik vositalardan samarali foydalanish; Bojxona-chegara postlarida bir qancha imtiyozlarni berish o'z ichiga oladi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 14 dekabrda "Avtomobil transportini boshqarish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlar to'g'risida" PQ-3589-sonli qarori.
2. Dadaboyev Q.A. Logistika. O'quv qo'llanma. - T.: TDIU, 2007. - 124 b
3. Бўтаев Ш.А., Сидиқназаров Қ.М., Муродов А.С., Қўзиёв А.Ў. Логистика (етказиб бериш занжирида оқимларни бошқариш). Монография. Тошкент. 2013.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ЮКЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА МАҲКАМЛАШ

Ҳалилов А.Ш., Бобоназаров О.Т. (магистрантлар)

Илмий раҳбар: и.ф.д., доц. Ирисбекова М.Н.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, реал сектор корхоналарини инновацион бошқариш ва модернизация қилиш жараёнлари йилдан-йилга жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Юкларни тўғри жойлаштириш, маҳкамлаш, юкнинг хавфсизлигини, транспорт воситасининг хавфсизлигини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлайди, шунинг учун ҳам бу ишни узига хос санъат деб атасак ҳеч муболаға бўлмайди.

Товарларни нотўғри жойлаштириш ва яхши маҳкамламаслик натижасида автоуловлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар, кўпинча ҳайдовчилар ва йўловчилар ҳамда пиёдаларнинг тан жароҳат олиши, ҳатто ўлимига олиб келади. Юк талофати туфайли юк ташувчилар ва суғурталовчилар катта йўқотишларга дуч келишади.

Агар юк ташиш шартномасида қўшимча шартларназарда тутилган бўлмаса, юкларни ортиш-тушириш ва сақлаш учун жавобгарлик юк ташувчига юклатилади.

Юк ортишдан олдин транспорт воситаларининг техник созлиги назорат қилинади, юкхоналар ички қисмидан пол, ён томонлар ва тепа томонлари мукамал текширилиб, фото-видео тасвирга олиниб расмийлаштирилади.

Юкларни ташиш учун тайёрлашда юк жўнатувчи қуйидаги имкониятларни эътиборсиз қолдирмаслиги керак:

автотранспорт воситаларининг юк кўтариш қобилиятидан ёки юк сиғимидан юкларнинг яхши сақланишидан максимал даражада ва ташиш хавфсизлигини таъминлаган ҳолда фойдаланиш;

кузовга юкланганда юк қадоқларининг зарурий хавфсизлигини.

Автотранспортнинг кузови қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ортишдан олдин платформа поли, юк маҳкамланадиган илгаклар ҳар хил ифлосликлардан, қор ва муздан тозаланган бўлиши;

асосий томонларини керакли баландлик ва қўшимча қувватли қирралар билан узайтириш имконияти бўлиши;

юкларни жойлаштиришда унинг массасини автоуловнинг ён платформасининг бутун майдони бўйлаб бир текис тақсимланишини таъминланган бўлиши;

Транспортда ташиладиган юкларнинг массаси, ўқ бўйлаб тақсимлашда ушбу автомобиль учун ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган қийматдан ошмаслиги керак, ортиқча юк транспорт воситаларининг тортишиш, тормозлаш, бошқариш ва барқарорлигига жиддий таъсир қилади. Олд ўқни ортиқча юклаш, тормозлаш ва бошқаришга жиддий таъсир қилади; орқа ўқларни ортиқча юклаш бошқаришга жиддий таъсир қилади; оғирроқ юкларни транспорт воситаси бортидаги платформанинг симметрия ўқиға яқинроқ, енгилроқ юклар эса ён томонга яқинроқ қўйиш керак; катта, оғирроқ юкларни пастга қўйиш керак; юкнинг оғирлик маркази иложи борица пастроқ бўлиши ва транспорт воситаси корпусининг ўртасида бўлиши керак; юкланганда юкнинг пасайиши таъсирини ҳисобга олиш керак, чунки юкнинг бир қисмини туширишда индивидуал ўқларнинг ҳаддан ташқари юкланиши юк массасининг тақсимланишидаги ўзгаришлар натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Автотранспорт воситасини юк кўтариш қобилиятидан ортиқ миқдордаги юклашга йўл қўйилмайди.

Автотранспортда юкни маҳкамлашнинг энг самарали усуллари танлаш ташиладиган юкнинг тури ва таркибига боғлиқ. Ҳозирги вақтда маҳкамлашнинг бир нечта турлари мавжуд:

1. Бириктирувчи камарлар.
2. Маҳкамлаш сеткалар.
3. Занжирли боғламлар.
4. Арқон боғламлар.
5. Турли хил тиргаклар.
6. «AirBag» ҳавоёстиқчалари.
7. Маҳкамлагичлар: боғичлар, рейкалар, илгаклар ва бошқалар.

Юк ташувчи транспорт воситалари юкларни ташиш учун тегишли маҳкамлаш мосламалари билан жиҳозланишлари керак.

Адабиётлар:

1. Топалиди В.А., Фатхуллаев С.А., Камалов Д.А. Правила размещения и крепления грузов на автотранспортных средствах: Учебное пособие, Ташкент – 2018, 83 с.

2. Топалиди В.А., Чубенко Н.М., Фатхуллаев С.А. Международные автомобильные грузовые перевозки: Учебное пособие / под ред. В.А. топалиди. 4-е изд., доп. И перераб. Ташкент, 2018. Том I – 318 стр., Том II – 238 стр.

3. cargo.uz

4. trajectus.ru

ТРАНСПОРТНО-ЭКСПЕДИЦИОННОЕ ОБСЛУЖИВАНИЕ КАК ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДОСТАВКИ СКОРОПОРТЯЩИХСЯ ГРУЗОВ

Хамраев А. (магистрант)

Доставка скоропортящихся грузов требует защиты от воздействия высокой или низкой температуры наружного воздуха, т.е. поддержания определенного температурного режима в транспортном средстве. Для этого используют транспортные средства специального назначения и навесные холодильные установки. Автомобили, вагоны, контейнеры изотермические и рефрижераторы — основной подвижной состав для доставки скоропортящихся грузов. Транспортные средства, способные без специального оборудования удерживать температуру груза при погрузке, доставляют грузы, не требующие заданного температурного режима, например цитрусовые, фрукты, овощи. В этом случае возможна доставка в универсальных транспортных средствах. Для грузов, замороженных или глубокой заморозки, требуются транспортные средства с рефрижераторной установкой.

Перечень скоропортящихся грузов и предельные сроки перевозок установлены в соответствующих нормативных документах по видам транспорта.

Перевозка скоропортящихся продуктов является одной из самых дорогих, энергоемких и ответственных, в связи с чем возникает потребность в ее оптимизации и выполнении наиболее качественных сопутствующих операций.

Одним из путей повышения эффективности доставки скоропортящихся грузов является развитие транспортно-экспедиционного обслуживания предприятий, организаций и учреждений. Это деятельность в области перевозок, охватывающая весь комплекс операций и услуг по доставке товара от производителя продукции к потребителю [1]. Если ранее продукцией транспортно-экспедиционного обслуживания считалась только перевозка, то теперь на первое место ставится услуга, которая, как и любой товар, имеет свое качество. Одна из основных задач транспортно-экспедиционного обслуживания в современных условиях – поиск наиболее эффективного для заказчика варианта доставки грузов [2]. Показатель качества транспортно-экспедиционного обслуживания – количественная характеристика одного или нескольких потребительских свойств услуги, составляющих ее качество [3].

Для грузовых перевозок в зависимости от специфики грузов и требований клиентуры показателями качества являются сохранность грузов в процессе транспортирования, регулярность поступления партий груза к получателям, максимальное сокращение времени доставки грузов, строгое соблюдение расписания отправления партий груза и гарантированное их прибытие к получателю в точно назначенные сроки и т.д.



Рис. 1. Основные требования, предъявляемые потребителями к транспортно-экспедиционному обслуживанию

Правильные условия перевозки скоропортящихся грузов обеспечиваются своевременной подготовкой различных этапов, предназначенных для осуществления качественной транспортировки:

1. Выбирается груз из одной или нескольких групп товаров;
2. Оценивается пригодность данного груза для перевозки, возможные риски, условия, необходимые для обеспечения его сохранности, в том числе осматриваются упаковки, предусматривается вероятность различных непредвиденных обстоятельств;
3. Подбирается наиболее подходящее транспортное средство для перевозки с учётом его экономичности, безопасности и уместности в данном конкретном случае. При выборе изотермического подвижного состава подбирается температурный режим перевозки, обеспечивающий сохранность продукции на всем пути транспортирования;
4. Загружается товар, при этом снова упор делается на преимущества расположения, учитываются возможные риски при неправильном распределении грузов внутри камеры;
5. Применение дополнительных мер предосторожности, исходя из конкретной ситуации;
6. Оперативная доставка в место назначения и обеспечение безопасности груза на протяжении его транспортировки.

Транспортно-экспедиционное обслуживание скоропортящихся грузов акцентирует внимание на планировании вида и качества упаковки и требованиях к термической обработке скоропортящихся грузов на основе государственных стандартов и технических условий. Грузоотправитель вместе с товарно-транспортной накладной должен представить экспедитору удостоверение о качестве скоропортящегося груза или сертификат государственной инспекции по качеству. В документах обязательно должна быть указана предельная продолжительность перевозки груза в сутках, меньшая чем срок доставки, установленный нормативными документами соответствующего вида транспорта [4].




Рис. 2. Отличительные особенности транспортно-экспедиционного обслуживания скоропортящихся грузов

Таким образом, привлечение экспедиторов в процесс транспортировки скоропортящихся грузов позволяет минимизировать риск неверно выстроенных этапов самой логистики подобных грузов, исключить порчи груза в процессе перевозки погрузочно-разгрузочных работ. Транспортно-экспедиционное обслуживание позволяет логистически грамотно оформить транспортные и сопутствующие документы согласно регламенту перевозок скоропортящихся грузов.

Список использованных источников:

1. Майборода М.Е., Беднарский В.В. Грузовые автомобильные перевозки: учебное пособие. – 2-е изд. – Ростов н/Д: Феникс, 2008. – 442 с.
2. Сханова С.Э. Транспортно-экспедиционное обслуживание: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / С.Э. Сханова, О.В. Попова, А.Э. Горев. – М.: Академия, 2005. – 432 с.
3. Горин В.С. Маркетинговый подход к управлению транспортно-экспедиционным обслуживанием: монография / В.С. Горин, А.А Степанов [и др.]. – М.: ИКФ «Каталог», 2006. – 150 с.
4. Будрина Е.В. Транспортно-экспедиционная деятельность [Электронный ресурс] Режим доступа: https://studme.org/256112/logistika/transportno-ekspeditsionnaya_deyatelnost

ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИГА ЛОГИСТИК ЁНДАШУВ

Хушиев Ш., Бобоназаров О. (магистрантлар)

Транспорт тизимининг тараққиёти мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ жараён бўлиб, республиканинг халқаро транспорт тизимидаги ўзига хос ўрни билан тавсифланади. Ушбу ўзига хослик Ўзбекистонни Европани Осиё қитъасининг маркази ва шарқий қисми билан бирлаштирувчи алоқа йўлларида жойлашгани билан белгиланади. Бу ҳолат мамлакатимизда транспорт хизматлари бозорининг шаклланиши ва ривожланишида ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида эътироф этилади. Рақобат шароитида муваффақиятга эришиш учун транспорт-логистика хизматларини кўрсатишда мижозларнинг хоҳиш-истакларини максимал даражада қондириш устувор вазифа ҳисобланади. Бунинг учун корхона ўз фаолияти стратегиясини ҳам ривожлантириши даркор. Шуларни инобатга олган ҳолда, ички ва ташқи омиллар таъсири остида автокорхона салоҳияти ва мижоз талабларини ифодоловчи транспорт-логистика хизматлари сифатини тавсифловчи мезонлар ишлаб чиқилиб, уларнинг мутаносиблигини оптималлаштириш имконини берувчи транспорт хизматлари сифатини интеграл кўрсаткичи асосида баҳолаш услубияти такомиллаштирилган.[1].

Транспорт-логистика хизматлари сифати натижадорлигини баҳолашда мезонлар тизимлаштирилади, ички ва ташқи кўрсаткичлар таркибида баҳоланувчи параметрлар танлаб олинади, ишлаб чиқилган услубят асосида баҳолаш амалга оширилади.

Халқаро бозорларга чиқиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш негизида транспорт хизматларининг рақобатбардошлигини ва корхоналар самарадорлигини ошириш мақсадида унинг натижадорлиги баҳоланади. Корхоналарда транспорт-логистика хизматлари сифатини интеграл баҳолаш моделини амалиётга тадбиқ этиш пировард натижада, автотранспорт корхонаси даромади ўсишига таъсир кўрсатадиган жараён сифатида хизмат қилади.[2].

Фикримизча, транспорт рақобатдошлигини тадқиқ этишда унинг иқтисодиётга таъсирини ҳудудлар миқёсида ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этиб, айнан транспорт таъсирида улар ривожланишининг мутаносиблигини таъминлаш мумкиндир.

Бугунги кунда ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига транспортнинг таъсирини баҳолашда 4 хил ёндашув мавжуд бўлиб, [3] улар:

- 1) транспортнинг ресурслар ва маҳсулотларни сотиш бозорига чиқишга таъсири;
- 2) транспорт харажатлари;
- 3) ҳудуднинг инвестициявий фаоллиги таҳлили;

4) тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришни жойлаштиришда инфратузилманинг мавжудлик даражасига нисбатан сўровномаларига асосланган ёндашувларни ўз ичига олади.

Бу ёндашувлар бир-бирини инкор этмайдилар, балки комплекс баҳолашда ўзаро бир-бирини тўлдирадалар.

Транспорти тизими фаолиятининг ривожланиши йўл инфратузилмасининг ривожланганлигига ҳам бевосита боғлиқдир. Транспорт инфратузилмасини илгариланма суръатларда ривожлантириш ҳудуд иқтисодий ўсишида акселератор, акс ҳолда тормоз вазифасини бажарар экан. Транспорт инфратузилмасини икки гуруҳга: юмшоқ ва қаттиқ инфратузилмаларга ажратиб тадқиқ этиш уларни ўзаро мутаносиб ҳолда ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Юмшоқ инфратузилма элементлари – транспорт-логистик ташкилотлар, инвестиция ва лизинг институтлари фаолиятини тартибга солувчи қонун-қоидалар, меъёрлар ва стандартлар тармоқнинг бевосита ривожланишига таъсири тобора фаоллашмоқда. Айниқса ушбу меъёрий қоидаларнинг халқаро андозаларга нечоғлик мослиги, транспорт тизимини эса ушбу талабларга жавоб бера олиши, миллий опреаторларнинг халқаро транспорт хизматлари бозорида рақобат устунликларини таъминлашда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб юзага чиқади.

Қаттиқ инфратузилма элементлари сафига инфратузилманинг мазмуни ва функцияларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, йўл хўжалиги, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаларини, ортиш-тушириш ва транспорт-экспедиция ишлари ва хизматлари, омборхона хўжалиги, транспорт-логистик марказлар, почта, телефон, интернет ва ҳ.к.ларни киритиш мумкин.[4].

Транспорт тизимининг барқарор фаолиятини мамлакат суверенитети, мустақил тараққиёти ва мудофаа кудрати каби давлат ва умуммиллий манфаатлардан айри ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Транспорт тизими ва унинг таркибий элементларининг мувофиқлашган, самарали фаолияти иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Белозерцева Н.П., Шендрик Л.С. Разработка методики оценки конкурентоспособности предприятий транспортной отрасли // Территория новых возможностей. 2013. №1 (19).

2. Варламова Д. В. Повышение качества транспортно-логистических услуг с учетом процессного подхода // Известия СПбГАУ. 2018. №4 (53).

3. Хегай Ю.А. Перспективы и проблемы развития рынка транспортно-логистических услуг // Теория и практика общественного развития. 2014. №3.

4. Stringer R. How to Manage Radical Innovation. – California Management Review. – Summer, 2000. – P. 70-88.

АВТОМОБИЛЬ ТАНСПОРТИДА СИФАТЛИ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ВА ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ ТАҲЛИЛИ

Чориев Х.Ш. (докторант)

Илмий раҳбар: проф. Саматов Ғ.А.


Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бозор муносабатларининг такомиллашуви, аҳолининг меҳнат сафарбарлиги, иш жойига ўз вақтида етиб боришининг таъминланиши, транспорт хизмати маданиятининг ошиши, иқтисодий жиҳатдан тежамкорлик, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт жараёни сифатини ошириш билан автомобиль транспортида хизматлар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш каби кўплаб муаммолар ва унинг ечимлари бугунги кунда таҳлил қилинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 январь куни транспорт тизими фаолиятини самарали ташкил этиш борасидаги устувор вазифалар ва мазкур соҳадаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, транспорт коммуникацияларини стратегик ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш муҳим эканлигини таъкидлади. Президентнинг 2019 йил 1 февралдаги Фармонида биноан Транспорт вазирлиги ташкил этилди.

Бу борада муайян ишлар қилинган бўлсада, мамлакатимизда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини бутунлай қайта кўриб чиқиш вазифалари юклатилган[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан ҳаракатдаги таркибни замонавий, қулай автобуслар ва микроавтобуслар билан янгилаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, аҳолининг автомобилларда ташувларга бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ кондиришни таъминлаш керак бўлади.


Бугунги кунда автомобиль ва жамоат транспорти соҳасида ҳам муайян камчиликлар эътироф этилмоқда. Аҳолига қулай ва сифатли автотранспорт хизмати кўрсатишни таъминлаш, жамоат транспортига оид маълумотларни хорижий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда рақамлаштириш лозимлиги бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибти[2].



1-расм. Автомобиль транспортида йўловчилар ташишнинг асосий йўналишлари

Йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш – бу нафақат белгиланган транспорт ишини бажариш, балки бу ишни вақт мобайнида амалга оширилишини истеъмолчилар эҳтиёжига максимал равишда мувофиқлаштириш, рақобатли бозор шароитида ташишга ва унинг сифатига бўлган талабларни таҳлил этиш ва шу асосда ташишни ишончлилигини ва режалаштирилган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш, ташиладиган юкларни товарлик хусусиятларини сақлаш, йўловчиларни ташишда эса кўзда тутилган қулайлик даражасига эришиш, транспорт хизматларини кўрсатишда рационал нарх-наво сиёсатини олиб бориш, рақобатда ютиб чиқиш имкониятларини ўз вақтида ишга солиш ва шу каби кўплаб чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат бўлади[3].

Автомобиль транспортида йўловчиларни ташишда муҳими йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатган ҳолда йўловчилар айланмаси (млн. йўловчи.км) ҳисобланиб, 2019 йил январь – июнь учун 61701.5 млн. йўловчи.км ни ташкил этганлиги ва 2018 йил январь – июнда эса 60190.8 млн. йўловчи.км ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин (2-расм)[4].



2-расм. Ўзбекистон Республикасида 2014-2019 йилларда автомобиль транспортида ташилган йўловчилар динамикаси

Шаҳар йўловчи транспорти маршрутларида транспорт воситалари ишининг самарадорлиги шаҳар қурилишига, маршрутлар тизимига, ҳайдовчилар меҳнати ва дам олишининг ташкил этилишига, шаҳар транспорт ҳаракатини бошқариш тизимига, транспорт воситасига турига боғлиқдир[4].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки ҳозирги замон глобаллашув ва соҳаларнинг ривожланиши шароитида автомобиль транспортида сифатли хизматлар кўрсатиш ва йўловчиларни ташиш жараёнларида ҳамда логистик функцияларни ва транспорт воситалари фойдалини оптималлаштиришда ахборотлаштириш тизими ва технологиялардан фойдаланишсиз кўзланган мақсадларга эришиш мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 январь куни транспорт тизимини самарали ташкил этиш борасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномаси 2020 йил 25 январь.

3. Ш.А.Бутаев. Ташиш жараёнларини моделлаштириш ва оптималлаштириш. Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси фан нашриёти. 2009йил. 263 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил якунлари бўйича ҳисоботи.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АВТОБУС САРОЙЛАРИ ТАРКИБИДАГИ АВТОБУСЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАГИ МУАММОЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Чориев Х.Ш. (докторант)

Йўлдошев Д.Ф. (ассистент)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномасида назарда тутилган масалалар ва ўтган йил давомида амалга оширилган ишлар, жорий ва келгуси йилларга мўлжалланган устувор йўналишлар, давлатимиз ички ва ташқи сиёсати учун асосий вазифалар баён этилиб, долзарб қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Мурожаатномада йўлланган асосий масалалар сирасига аҳолига сифатли хизматлар кўрсатиш ва шу жумладан автомобиль транспортида хизматлари сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлаш вазифалари ижросини муайян даражада амалга оширишда маълум бир таҳлиллар амалга оширилди. Жумладан, “Тошшаҳартрансхизмат” Акционерлик жамияти (АЖ) таркибидаги автобус саройларида мавжуд автобус русумлари қуйдагилардан иборат:

- Mercedes Benz Low Floor жами 462 та бўлиб, шундан фойдаланиш муддатини ўтаган автобуслар сони 266 тани ташкил этади;
- MAN A22 CNG жами 131 тани ташкил этади;
- SAZ LE-60 жами 81 тани ташкил этади;
- ISUZU NP 37 жами 355 та бўлиб, шундан фойдаланиш муддатини ўтаган автобуслар сони 190 тани ташкил этади;
- ISUZU HC40 жами 220 тани ташкил этади.


Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги 136 та шаҳар автобус йўналишларининг ўртача узунлиги 19,69 км.ни ташкил этади. Барча автобус йўналишларининг тиғиз соатларда ҳаракатланиш вақти(интервал) ўртачаси 13 минутни ташкил этишини кузатиш мумкин.

“Тошшаҳартрансхизмат” Акционерлик жамияти (АЖ) таркибидаги автобус саройлари техник хизмат бўлимларида қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Тошкент шаҳар автобус саройларидаги техник тайёргарлик ва автобус саройидан фойдаланиш коэффиценти кўрсаткичлари таъминланмаган:

- техник тайёргарлик кўрсаткичлари (ТТК) = режада – 0.920, амалда – 0.769 бўлганлигини кўриш мумкин;

- автобус саройидан фойдаланиш коэффиценти (СФК) = режада – 0.840, амалда – 0.721 бўлганлигини кўриш мумкин.



1-Расм. 2019 йил давомида автобус саройлари кесимида қоида бузилиш ҳолатлари ҳамда режа ва амалда бажарилган ишлар гистограммаси.

2. АЖ автобус саройларининг йўналишларга чиқарилган автобусларнинг техник носозлик билан автосаройларга қайтиб киришлари сони юқори бўлиб улар:

- қайтиб киришлар сони 65 676 та, яъни 19.2 %;
- қайтиб кириб таъмирлашдан чиқиши 20 019 та, яъни 5.9 % ни ташкил этади.

3. Эҳтиёт қисмлар, автошиналар ва аккумулятор батареялари билан таъминот масаласи қониқарсиз. Фақат товар хом – ашё биржаси орқали, устама нархлар қўйилган ҳолда харид қилиниши мумкин.

4. Автобусни экологик тоза альтернатив ёқилғи турига, яъни автобусларни табиий газда ишлашга қайта жиҳозлашда моддий – иқтисодий муаммолар мавжуд.

5. Техник тайёргарлик коэффиценти кўрсаткичини таъминлаш учун автобусларда таъмир ва сервис хизмат кўрсатиш регламент ишлари сифатини яхшилаш, эҳтиёт қисм ва материаллар харид қилишда таъминот масалаларида товар хом – ашё биржаси муддатларини камайтириш, базис агрегатларни таъмирлаш ва сервис хизмат кўрсатишда Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳридаги ишлаб чиқарувчи корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ) – лар ва тадбиркорлар билан ҳамкорлик асосида ишлашни ташкил этиш керак бўлади.

Муоммаларнинг ечими бўйича қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- ҳаракат таркибларини босқичма – босқич янгилаб бориш, шаҳар транспортини ривожлантириш дастур – концепцияси жадвалига мувофиқ, 2020 йил катта сифимлари 190 дона MAN A22 CNG русумли ва ўрта сифимли 200 дона SAZ LE-60 русумли автобуслар харид қилиниши режалаштириш;

- жамият таркибидаги автобус саройлари ва “Тошавтотаъмирхизмат” унитар корхонасида автобусларга таъмир ва сервис хизмат кўрсатишни регламент асосида тўғри ташкил этиш, эҳтиёт қисм ва материаллар айланма захира фондини яратиш;

- эҳтиёт қисмлар, материаллар автошина ва аккумулятор батареяларини харид қилишни мамлакатимизнинг завод – тайёрловчилари ва чет эл корхоналаридан тўғридан – тўғри олиш таъминот муносабатларини ўрнатиш ва моддий пул маблағларини конвертация қилишни ҳал этиш;

- жамиятнинг 14 ноябрь 2019 йилги буйруғи билан автобус саройларининг 2020 йилда 140 дана “Исузу” русумли автобуслар двигателлари “Табиий сиқилган газ ёқилғи”сида ишлаш учун қайта жиҳозлаш жадвалини бажарилишини таъминлаш ва моддий маблағлар масаласини ҳал этиш назарда тутилади.

Юқоридаги муоммалар ечими бўйича таклифларни инобатга олинса эришиладиган натижалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- автобус саройларига жуда катта иқтисодий самара киритилиб, автобус саройларини моддий маблағлар етишмаслигига барҳам берилади;

- атроф муҳитга зарарли газ чиқиндиларини чиқишини камайтириш ва иқтисодий самара кўриш, йўловчи ташиш таннархини камайтиришга эришилади;

- йўналишлардан техник носозлик билан қайтиб киришлар камаяди, автобусларнинг ишлаб чиқариш тасарруф унумдорлиги ошади;

- Тошкент шаҳар йўловчи ташиш автотранспортига бўлган тўлиқ талаблар қондирилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ўз тасарруфидаги автобусларни босқичма-босқич янгилаб бориши, энг асосийси ҳаракат таркибини замонавий, замонавий иқтисодий самара берадиган транспорт воситалари билан тўлдириш, тежамкорлик ва атроф муҳитга зарар етказмаслиги, дунёда ўзини оклаётган электробусларни ҳаракат таркибига кўшиш, ХХРнинг Yutong компанияси томонидан ишлаб чиқарилган электробусларни сотиб олиш ва жамоат транспорти ишини яхшилаш нафақат соҳа ходимларининг вазифаси, балки, ҳар бир йўловчининг бурчидир. Хусусан, уларда ҳаракатланганда дуч келган муаммоларга бепарво бўлмаслик, транспорт воситаларини техник ҳамда санитар жиҳатдан асраб-авайлаш ҳам хизмат сифатининг кўтарилишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон 07.02.2017 Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси, 25 январ 2020 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ маълумоти 2020 йил.

НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ ТИЗИМИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИ

**Шарипов Ж.Ш. (РББОМ магистранти)
Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Иминов О.К.**

Нефть ва газдан миллий бойлик сифатида тўлиқ фойдаланиш, узок муддатли истиқболда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланиши пойдевор яратиш ҳамда аҳолини барча турдаги энергия ресурслари билан таъминлаш учун ёқилғи-энергетика тизими самарали ишлашни таъминлайдиган ташкилий-бошқарув тузилишга эга бўлиши зарур.

Нефть ва газ соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг муҳим таркибий қисми ёқилғи-энергия ресурсларини тежаш ва энергия самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда бошқарув усуллари ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Корхоналар бошқарув тизимини шакллантириш умумий ҳолда бошқарув усулларида фойдаланиш тизимларини яратиш орқали амалга оширилади[1]. Зарурий натижага эришиш мақсадида ташкилий тизим фаолиятини амалга ошириш бошқарувда ушбу тизимга таъсир этиши орқали бажарилади.

Ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича бошқариш услубларини такомиллаштириш билан боғлиқ жиҳатларни кўриб чиқиш учун ушбу категориянинг классик таърифига асосланамиз – бошқарув усули деганда, маълум мақсадларга эришиш учун бошқарилувчи объектга бошқарувчи субъектнинг таъсир қилиш усуллари ва воситаларининг тўплами сифатида тушунилади.

Бошқарув усулларида моҳирона фойдаланиш самарали хўжалик юритишни таъминлайди[2].

Бошқарув усулларида мазмуни, табиати ва шаклланишига бошқарув тизимининг мақсадлари, вазифалари ва тузилиши таъсир қилади. Соҳада бошқарув тизимлари фаолиятининг мақсади ишлаб чиқариш дастурларида белгиланган ёқилғи-энергия самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришишга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилишдир.

Мақсад ва вазифаларни ҳисобга олган ҳолда бошқарувда иқтисодий, махсус техникавий ва ташкилий-техник усулларида фойдаланиш мумкин.

Иқтисодий усуллари ишлаб чиқариш дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторингини таъминлаш учун қуйидагиларни ўз ичига олади:

– нефть ва газни қазиб олиш, ташиш ва сақлаш, углеводородларни қайта ишлашнинг йиллик режасига мувофиқ ҳар бир шўъба корxonанинг фаолиятини ягона марказдан бошқариш асосида амалга ошириладиган марказлаштирилган бошқариш усули, ўз технологик эҳтиёжлари учун истеъмол қилиш жараёнида ресурсларни тежаш талаблари, фаолиятни молиялаштириш, энергия ускуналарини ишлатишдаги ходимлар, энергия тежаш даражасини назорат қилишнинг самарадорлиги;

– «Ўзбекнефтегаз» АЖ фаолият самарадорлигини ошириш учун ходимларни иқтисодий рағбатлантириш.

Махсус техник усуллар «Ўзбекнефтегаз» АЖда технологик объектларни (бинолар, иншоотлар, энергия ускуналари) лойиҳалаш ва куриш босқичида, шунингдек уларни таъмирлаш, модернизация, реконструкция ва утилизация қилиш жараёнларини бошқаришни кўллаб-қувватлашга қаратилган.

Энергетика сиёсати, энергетика паркларини техник қайта жиҳозлаш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларини бошқаришда ташкилий ва техник усуллардан фойдаланилади.

Ҳар қандай прогрессив бошқарув усулларида фойдаланиш, компаниянинг ривожланиш босқичи етарли бўлмаса, ижобий таъсир кўрсата олмайди. Шунинг учун компаниянинг ривожланиш босқичига ва молиявий ресурсларга қараб бошқарув усуллари танлаш бошқарувни такомиллаштиришнинг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Гогина Г.Н., Никифорова Е.В., Шиянова С.А. Комплексный анализ экономического потенциала организации. Под ред. А.И. Афоничкина. – Тольятти: Волжский университет им. В.Н. Татищева, 2003 – 175 с.;
2. Саймон Г.А. и др. Менеджмент в организациях. М: Экономика. 2008 – 424 с.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КУЗАТУВ КЕНГАШЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

**Шарипов Ж.Ш. (РББОМ магистранти)
Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Иминов О.К.**

Ҳар қандай ташкилотнинг молиявий натижаларидан қатъий назар, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш мумкин бўлиб, бу мулкчилик шаклининг барча турларига оид корхоналар учун бирдай тегишлидир[2].

Замонавий илм-фан ва бошқарув амалиёти бунинг учун кўплаб воситаларни тақдим этади. Улардан бири коллегиял бошқарувда маслаҳат органларини шакллантиришдир. Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятини бошқариш тизимида алоҳида ўрин тутаяди. Айнан ушбу орган акциядорлар, менежерлар, манфаатдор томонларнинг турли гуруҳлари ўртасида манфаатлар мувозанатини таъминлаши лозим.

Кўмиталарнинг ташкил этилиши қабул қилинадиган қарорлар сифатини оширади ва Кузатув кенгаши ишини сезиларли даражада осонлаштиради, чунки унинг аъзолари кўриб чиқилаётган масалаларни ҳар доим чуқур ўрганиш имкониятига эга эмаслар[3]. Хорижий ҳуқуқ тизимида кузатув кенгаши деганда жамиятнинг иқтисодий фаолиятига аралаша олмайдиган назорат қилувчи орган тушунилади[1].

Кузатув кенгашининг қонунда белгиланган ва унинг назорат функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ваколатлари уч гуруҳга бўлиниши мумкин (1-расм):

- ижро этувчи органлар фаолиятини назорат қилиш;
- битимлар устидан назоратни амалга ошириш;
- акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси ва аудиторлик ташкилоти (аудитори) билан ўзаро муносабатлари.


Амалдаги қонунчиликда жамият уставида Кузатув кенгаши функциялари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилиши назарда тутилган. Шу билан бирга акциядорлик жамиятининг ички ҳужжатлари Кузатув кенгашининг самарали шаклланиши ва унинг фаолиятини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиши керак. Шунга қарамай, ҳозирги вақтда Кузатув кенгаши фаолиятига тегишли бир қатор муаммолар мавжуд.

1. Автономлик муаммоси. Амалдаги қонунчилик Кузатув кенгашига унчалик ҳам кенг бўлмаган ваколатларни беради. Бу акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорларнинг ролини нисбатан пасайишига олиб келади. Ушбу ҳолатнинг оқибатлари Кузатув кенгаши томонидан бошқарув фаолияти устидан назоратнинг етарли даражада эмаслиги ва умуман корпоратив бошқарув самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

2. Кузатув кенгашидан чиқиш муаммоси. Бугунги кунда Кузатув кенгашига сайланган шахснинг ундан чиқиши мураккабдир. Соғлиги туфайли ёки бошқа жойга кўчиб кетганлиги сабабли, Кузатув кенгаши аъзосининг вазифаларини бажаришни давом эттиришнинг имкони бўлмасда ҳам у аъзоликдан чиқолмайди. Уни акциядорларнинг умумий йиғилишигина эгаллаб турган лавозимидан озод қилиши мумкин.

3. Кузатув кенгаши аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек уларнинг хизмат харажатларини қоплаш муаммоси. Акциядорларнинг умумий йиғилишида мукофотларни тўлаш тўғрисидаги қарорни ҳар томонлама рағбатлантириш керак, чунки бундай тўловларсиз Кузатув кенгаши таркибига мустақил директорлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш мушкул. Кенгаш аъзоларининг самарали ишлаши учун тегишли қонунчиликдан ташқари, АЖ компетенцияси доирасида рағбатларни тизимини жлоий этиш лозим.

Корпоратив бошқарувда Кузатув кенгаши фаолиятини турли характердаги ўзаро боғлиқ механизмларнинг мураккаб тўплами сифатида кўриб чиқиш мумкин: ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, мотивацион, ижтимоий-психологик, уларнинг ҳар бири ўзига хос воситалар, чоралар, жамият фаолиятига таъсир қилиш шаклларига эга.



1-расм. Кузатув кенгашининг назорат функциялари доирасида бошқарув объектлари билан ўзаро алоқадорлиги

Шундай қилиб, Кузатув кенгаши корпоратив бошқарув доирасида сармоядорлар менежерлар фаолияти устидан назоратни қандай амалга ошириши, шунингдек, менежерлар корхона натижалари учун инвесторлар олдида қандай жавобгар эканликларини аниқ-тиниқ белгилаб бериши лозим. Бундай тизим инвесторларга ўз маблағларидан молия-хўжалик фаолияти учун оқилона фойдаланишига ишонч ҳосил қилишига имкон беради ва шу билан уларнинг капиталдаги иштироки даражасини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Долинская В.В. Акциядорное право: проблемы и перспективы развития // В.В. Долинская. – М.: Волтерс Клувер, 2006.
2. Ленчук, Е. Б. Формирование кадрового потенциала для инновационной экономики // Экономическое возрождение России. - 2017. - № 1. - С. 22-26.
3. Смотрицкая, И. И. и др. Проблемы и стратегические задачи развития института общественных закупок / И. И. Смотрицкая, О. В. Анчишкина, С. В. Черных // Проблемы прогнозирования. - 2017. - № 5. - С. 70-78.

ЛОГИСТИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДАРАЖАСИ ВА УНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Юсуфхонов З. Ю. стажёр-ўқитувчи

Мамлакат иқтисодиёти, транспорт тизимининг ривожланиши миқдорларга транспорт хизматлари кўрсатиш сифати ва кўламини ошириш масалаларига бўлган эътиборни ҳам тобора оширишни тақозо этмоқда. Бу масалалар хўжалик юритишнинг сервис ва тақдим қилинидиган логистик хизмат кўрсатиш даражаси муаммоси билан чамбарчас боғланади.

Ривожланган мамлакатларида транспорт ва унинг инфратузилмасини ривожлантириш масаласига доимий равишда муҳим эътибор қаратилади, чунки соҳанинг ривожланиш даражаси жамиятнинг логистик хизматларга бўлган талабини қондиради, маҳсулот ишлаб чиқувчилар билан истеъмолчиларни ўзаро боғлайди ва мамлакат рақобат устунликларини таъминлашга хизмат қилади. Кўпгина корхоналар ўзларининг ишлаб чиқариш қувватларини ривожланаётган мамлакатларга кўчириб ўтказмоқдалар. Ташишлар ҳажми, жумладан, халқаро ташишлар ҳажми шиддат билан ўсиб бормоқда.

Логистика хизмат кўрсатиш соҳасининг бир қисми бўлиб, унинг асосий вазифаси шундан иборатки, хизматнинг келиб чиқишига истеъмол талаби ва миқдорлар еҳтиёжини кам харажатда ва ўз вақтида сифатли қондириш ҳисобланади.

Логистик хизматларни етказиб бериш жараёнида кўрсатиладиган хизматларни бажаришга кетадиган вақтни худди шу етказиб бериш жараёнида кўрсатилиши мумкин бўлган хизматларнинг умумий комплексига кетадиган вақт билан таққослаш йўли билан ҳам баҳолаш мумкин. Ҳисобот куйидаги формула орқали амалга оширилади:


$$Y = \left[\frac{\sum_{i=1}^n t_i}{\sum_{i=0}^N t_i} \right] \cdot 100\%$$

бунда n ва N -мос ҳолда ҳақиқий ва назарий кутилаётган хизматларнинг миқдори, t_i - i хизмат кўрсатишга кетадиган вақт.


Логистик хизмат кўрсатиш даражасини баҳолаш учун хизматларнинг энг муҳим турлари танланади, уларни кўрсатиш катта харажатларни талаб этади, кўрсатмаслик эса-катта йўқотишларга олиб келади.

Сервис харажатларининг хизмат даражасига боғлиқлиги 1-расмда кўрсатилган.

70% ва ундан юқори бўлган сервис хизмат кўрсатиш харажатлари хизмат кўрсатиш даражасига боғлиқ ҳолда экспоненциал ўсиб боради ва 90%га етганда логистик сервис ҳажмини ошириш эса самарасиз бўлиб қолади. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш даражасини пасайтириш сервис сифатининг ёмонлашуви натижасидаги йўқотишларга олиб келади.



1-расм



2-расм

Логистик хизматнинг мақсади хизмат кўрсатиш даражасининг оптимал миқдорини қидиришдан иборат. График тарзда сервис даражасининг оптимал миқдорини хизмат даражаси ўзгарганда харажатлар ва йўқотишларнинг ўзгаришини акс еттирувчи суммар чизиғини ҳосил қилиш орқали аниқлаш мумкин.

Логистик хизматларнинг энг муҳим тавсифлари обектив эканлиги билан бир қаторда логистик фаолиятнинг шартлари ҳамда параметрларини концептуал равишда белгилайди. Қайд етилганларнинг энг муҳимларини алоҳида тартибда ажратиб кўрсатамиз:

1. Манбага узвий боғлиқлиги. Манбага боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиш имкониятига эга бўлган моддий товардан фарқли равишда логистик хизматлар фаолият шакли сифатида ўз манбасидан ажралмас ҳисобланади.

2. Сифатнинг доимий равишда эмаслиги. Логистик хизматлар сифати логистик тизимнинг мукамаллик даражасидан, мижозлар талабидан, бир қатор тасодифий омиллар таъсиридан келиб чиққан ҳолда ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлади. Сифат даражасидаги ўзгарувчанлик логистик хизматлар параметрлар мажмуи бўйича стандартиштирилган ҳолатда ҳам маъиум бир миқдорда юз бериши мумкин.

3. Мақсадли йўналтирилган (адресли) хизматлар. Логистик хизматлар бевосита буюртмачига кўрсатилади. Айнан ушбу хусусиятига кўра қайд етилган хизматлар мақсадли бозордаги умумий талабга мос равишда ишлаб чиқарилган моддий шаклдаги товардан фарқланади.

4. Такрорланмаслик. Хар бир кўрсатилаётган логистик хизмат ушбу хизматни олувчи учун такрорланмас тартибда кўрсатилади. Бошқа шу каби хизмат тури аввалгисидан ёки кейингисидан параметрига, муддатига, сифатига, ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол шартларига кўра фарқланади.

5. Бошқа хизмат турлари каби логистик хизматлари ҳам “эҳтиётдан” тарзда амалга ошириш мумкин эмас (имконияtsiz). Логистик хизматларни

ғамлаб-жойлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги мазкур турдаги маҳсулотларнинг ҳар қандай шаклдаги захираларини ғамлаб бориш вазифасидан озод этади.

6. Талабнинг мослашувчанлиги (эластиклиги). Моддий шаклдаги товарлар логистик хизмат турлари билан солиштирилганда ушбу хизматларнинг бозор талабларига мослашувчанлик билан устунлик қилиши кўринади. Мутахассислар томонидан қизиқарли тартибдаги қонуният қайд этилган. Ушбу қонуниятга кўра, одатдаги иқтисодий шароитларда логистик хизматларга бўлган талаб мазкур хизматлар нархининг пасайишига ҳамда истеъмолчи-корхоналарнинг даромадлари ҳажмининг ортишига мувофиқ равишда тезкор суръатларда ортиб боради. Шу билан бирга, логистик хизматларга бўлган талабнинг ўсиш суръатлари моддий шаклдаги товарларга бўлган талабнинг ўзгарувчан тарздаги ривожланиш суръатларига нисбатан бирмунча юқори даражани ташкил этади.

7. Тезкорлик даражаси. Белгиланган ишларни амалга оширишда мавжуд тезкорлик ҳамда жадаллик суръатлари ҳар доим ҳам якуний натижага нисбатан ижобий таъсирга эга бўлмаган моддий шаклдаги товарлар ҳамда бошқа фаолият турларидан фарқли равишда логистик хизматлар ушбу хизматларни кўрсатишни амалга оширишдаги тезкорлик даражасининг ўсишига мутаносиб равишда мазкур хизматлар келтирадиган иқтисодий самарадорлик даражасини таъминлайди. Кўп ҳолларда айнан логистик хизматлар кўрсатишда мавжуд тезкорлик даражаси потенциал буюртмачиларни ўзига жалб этади.

Демак, логистик хизмат кўрсатишнинг энг мувофиқ-оптимал даражасини аниқлаш мақсадида, жами сарфлар (харажатлар), фойда ҳамда даромадларни мувофиқ тарзда мувозанатлаштириш ишлари амалга оширилади. Излаш жараёнида муросалик ечим принципи амалга татбиқ этилиши зарур.

Мазкур тартибда қабул қилинган қарор ўзида логистик хизматлар қиймати ва тегишли хизмат кўрсатишнинг даражаси ўртасида ҳамда жами харажатлар ва даромадлар ўртасида мавжуд мақсадга мувофиқ тарздаги нисбатни ифодалаши зарур.

Адабиётлар

1. Д.М.Умарова, М.А.Бўронова “Логистика” ўқув қўлланма, Чўлпон номидаги нашриёт-матбуот ижод уйи, Тошкент-2016.
2. М.Н.Ирисбекова “Халқаро логистик хизматлар тизими” ўқув қўлланма.

СЕКЦИЯ 3. АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

ТЕМИР ЙЎЛ СОНИ ЎЗГАРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КЎПРИКЛАР РЕКОНСТРУКЦИЯСИ

**Асанова Г.О. (магистратура талабаси)
Илмий раҳбар: т.ф.н., проф. в.б.Раупов Ч.С.**

Республикамиздаги ҳозирги шароит, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиши ҳамда транспорт инфраструктурасининг энг муҳим йўналишларидан бири темир йўл тармоғини ривожлантириш бўлиб, бу ташқи давлатлар билан транзит алоқаларни ривожлантиришни амалга оширилишига ёрдам беради.

Йўлдан фойдаланиш шароитининг ёки сув йўлининг ўзгариши мураккаб ва қиммат реконструкция ишларини олиб боришни талаб қилади. Шундай қилиб, кўприкларни реконструкция қилишда кўп фойдаланиладиган усуллардан бири – бу бир йўллик кўприкни икки йўлли кўприкка жиҳозлашдир. Темир йўлларни электрификация қилиш натижасида кўпгина ҳолларда оралиқ қурилмаларнинг ички габарит ўлчовларини ҳам узунасига, ҳам энига ўзгартиришга тўғри келмоқда. Кўпгина дарёларда ГЭСлар қурилиши натижасида сув омборлари юзага келмоқда. Бу ГЭС тўғони остки ва устки кемалар ҳаракатини ўзгартиради. Тўғон пастки қисмидаги кўприк остида кемалар ҳаракатининг ўзгариши, одатда, кўприк ости габарит ўлчамларини ўзгаришига олиб келмайди. Сув кўтариладиган ҳудудда жойлашган кўприкларда мос равишда таянчлар узайтирилиши, баъзи ҳолларда кемаларни ўтказиш кўтармаларини ошириш лозим бўлади [1, 2, 3].

Автомобил йўлларини қуришда кўпинча дарёларни кесиб ўтишга тўғри келади. Бу ҳолларда қимматга тушадиган кўприкни қуришдан кўра, маълум бир муддатга фойдаланилаётган темир йўлни автомобил ўтишга мослаб жиҳозлаш маъқул. Бу ҳолда темир йўл кўпригини биргаликда фойдаланиладиган йўлга айлантириш, техник-иқтисодий мақсадга мувофиқлиги синчковлик билан ўрганилиши лозим. Бунда ҳаракатдаги юкнинг ўзгариши, зўриқиш тартиби таҳлили, боғланиш мосламалари, ҳаракат хавфсизлиги ва кўприкнинг сақланишини таъминлаш масалалари инобатга олинishi лозим. Катта кўприкларни реконструкция қилганда, алоҳида ҳал этишни талаб қиладиган реконструкция муддатига, поездлар ҳаракати шароитига ва кўприкнинг асосий элементлари ҳолатига риоя этиш лозим.


Ошаётган ўтказувчанлик хусусиятини таъминлаш мақсадида йўллар сонини ошириш йўли билан кўприкларнинг реконструкцияси амалга оширилади. Бўнда мавжуд йўл ўқидан 20 – 25м масофада жойлаштириб, иккинчи йўл учун янги кўприк қуриш тавсия этилади. Мазкур ечим иккинчи

йўл учун кўприк қуриш учун мақбул шароитни таъминлайди ва мавжудини эксплуатация қилишга халақит бермайди. Агар шароит имкон берадиган бўлса, кўприк кечувининг гидрологик шароитларини ёмонлаштирмасдан, иккинчи йўл остидаги кўприкни паст томондан жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Эксплуатация қилинаётган катта ва эски қурилган кўприкларда, кенгайтирилган пойдеворларида қиялама музкесарлари мавжуд оралик таянчларни, маълум шароитларда техник ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича уларни иккинчи йўл учун ёнма-ён қуриш мақсадга мувофиқ (1-расм). Шу мақсадда таянч қопламаси ва пойдевор четидан юқорида жойлашган музкесарнинг мавжуд терими бир қисми бузиб олинади ва унинг ўрнига иккинчи йўл учун монолит бетондан устқурмани кўтаришади [2, 3].

Агар музкесар узунлиги кенгайтириш учун етарли бўлмаса, унда янги ёнма-ён қуриладиган қисми алоҳида пойдеворга жойлаштирилади. Таянчнинг эски ва янги қисмларининг биргаликдаги иши деформацион чокда кучли бетонли ёки темирбетонли шпонка, ҳамда металл анкерлар қўйиш билан таъминланади [2, 3].

Кичик ва ўртача кўприкларнинг реконструкциясида мавжуд қирғоқ таянчининг бевосита яқини (ёни) да иккинчисини қуриш энг катта қийинчилик туғдиради. Ишни осонлаштириш ва мавжуд қирғоқ таянчини шикастламаслик учун, янги қирғоқ таянчини кўтармага олиб чиқиб ва уларни эски қирғоқ таянчлари чегарасидан ташқарида жойлаштириб, иккинчи йўл кўпригини чўзишга ҳаракат қилишади. Айрим ҳолларда, масалан атрофи тўлдирилган (тўкилган) қирғоқ таянчлари учун, баланд ростверк туридаги пойдевор ҳосил қилувчи қозик, қозик-қобик ёки бурғиланган қозиклардан фойдаланиб, эски кўтарма жинсида янги қирғоқ таянчларини қуришади.



1-расм. Амур дарёси (Россия, Хабаровск) орқали кўприк реконструкциясида пойдеворнинг эски теримидан фойдаланиб иккинчи йўл остида таянчни ёнма-ён қуриш

Юқорида айтиб ўтилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, бу каби усуллардан фойдланиш бир қатор энгилликларни олиб келиши мумкин. Бундай ечим кўтармани махсус маҳкамлашдан қутулиш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Брик А.Л., Давыдов В.Г., Савельев В.Н. Эксплуатация искусственных сооружений на железных дорогах. – М.: Транспорт, 1990. – 232 с.
2. Материалы компании ООО «Зика». www.sika.ru.
3. Раупов Ч.С. Реабилитация тавровых железобетонных балок мостов с

СОВРЕМЕННЫЕ ТРЕБОВАНИЯ К ИСКУССТВЕННЫМ СООРУЖЕНИЯМ: НАДЕЖНОСТЬ, БЕЗОПАСНОСТЬ, ДОЛГОВЕЧНОСТЬ

Ахтамов А.А., (магистрант ТашИТ)

Научный руководитель: к.т.н, и.о.доц У. Рахманов

Железнодорожные искусственные сооружения и земполотно требуют к себе особого внимания в вопросах содержания, капитального ремонта и реконструкции. О мерах по улучшению состояния и содержания железнодорожных искусственных сооружений и земляного полотна должна идти речь в в управлении ГАЖК.

Несмотря на целенаправленное проведение работ по реконструкции и ремонту, на сети железных дорог продолжает эксплуатироваться значительное число дефектных и не соответствующих современным нормам сооружений. Например: 28% железнодорожных тоннелей, 19% автодорожных путепроводов на балансе дистанций пути, 16% пешеходных мостов, 11% больших мостов отнесены к категории дефектных сооружений.

В отличие от других элементов железнодорожной инфраструктуры инженерные сооружения рассчитаны на наиболее длительный срок эксплуатации. Однако установленный при массовом железнодорожном строительстве в России и странах СНГ и казавшийся вполне достаточным нормативный срок эксплуатации в 100 лет к настоящему времени уже существенно превышен значительным числом сооружений. До сих пор в эксплуатации на главных железнодорожных направлениях находятся сооружения, построенные в период с 1861 по 1907 годы под поездные нагрузки, существенно меньшие действующих сейчас. Доля таких сооружений составляет 30% от общего количества эксплуатирующихся мостов, водопропускных труб, земполотна и имеет тенденцию к увеличению в ближайшие годы. На сети железных дорог России и с транах СНГ еще продолжают эксплуатироваться около 1100 металлических пролетных строений спроектированных по нормам 1907 года и более ранних, общим весом 50 тыс. т.

В силу происходящих в последние годы климатических и гидрологических изменений осложняются условия эксплуатации земполотна, также построенного более века назад. За период с 2006 по 2010 год имел место 31 случай схода снежных лавин на железнодорожный путь с общим перерывом движения более 150 часов. Потепление климата начинает также негативно влиять на состояние земполотна, расположенного на многолетнемерзлых грунтах. Активное оттаивание грунтов основания насыпей приводит к

повышенной деформативности земполотна. При этом предлагаемые меры по сооружению охлаждающих контуров, каменных набросок не в полной мере решают задачу обеспечения стабильности земполотна на многолетнемерзлых грунтах.

Обновленная система содержания инженерных сооружений должна основываться на:

- оперативной и качественной диагностике стареющих сооружений сетизелезных дорог, обязательная оценка остаточного эксплуатационного ресурса для каждого сооружения;

- едином методическом подходе к проведению обследований и испытаний;

- единой автоматизированной системе обработки результатов обследований;

- определению оптимальной стратегии проведения работ по оздоровлению сооружений, предусматривающей также выбор оптимального соотношения между текущим содержанием, капитальным ремонтом и реконструкцией;

- более профессиональном выполнении работ по текущему содержанию и ремонту силами специализированных организаций.

Использованной литературы:

Красин Н.А. Сейсмостойкость транспортных искусственных сооружений. Инженерная сейсмология. Часть 1. Учебное пособие Ташкент : Таш ИИТ, 2005 г.

ПРОБЛЕМА КРУПНЫХ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНЫХ УЗЛОВ

Ахтамов А.А., (магистрант)

Научный руководитель: к.т.н, и.о.доц У. Рахманов

На крупных узлах дороги много участков с деревянными вставками, где конструкция пути не соответствует условиям эксплуатации (отличается от типовой или требуемой). Требуется замена вставок. Путьевые машинные станции (ПМС) не решают этой проблемы - им невыгодно делать малые объемы в стесненных условиях тяжелой техникой.

Целесообразно создавать мобильные мини-ПМС для ликвидации таких узких мест. При этом надо разработать новые технологии, отличные от зафиксированных в существующих нормативных документах, и условия по премированию производительности. Необходимо оснащать мини - ПМС производительной мобильной техникой для работы в стесненных условиях, без снятия напряжения в контактной сети, без нарушения габарита по соседнему пути. Такие механизмы имеются, но пока в ограниченном количестве (например, самоходные комплексы типа PUM для смены стрелочных переводов и коротких участков пути).

Сегодня в нашем распоряжении высокопроизводительные машины

последнего поколения. Однако при этом имеются пробелы во всех технологических цепочках капитального ремонта пути. В условиях роста интенсивности движения поездов и грузонапряженности проведение качественных работ с соблюдением существующих технологий становится практически невозможным.

Нужны новые машины, которые эти пробелы заполнят и позволят поднять качество работ на соответствующую запросам времени высоту за более короткие "окна".

Использованной литературы:

Йўл ҳаракати қоидаларини бузган пиёдаларнинг шахсини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аниқлаш тартибини ички ишлар органларининг амалиётига жорий этиш; йўловчилар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши тўғрисида электрон баённомаларни расмийлаштириш тартиби.

Йўл ҳаракати қоидаларига бағишланган мавзуларни кўпроқ ёритиш.

Шу ва шу каби тадбирларнинг ЙТХ иштирокчиси бўлиш каби кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келишини илмий тадқиқот натижалари кўрсатиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3127-сонли қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрель санасидаги 292-сонли қарори

3. Кременец Ю.А. Технические средства организации дорожного движения. — Москва, ИКЦ «Академкнига», 2005.

АНГРЕН ШАҲАР КЎЧАЛАРИДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ОҚИМИ ХУСУСИЯТИ

Аҳматалиев А. (магистрант)
Илмий раҳбар доц.М.Н.Усманова

Ангрен Оҳангарон водийсининг тоғли қисмида. Ангренни шимоли-ғарбдан Чатқол тизмаси, жанубий-шарқдан Қурама тоғ тизмалари ўраб туради. Дукантсой билан Қорабовсой ва Тошкент – Қўқон яъни 373 Автомагистрალი йўли ёқасида жойлашган.

Ангрен Ўрта Осиёда катта аҳамиятга эга бўлган кўмир ва энергетика саноати маркази. Уруш йилларида Ўзбекистоннинг кўпгина саноат корхоналари Ангрен кўмири билан таъминланиб турди. Ангренда озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари ҳам бор. Ангреннинг энг йирик саноат корхонаси "Ўзбеккўмир" комбинатидир. Ангренда чиқариладиган кўмирнинг 2/3 қисмидан кўпроғи очиқ усулда қазиб олинади. Ангренда кўмирнинг бир қисми "Еростигаз" станциясида ер қаърида газга айлантирилиб Ангрен ГРЭС ва Янги Ангрен ГРЭСларини газ билан таъминлаб туради. Кон ускуналарини тузатиш, цемент, темир-бетон буюмлари ва йиғма темир бетон, тажриба-механика, автомобил таъмирлаш, "Ангрен рангли металллар", нон, сут заводлари, "Саноаткартонсавдо" хиссадорлик жамияти, "Ангрен кулол" хиссадорлик жамияти, "Ўзбек резина-техника" ишлаб чиқариш бирлашмаси, олтин бойитиш фабрикаси, "Каолин" (каолин бойитиш фабрикаси) Ўзбек-Германия кўшмакорхонаси, 2 йирик автокорхона, Облик, норуда материаллар карери, уйсозлик комбинати ишлаб турибди.

Бугунги кунда Ангрен шаҳри аҳолиси 175 400 нафарни ташкил этади. Аҳолининг шахсий транспорт воситалари 32%ни ташкил этади. Ангрен Логистика марказининг жойлашганлиги ва 373 Автомагистралининг шаҳар худудидан ўтиши ҳамда автомобил йўллариининг вертикал ва горизонтал эгрилиги Ангрен шаҳрида транспорт ҳаракатини ташкил этишни мураккаблаштиради.

Ангрен шаҳрининг артериал кўчаси шаҳарнинг бош ва ягона кўчаси ҳисобланади. Шаҳар архитектураси мазкур артериал кўчада транспорт воситаларининг иккита айланма ҳаракатини ташкил этишни тақоза қилади.

Ангрен шаҳрининг артериал кўчасидаги транспорт оқимининг транспорт воситалари турлари бўйича таҳлили 1-жадвалда келтирилган:

Ангрен ш. артериал кўчасида ҳаракатланаётган транспорт оқими таркиби

№	Транспорт воситалари турлари	Транспорт оқимидаги улуши, %
1	Енгил транспорт воситалари	68
2	Юк автомобиллари	14
3	Автобуслар ва маршрутдаги таксилар (12 ўриндик)	18

Бу кўрсаткичлар Ангрен шаҳрининг артериал кўчасида ҳисоблаб чиқилган, лекин шаҳарнинг турли қисмлари учун бу кўрсаткичлар тўғри келмайди. Тортишиш худудининг шаҳар архитектурасида турли худудларда жойлашганлиги сабабли транспорт оқими структураси турлича кўринишга эга. Масалан, Ангрен шаҳрида жойлашган шаҳар деҳқон ва ноозиқ овқат бозори атрофидаги кўчалардан 90%гача енгил транспорт воситалари ҳаракатланади.

Ангрен шаҳрининг артериал кўчасига параллел шаҳар худудидан ўтувчи 373-Автомагистрал йўлида суткада ўртача 11-12минг транспорт воситаси ҳаракатланади. Автомагистралдаги транспорт оқими структураси 2-жадвалда келтирилган.

Ангрен шаҳар худудидан ўтувчи 373-Автомагистрал йўлида транспорт оқими таркиби

2-жадвал

№	Транспорт воситалари турлари	Транспорт оқимидаги улуши, %
1	Енгил транспорт воситалари	71
2	Юк автомобиллари	21
3	Автобуслар ва маршрутдаги таксилар (12 ўриндик)	8

Ҳаракат миқдорининг йил давомида ойлар бўйича ўзгариши автомобил йўлининг халқ хўжалигидаги аҳамиятига қараб турлича бўлади, бу ўзгариш шаҳар кўчаларида бирмунча текис бўлса, шаҳар ташқарисидаги автомобил йўлларида куз ёки ёз ойларида энг катта ҳаракат миқдори кузатилади. Умуман Ўзбекистон Республикаси худудидан ўтган умумфойдаланувдаги автомобил йўллариининг асосий қисми учун ҳаракат миқдорининг юқори кўрсаткичлари ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг йиғим-терим даври август, сентябр ва октябр ойларига, дам олиш зоналари билан боғлайдиган автомобил йўлларида эса ёз ойларига тўғри келади.

Ангрен шаҳар худудида ҳаракатланаётган транспорт воситалари оқимини ўрганиш йўл ҳаракатини такомиллаштириш мақсадида тадқиқ қилинди: мавжуд йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари

(светофорлар, йўл белгилари, йўл чизиклари) ўрганиб чиқилади ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаши баҳоланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 июль 2017йил 3127-сонли “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрель санасидаги 292-сонли қарори.
3. Кременец Ю.А. Технические средства организации дорожного движения. — Москва, ИКЦ «Академкнига», 2005.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Жўраев Я.Р. (Магистрант)

Илмий раҳбар: : Ph D. Абдуллаев Б. И

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган маърузасида “... Канаданинг 1 миллиондан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган Калгари шаҳрида жорий йилнинг 10 ойида автоҳалокатлар туфайли 10 нафар шахс нобуд бўлган. Ўзингиз солиштириб кўринг: жами 2 ярим миллиондан зиёд автотранспорт мавжуд бўлган бизнинг юртимизда эса, шу даврда 1 минг 600 дан ортиқ киши автоҳалокат қурбони бўлган. Бу – оғир кулфат, катта йўқотиш эмасми?!” дея таъкидлаган эди. . [1] Маърузадан келиб чиқиб йўл-транспорт ҳодисалари энг кўп содир этиладиган жойларни, унинг турларини аниқлаш, уларни вужудга келишига таъсир кўрсатувчи омилларни (йўл шароити, йўл-транспорт вазиятлари, об-ҳаво шароити, транспорт оқимларининг ҳолати ва тавсифлари ..) таъсирини ҳисобга олувчи қонуниятлар, йўл участкасининг хавфлилик даражасини аниқлаш имконини берувчи усулларни ишлаб чиқиш, инсонлар ўлими, тан-жароҳати олиши, кўча-йўл тармоқларини таъмирлаш, реконструкция қилиш харажатларини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш зарур ҳисобланади. Бу эса кенг доирада илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни талаб этилади.

Автомобилларда ташувчиларга йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳукуматимиз томонидан қатор талаблар қўйилган. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлашда асосий жавобгарлик ҳайдовчилар зиммасида бўлади. Йўловчиларни ташиш жараёнида хавфсизлигини таъминлаш учун аниқ тадбирлар белгилашда асосий таянч кўрсатма сифатида ҳаракат хавфсизлиги кўрсаткичларини ҳар тарафлама чуқур ва объектив таҳлил қилиш натижаларидан олинган хулосалардан фойдаланилади:

- йўловчиларнинг ҳаракат хавфсизлигига таалуқли «Автомобил-хайдовчи-йўл-пиёда-муҳит» тизимига кирувчи ҳар бир омилнинг фаолиятига тегишли тадбир ва чоралар ишлаб чиқиш учун;

- бирон-бир бошқарув территориясидаги, вазирликлардаги ва уларнинг корхоналаридаги фалокатлар аҳволини, ўзгариш моҳиятини ҳамда истиқболдаги ўзгаришини башорат қилиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида.

Йўловчилар мажбуриятларини ва қўйилган талабларни бажармасликлари оқибатида йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлишини амалиёт исботланган. Аммо йўловчи ташувчи транспорт воситаси йўл-транспорт ҳодисаларини содир этганда ёки унинг иштирокчисига айланганда ҳам йўловчилар катта жисмоний ва маънавий талофат кўришади. Шу сабабли ҳам йўловчи ташувчи транспорт воситаси қайси транспорт корхонасига тегишли бўлса, шу корхонада ҳаракат хавфсизлиги кўрсаткичларини ўрганиш ва тегишли тадбирлар ишлаб чиқиш йўловчилар хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мезонларидан биридир.

Республикаимиз ҳудудида ҳозиги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг транспорт воситалари йўл кўчаларимизда ҳаракатланмоқда Республика ҳудудида транспорт воситаларини сони ортгани сайин ЙТХлар сонини камайганини (1-расмда) кўришимиз мумкун.



1-расм. Республика ҳудудида 2018-2019 ҳайдовчилар айби билан содир этилган ЙТХлар диаграммаси.

Лекин кўриниб турибдики ЙТХлар содир бўляпти бу эса соҳада ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўплигидан далолат беради.

“Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарнинг ҳайдовчилари томонидан 2018-йил 1108 тани 2019 йилда эса йўл қўйилган қоидабузарликлар 138 тани ташкил этади бу эса соҳада ҳали йетарлича ишлар борлигидан далолат беради. [2]

“Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарнинг ҳайдовчилари томонидан 2018-2019 йиларда йўл қўйилган қоида бузарликлар(2-расмда) келтирилган.



2-расм. “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналарнинг ҳайдовчилари томонидан 2018-2019 йиларда йўл қўйилган қоида бузарликлар.

Йўловчи ташувчи автотранспорт корхоналарида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштиришда: жамоат транспортида йўловчиларини ташиш хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-методологик асосларини ҳамда жамоат транспортида йўловчиларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автотранспорт корхоналари ҳайдовчилари билан профилактика ишларини олиб бориш ва “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ таркибидаги автотранспорт корхоналарида йўловчиларни ташишда йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолатларини камайтириш бўйича ташкилий тадбирларни такомиллаштириш лозим бўлади.

Автокорхонада ҳаракат хавфсизлиги муҳандиси Йўл ҳаракати қоидалари ва йўл ҳаракати иштирокчиси сифатида ҳайдовчи маданияти тўғрисидаги тушунтириш ишларини олиб боришлари, Йўл ҳаракати қоидаларига киритилаётган ўзгаришлар масалан Вазирлар маҳкамасининг 292-сонли (9-апрель 2019-йил қарорига) асосан Йўл ҳаракати қоидаларига киритилган ўзгартиришлар бўйича ҳайдовчилар ўртасида таништирув – профилактика ишларини олиб боришлари лозим.

«Йўлда безорилик», шу жумладан транспорт воситасини бошқариш маданиятига узлуксиз риоя этмаслик, қайрилиш сигнали билан огоҳлантирмай, эгаллаб турган ҳаракатланиш бўлагидан кескин ўзгартирганча автомобилни агрессив бошқариш, баланд овозли сигналдан зарурат бўлмаса-да, асосиз фойдаланишда ва бошқа ҳолатлар билан ифодаланганлигини била туриб қасддан содир этилган ҳатти-ҳаракатлар (асосланган ҳужжатлар бўйича) учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш таклифлари билдирилган бўлиб, бу борада ишлар олиб борилиши керак.

Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик, жумладан, транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарганлик учун, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарлик учун маъмурий қамоқ тарзидаги жазо қўлланилишини назарда тутган ҳолда маъмурий жавобгарликни кучайтириш белгиланди.

ДЙХХХ ходимларининг транспорт воситасини тўхтатиш бўйича конуний талабларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтириш ва

йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган жойни тарк этганлик учун маъмурий жавобгарликни ва хавф остида қолдирганлик учун жиноий жавобгарликни кучайтириш тартиби ўрнатилмоқа ва йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчилари бўлган ва ДЙХХХ рухсатсиз транспорт воситаларини таъмирлаб олган шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш тартиби қайта кўриб чиқилиб чора-тадбирларни янада кучайтириш керак.

Фойдаланилган адабиётларлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган маърузаси.

2. Аземша С.А., Карасевич С.Н. Служба безопасности движения автомобильного перевозчика. омель. БелГУТ. 2016, -150с.

3. Интернет сайтлари: YHXBB.uz

ОБЕСПЕЧЕНИЕ БЕЗОПАСНОСТИ ДВИЖЕНИЯ ПЕШЕХОДОВ НА АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГАХ

Комилов М.Ш. (курсант Академии МВД Руз)

Научный руководитель: доц. Калауов С.А.

Большое количество жертв на дорогах, оцениваемое в 30...40 % от общего количества происшествий, иногда и более вызывается неорганизованными попытками перехода через дорогу при плотных транспортных потоках при малых интервалах времени между проездами автомобилей. Наблюдения показали, что в среднем с 80%-ной обеспеченностью дети от 6 до 15 лет пользуются интервалами до 20...25 с, взрослые до 55 лет – не менее 10...15 с и пожилые – 10...15 с. Однако весьма типичны случаи, когда после длительного ожидания приемлемого интервала потерявший терпение пешеход пытается перебежать дорогу при существенно меньшем интервале.

Во многом способствует этому неблагоустроенность многих населенных пунктов и не вызванное требованиями грузопотоков проложение дорог с высокой интенсивностью движения через населенные пункты. Считают, что из всех происшествий с пешеходами примерно 26 % вызвано наездами на пешеходов, идущих по обочинам вдоль дороги и по проезжей части, 65% – на переходивших через дорогу, 5 % – стоящих на обочинах и 4 % – на проезжей части у автобусных остановок и остановившихся автомобилей.

Эти статистические данные подсказывают следующие решения, вытекающие из идеи разделения потоков людей и автомобилей:

устройство тротуаров с одной или двух сторон дороги;

рассредоточение в населенных пунктах транзитного движения по нескольким параллельным улицам, разделяя легковые и грузовые автомобили;

продуманное назначение мест перехода через улицу в увязке с установкой в необходимых случаях светофоров.

Транспортная и дорожная лаборатория Великобритании следующим образом оценивает риск пересечения улиц пешеходами вне оборудованных переходов:

Переходы с разметкой «зебра», требующей остановки автомобиля, если на переход вступает пассажир – 1; со светофорами и островками безопасности – 1,03; перекрестки только со светофорами – 1,51; нерегулируемые перекрестки с островками – 2,03; то же без островков – 2,54; участки улиц между оборудованными переходами – 2,86.

Через автомобильные магистрали и широкие улицы с интенсивным движением, где периодически возникают потоки пешеходов, устраивают пешеходные мосты или пандусы над дорогой (рис. 1) и подземные переходы. Через дороги I категории устраивают только подземные переходы. Наблюдения показывают, что пешеходы избегают ими пользоваться и часто их приходится дополнять изгородью, расположенной по оси разделительной полосы.



а)

б)

Рис. 1. Переход через автомобильную дорогу: а – пешеходный мост; б— переход по типу пандуса

Хотя переход по мосту требует больших физических усилий, чем по подземному переходу, последние, как показали наблюдения, используются пешеходами менее охотно (рис. 2).

Количество пешеходов, неорганизованно пересекающих улицу, зависит от расстояния между обозначенными переходами. Чем выше интенсивность движения, тем больше пешеходов стремится пересечь улицу в местах, где нанесена разметка, или вблизи от нее.




Рис. 2. Использование пешеходами мостиков и подземных переходов: П – количество пешеходов, пользующихся мостом или подземным переходом; T_1 – время, необходимое для пересечения дороги по мосту или подземному переходу; T_2 – продолжительность непосредственного перехода дороги; 1 – пешеходы, пользующиеся мостом; 2 – то же подземным переходом

Для выбора типа пешеходных переходов рекомендуется номограмма (рис. 3).




Рис. 3. Области применения пешеходных переходов разных типов: I – нерегулируемые переходы; II – светофорные переходы; III – подземные переходы

В малонаселенных пунктах сельского типа из-за отсутствия вдоль улиц тротуаров пешеходы идут непосредственно по проезжей части, так как в дождливую погоду неукрепленные обочины находятся в грязном состоянии, а зимой плохо очищаются от снега. Замечено, что $2/3$ пешеходов идут по ходу движения и количество происшествий с ними в 2 раза выше.

Безопасность движения в населенных пунктах резко снижается при отсутствии благоустроенных стоянок для автомобилей около магазинов, столовых, автовокзалов, больших учреждений. На обочинах скапливаются колонны автомобилей, стесняющие проезжую часть. Большую опасность представляют неожиданно появившиеся из-за них пешеходы. Органы регулирования движения обычно реагируют на такие неорганизованные стоянки установкой запрещающих знаков, что, конечно, не решает проблемы, поскольку ряд остановившихся автомобилей оттягивается на

большее расстояние, а на проезжей части появляются идущие к ним пешеходы.

Литература:

1. Клинковштейн Г.И., Афанасьев М.Б. Организация дорожного движения. – Москва: Транспорт, 2001. – 248 с.
2. Коноплянко В.И. Организация и безопасность дорожного движения. – Москва: Транспорт, 2007. – 384 с.

ЮК ТАШИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ТАШИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ЭЎТИМОЛИЙ МОДЕЛЛАШТИРИШ

М.Н.Жураев, З.Ю.Юсуфхонов

Транспорт воситалари(ТВ)да юк ташишни ташкил этиш йўналишидаги адабиётларда ташиш жараёнларини характерловчи параметрлар ва моделлар асосан ўртачалаштирилган кўрсаткичлар воситасида ифода этилган бўлиб, бунда, параметрларни шаклланишини тасодифий табиати ва уларнинг қийматларини тебраниши ҳисобга олинмаган. Бундай ёндашув режали иқтисодиёт шароитидаги йиллик ташиш режаларини тузишда қўлланиши мантиқий асосга эга эди. Чунки, элементар жараёнлар кўп марталаб қайтарилиши оқибатида уларни ифодаловчи параметрларни ўртача қийматлари эҳтимоллар назариясини катта сонлар қонунига мувофиқ ўзининг тасодифий характерини йўқотиб, доимий катталиклар тусини олар эди. Бундай ёндашув бозор иқтисодиёти шароитида юзага келган талабларга, яъни, истеъмолчини кундалик эҳтиёжини энг кам харажатлар ва захиралар ҳажмида тезкорлик билан таъминлаш тамойилларига тўғри келмайди.

Бугунги шароитда истеъмолчилар томонидан ташиш хизмати натижалари ва сифатига юқори даражадаги талаблар қўйилмоқда. Жумладан, ташиш натижаларини ишончлилиги ва истеъмолчи эҳтиёжларига мослиги, турли номдаги юкларни маълум бир ҳажмда ҳамда белгиланган муддатларда истеъмолчиларга етказиб бериш кафолатланганлиги, ташиш хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш ҳамда унинг харажатдорлигини камайтириш. Бундай баён этилган талабларни бажариш учун, юк ташишнинг элементар жараёнларини характерловчи турли параметр ва кўрсаткичларини шаклланишининг тасодифий табиати ва қонуниятларини ўрганиш, таҳлил этиш ва ҳисобга олиш, ҳамда шу асосда ташиш натижаларини жараён кўрсаткичлари билан боғлайдиган миқдорий моделлар уларнинг эҳтимолий табиатини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш лозим бўлади. Шу билан бир қаторда, ташишни элементар жараёнлари ва кўрсаткичлари қийматларини тасодифий тебранишига олиб келадиган шароит хусусиятларини аниқлаш, базавий элементар жараёнларни белгилаб олиш ва улар учун тегишли математик моделларни шакллантириш зарур.

Ташиш жараёнини ҳар бир элементи ва кўрсаткичларини транспорт воситаларининг ҳар бир тури (i), ҳар бир ҳайдовчи (r) ва ташиш йўналиши (j) учун аниқлаш лозим. Юк ташишнинг битта элементар жараёни юкли қатнов

вақти $t_{\text{юкл.к}}$ ифодаланиб, бу юк жўнатиш ва қабул қилиш манзилларида транспорт воситаларини туриб қолиш вақти $t_{\text{жс-к}}$ ва бу манзиллар орасида юк билан ҳаракатланиш вақти $t_{\text{юкл.хар}}$ ларининг йиғиндисидан иборат бўлади, яъни, $t_{\text{юкл.к}} = t_{\text{юкл.хар}} + t_{\text{жс-к}}$.

Қатнов вақти эса, транспорт воситаларини яна юк жўнатиш манзилига етказиш учун бажариладиган юксиз йўл юришга кетган $t_{\text{юкс.хар}}$ вақтни ҳисобга олади, яъни,

$$t_{\text{к}} = t_{\text{юкл.хар}} + t_{\text{юкс.хар}} = t_{\text{юкл.хар}} + t_{\text{юкс.хар}} + t_{\text{жс-к}}.$$

Қатнов вақти $t_{\text{к}}$ юкли ва юксиз йўллар узунликларига ($l_{\text{юкл}}, l_{\text{юкс}}$) ва транспорт воситасини юкли ва юксиз ҳаракатланиш техник тезликларига ($V_{\text{Т.юкл}}, V_{\text{Т.юкс}}$) боғлиқдир, яъни,

$$t_{\text{к}} = \frac{l_{\text{юкл}}}{V_{\text{Т.юкл}}} + \frac{l_{\text{юкс}}}{V_{\text{Т.юкс}}} + t_{\text{жс-к}}.$$

Транспорт воситаларини маршрутда бўлган (T) вақт мобайнида бажарган қатновлар сони ($Z_{\text{к}}$) ва бунда ташилган юк ҳажми (Q^T) куйидагича аниқланади:

$$Z_{\text{к}} = \frac{T - t_0}{t_{\text{к}}} = \frac{T - \sum l_0}{\frac{l_{\text{юкл}}}{V_{\text{Т.юкл}}} + \frac{l_{\text{юкс}}}{V_{\text{Т.юкс}}} + t_{\text{жс-к}}}; \quad Q^T = q_n \cdot \gamma_{\text{СТ}} \cdot Z_{\text{к}}.$$

бу ерда, $\sum l_0$, t_0 -ТВни T вақтда ўтган нолинчи йўллари йиғиндиси ва бу йўлни босиб ўтишга кетган вақт; $q_n \cdot \gamma_{\text{СТ}}$ -ТВни номинал юк кўтарувчанлиги ва юк кўтарувчанликдан фойдаланиш коэффициенти.

Юқоридаги ифодаларда фақат $\sum l_0$, T , $l_{\text{юкл}}, l_{\text{юкс}}$ параметрлар берилган ўзгармас катталиклар ҳисобланади, қолганлари эса тасодифий кўрсаткичлар сифатида шаклланади. Қатнов вақти масофага ва тезлик параметрларининг тасодифий рўёбга чиқишига боғлиқ бўлган мураккаб функция сифатида шаклланади, яъни,

$$t_{\text{к}} = f(l_{\text{юкл}}, l_{\text{юкс}}, V_{\text{Т.юкл}}, V_{\text{Т.юкс}}, t_{\text{жс-к}})$$

Ҳаракатланиш тезлиги ҳар бир i - турдаги автомобил ва j - ташиш йўналиши (қатнов) учун турли йўналишдаги факторлар таъсирида шаклланади: масалан, йўл шароити, автомобилни конструктив техник имкониятлари ва уни техник ҳолати, ташилаётган юк ёки йўловчи таъсири, йўлдаги транспорт оқими, ҳайдовчини ҳаракатланиш режими ва тезлигини рўёбга чиқариш борасидаги рухий-физиологик хусусиятлари каби факторлар автомобилни ҳаракатланиш тезлигини шакллантиради. Аммо бу факторларнинг тезликка таъсири вақт мобайнида ва маршрут бўйлаб доимий

эмас, улар ўзгариб туради. Шу туфайли автомобилни техник тезлиги, юк (йўловчи) жўнатувчи ва қабул қилиш манзилларида туриб қолиш вақти, уни юкли ва юксиз қатновларда юриш вақтлари каби параметрлар тасодифий катталикларни математик кутилиши сифатида қаралиши лозим.

Қатнов (t_k) ва юкли қатнов ($t_{юкл.к}$) вақтлари катталик сифатида уларни ташкил этувчи элементар жараёнлар параметрларининг математик кутилишларидан иборат бўлади. Шу асосда маршрутда фаолият кўрсатаётган ТВ ни миқдорий характеристикаси, яъни модели қуйидагича ифодаланади:

$$M(t_{юкл.к}) = M(t_{юкл.хар}) + M(t_{жс-к});$$

$$M(t_k) = M(t_{юкл.к}) + M(t_{юкс.к}) + M(t_{жс-к});$$

$$M(t_k) = \frac{l_{юкл.}}{M(V_{Т.юкл.})} + \frac{l_{юкс.}}{M(V_{Т.юкс.})} + M(t_{жс-к});$$

$$M(Z_k) = \frac{T - \sum l_o / M(V_{То})}{M(t_k)}; \quad M(Q^T) = q_n \cdot \gamma_{СТ} \cdot M(Z_k).$$

Тақсимланиш қонуни катталикни мумкин бўлган қийматларини, уларни рўёбга чиқиш эҳтимоллари билан боғлайди. Узлуксиз ва дискрет катталиклар учун тақсимланиш қонунининг универсал шакли бўлиб, тақсимланиш функцияси $F(x)$ ҳисобланади. Бу функциянинг нуқтадаги қиймати, синовлар ўтказилганда тасодифий катталик (x) дан кичик бўлиши эҳтимолига тенг бўлади, яъни,

$$F(x) = P(X < x).$$

Агар тасодифий катталикни тақсимланиш функцияси узлуксиз бўлса, унда улар эҳтимоллар зичлиги деб аталувчи $f(x)$ функциясидан олинадиган интеграл кўринишида ифодаланиши мумкин, яъни

$$F(x) = \int_{-\infty}^x f(x) dx$$

Тасодифий катталик (x) ни α дан то β гача бўлган ораликқа тушиш эҳтимоли $f(x)$ дан $\alpha - \beta$ оралиғидаги интеграл билан аниқланади:

$$P(\alpha < x < \beta) = \int_{\alpha}^{\beta} f(x) dx$$

Шундай қилиб, математик статистика ва эҳтимоллар назарияси нуқтаи-назаридан истеъмолчиларнинг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини вақт мобайнида маълум бир тарзда тақсимланган ҳодисалар оқимлари сифатида қараш лозим. Бунда, ҳар кунлик захираларининг миқдорини истеъмол параметрнинг ҳар қандай қийматидан анча каттароқ бўлишини таъминлашга эришиладики, бунда истеъмол қилинадиган ва ташиб келтириладиган юклар миқдорини ҳар қандай тасодифий қийматларида ҳам корхона ишлаб чиқаришнинг эҳтиёжларини бетўхтов қондиришга имкон яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бутаев Ш.А. ва бошқалар. Ташиш жараёнларини моделлаштириш ва оптималлаштириш. Тошкент. ЎзР ФА “Фан” нашриёти, 2009. – 268 б.

2. Биккенаев Р. Ф. Системный подход к формированию модели транспортной системы / Р.Ф. Биккенаев //Вестник Саратовского государственного технического университета. – 2010. – № 1(45). – С. 207–211.
3. Буслаев А.П., Новиков А.В., Приходько В.М. и др. Вероятности и имитационные подходы к оптимизации автодорожного движения/ Под. редакцией Коран В.М. М.: Транспорт, 2005.-344 с.
4. Транспортная логистика . Учебник/Под.ред. Миротина. Л.Б. М.: Экзамен. 2003. -507 с.

TALGO 250 - МАКСИМАЛЬНАЯ УНИВЕРСАЛЬНОСТЬ В ЭКСПЛУАТАЦИИ И ВЫСОКАЯ СКОРОСТЬ

**Мамадалиев Н.И.(Студент магистратуры)
Научный руководитель: Тулаганов Ш.Т.**

Модель Talgo 250 - универсальный продукт и идеальное решение для перевозчиков, оперирующих на железных дорогах с разной шириной колеи: многофункциональный поезд со скоростью движения до 250 км/ч, способный в процессе эксплуатации максимально эффективно адаптироваться к прямым и кривым участкам пути. Данный поезд отличает наличие адаптируемых систем питания, нескольких видов средств путевой сигнализации, раздвижная ходовая часть и подвеска, обеспечивающая "маятниковый" наклон кузова. Такие технологические особенности позволяют повысить маршрутную скорость на стандартных железнодорожных ветках и не требуют дополнительных инвестиций на модернизацию существующей инфраструктуры или строительство новых дорог.

На протяжении последних десяти лет более 30 поездов Talgo 250 курсируют по скоростным и национальным магистралям Испании, обеспечивая предоставление качественных транспортных услуг в сфере пассажирских перевозок. Кроме того, данная модель успешно зарекомендовала себя в Узбекистане: в 2011 году состоялось открытие первого и на сегодняшний день единственного скоростного коридора в Центральной Азии, на котором эксплуатируются четыре электропоезда Talgo 250.

При выборе подвижного состава для маршрутов дальнего следования в первую очередь учитываются следующие критерии: особенности железнодорожной инфраструктуры на участке эксплуатации и технические параметры поезда, который должен максимально отвечать данным требованиям. В прошлом строительство многих железнодорожных линий велось без учета единых стандартов проектирования, в результате чего сегодня нередко встречаются дороги с неодинаковыми характеристиками, затрудняющими движение транспортных средств: различное напряжение в

системе тягового электроснабжения смежных участков пути, несовместимые системы путевой сигнализации и разрывы железнодорожной колеи. Подвижной состав Talgo 250 - универсальное решение, способное обеспечить транспортную интероперабельность на таких железных дорогах.

Возможность адаптации к основным видам системам электрификации железных дорог: 25 kVac или 15 kVac и 3000 Vdc, 1500 Vdc и 700 Vdc.

Возможность установки всех видов систем автоматики (средств сигнализации, централизации и блокировки), существующих в настоящее время на рынке: ERTMS (уровни 1 и 2), LZB, EBCAB и т.д.

Обеспечение безостановочного перехода подвижного состава на колею другой ширины, позволяющее организовать движение на международных маршрутах без пересадки пассажиров и без дополнительных инвестиций в инфраструктуру.

Универсальность подвижного состава Talgo 250 заключается не только в его способности преодолевать различные технологические барьеры: данный электропоезд изначально проектировался как многофункциональное скоростное транспортное средство, способное обеспечить железнодорожному оператору максимально эффективное и одновременно экономное использование вагонного парка на каждом участке эксплуатации.

Скорость до 250 км/ч на скоростных магистралях и быстрый разгон за счет небольшого веса, позволяющие эксплуатировать данный поезд вместе с высокоскоростным транспортом.

Скорость до 220 км/ч на стандартных нескоростных ветках и обеспечение скоростного движения при минимальных вложениях в улучшение железнодорожного полотна.

Система "маятникового" наклона кузова, позволяющая повысить на 20% скорость прохождения подвижным составом закруглений пути, в особенности на перегонах с большим количеством кривых.

Легкая конструкция, улучшенная аэродинамика и уменьшение количества вагонных осей почти в два раза по сравнению со стандартными поездами обеспечивают значительное сокращение энергопотребления на тягу и расходы на обслуживание подвижного состава и пути.

Список использованной литературы

1. Анализ состояния безопасности движения поездов за 2013 год по Государственно - акционерной железнодорожной компании «Узбекистон темир йуллари». Ташкент 2013г.

2. Ульджабаев К.У., Ярашова В.К. Развитие скоростного движения на железных дорогах Узбекистана. Ташкент, Extremum Press, 2010.

3. Переселенков Г.С. Рациональная этапность организации высокоскоростного движения на железных дорогах России. II Транспортное строительство, 2007, № 10. с.1-4.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ОҚИМИНИ АНИҚЛАШНИНГ АВТОМОТЛАШТИРИЛГАН ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЙЎЛЛАРИ

Махамаджонов И.М. (магистрант)

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий салоҳияти ўсиб бориши билан автомобил транспорти ва коммуникациялари ҳам ривожланиб бормоқда. Тармоқнинг ривожланиши ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида маълум муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш мақсадида 2018 йил 19 май санасида ВМнинг 377-сонли “Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари”¹ тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорнинг ижроси ўлароқ, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда интеллектуал транспорт тизимидан кенгроқ фойдаланилиши соҳада маълум самара бермоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг интеллектуал транспорт тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўл ҳаракатини автоматлаштирилган тарзда тартибга солиш, видеокузатув ва йўл ҳаракати қоидалари бузилишини қайд этиш тизимлари бажаради, ҳамда қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади: автомобил йўллари ва чорраҳаларида ўрнатилган светофор объектларини модернизация қилиш; автомобиль йўлларида йўл белгиларини ўрнатиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, йўналиш мўлжалли тизимини ишлаб чиқиш; автомобил йўлларида барьерларни қуриш; йўл ҳаракат хавфсизлиги ҳолати тўғрисида ахборот йиғиш тизимини такомиллаштириш ва йиғилган ахборотларни таҳлил қилиш марказини модернизация қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг йирик шаҳарларида интеллектуал транспорт тизимидан фойдаланиш йўл ҳаракат хавфсизлигини ошириш имконини беради, айнан:

1. Йўл ҳаракатини бошқариш марказини шакллантириш ва ишга тушириш йўл ҳаракатининг юқори транспорт оқими ва зичлиги шароитида тўхтамасдан ҳаракатланиш учун шароит яратиш.

2. Жамоат ва махсус транспорт воситаларининг имтиёзли ҳаракатини таъминлаш.

3. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш тизимини шакллантириш, уларнинг оқибатини енгиллаштириш GPS “ГЛОНАСС” тизимидан фойдаланган ҳолда замонавий технологиялардан фойдаланиш.

4. Йўл ҳаракатининг тезлик режими ва унинг иштирокчиларининг ўзини тутишини масофавий автоматлаштирилган назорати тизимини

¹ 2018 йил 19 май санасида ВМнинг 377-сонли “Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари”¹ тўғрисидаги қарори

аппарат-дастурли комплексини максимал жорий этиш.

5.Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатини бартараф этиш мақсадида хизматларга самарали ахборот тизимини кенг жорий этиш.

Мазкур тадбирлар йирик Европа ва яқин хорижий давлатларда жорий этилган ва йўл транспорт ҳодисаларининг 25%га камайишига эришилади[2].

Йўл ҳаракатини бошқариш маркази йўл ҳаракатини автоматик бошқарув ва интеллектуал транспорт тизимини бошқарув маркази ҳисобланади.

Йўл ҳаракатини автоматик бошқарув тизими объектида транспорт воситалари детекторларидан фойдаланилади: улар шзининг ыулайлиги, фойдаланиш осонлиги ва арзонроы эканлиги билан ажралиб туради.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва транспорт оқимини бошқариш мақсадида биринчи ва иккинчи даражада қуйидаги датчик ва бажарувчи элементлар бўлиши керак (1-расм)

Датчик ва бажарувчи элементлар номи	тасвирлари
Транспорт оқими детекторлари	
Автоматик йўл метеостанцияси	
Информация таблоси	
Ўзгарувчан информациялар	
Бурилувчан телекамералар	
Қўзғалмайдиган телекамералар	
Чақирув тугмаси	
Йўл светофор назорати	
Тезлик режимини детекциялаш режими	

1-расм. Датчик ва бажарувчи элементлар

Иккинчи даражада маълумотлар қайта ишланади ва ҳудудий бошқарув амалга ошади. Бу асосан ҳисоблаш техникаси ёрдамида амалга ошади. Иккинчи ва учинчи бошқарув поғонасида аниқ жараёнлар амалга ошириш бошланади. Бунда аниқ ҳисоб-китоб ишлари бажарилиши лозим. Бу ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун аниқ дастурлар талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини

2. Аземша С.Н., А.Н. Старовойтов. Применение научных методов в повышении безопасности дорожного движения. Гомель, 2017

АВТОБУС ҲАЙДОВЧИЛАРИ МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Назаров Н.И. (магистрант)

Автомобилларда ташувчиларга йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳукуматимиз томонидан қатор талаблар қўйилган. Йўловчилар хавфсизлигини таъминлашда асосий жавобгарлик ҳайдовчилар зиммасида бўлади. 2019 йилнинг биринчи ярмида 2406та ЙТҲ содир бўлган, ушбу ҳодисаларда **777 киши вафот этган, 1787 нафар киши турли даражадаги тан жароҳатлари олган.** 777 нафар инсон ўлимига сабаб бўлган ЙТҲларнинг асосий сабабчиси сифатида эса ҳайдовчиларнинг ўзи (87% ҳолатда улар томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилиши туфайли) қайд этилган. ЙТҲларда ҳайдовчилар айби билан содир бўлаётганлиги сабабини ўрганиб чиқиш зарур [2].

ЙТҲлар содир бўлиши омилларига чарчоқ ва ҳорғинлик туфайли ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши ҳам сабаб бўлмоқда. Аслида, 2015 йил 24 декабрда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 12-бандига кўра, **ҳайдовчилар йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражада чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида транспорт воситасини бошқариши тақиқланади.** Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси маълумотига кўра, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражада чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида транспорт воситаси бошқарилиши «Йўл ҳаракати қоидалари»ни бузиш ҳисобланади ва бунинг оқибатида ЙТҲ содир бўлганда тегишли тартибда суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилиб, натижалари бўйича **ҳайдовчи маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.** 2019 йилнинг 1 сентябрдан 12 соатлик мажбурий дам олиш вақти белгиланган. Гарчи жавобгарлик белгиланган бўлса-да, кўпроқ пул топиш учун дам олмасдан узоқ масофага узлуксиз қатновчи ҳайдовчиларни кўпчилик кузатган бўлса керак. Бу каби муаммоларнинг босқичма-босқич олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 22 майда «Йўловчиларни автобусда ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида айрим муҳим қоидаларни белгилаб берди.

Унга кўра, 2019 йил 1 сентябрдан вилоятлараро, шаҳарлараро, халқаро ва туристик йўналишлар бўйича автобусларда йўловчиларни ташишга лицензия битимларида лицензиатнинг автобусларни ҳайдовчининг толиққанлигини назорат қилиш қурилмалари билан таъминлаш мажбуриятини назарда тутиш, шунингдек, сменалар ўртасидаги дам олиш 12 соатдан камни ташкил этган автобуслар ҳайдовчиларининг сафарга чиқишига йўл қўйилмаслиги бўйича вазифа юклатилган. Бундан ташқари, Транспорт вазирлиги матбуот хизматининг маълумот беришича, иш тартиби бўйича йўловчи ташиш учун мўлжалланган йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчилари йўналишда ишлаётганда тегишли лицензия карточкасига ҳамда йўлга чиқишдан олдин автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўрикдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказилгани тўғрисида белгилар қўйилган йўл варақасигаэга бўлиши керак.

Ушбу мавзу юзасидан бевосита Тошкент автовокзали ёнидаги транспорт тураргоҳида бир гуруҳ ҳайдовчиларнинг фикрлари ўрганилди. Уларга «Сизнингча, айнан қайси ҳолат ҳайдовчини рулда уйқусирашга мажбур қилади?», «Аслида, нормал ҳолатда одам неча соат автомобилда йўл боса олади?» каби саволлар ўрганилди. Жавоблар эса қуйидагича гуруҳланди:

-Бир мартада чарчамасдан узоғи билан 5 соат ёки ундан сал кўпроқ вақт транспортни бошқариш мумкин;

-Айрим ҳайдовчилар ўртача 8 соат чарчамасдан машина ҳайдаш мумкин деган жавобни берди. Лекин улар ўзлари тан олишича, агар йўловчи топилиб қоладиган бўлса, яна 5-6 соатлик масофага дам олмасдан йўлга чиқишлари мумкин. Фақат оралиқ муддат – транспорт тўхташ жойидаги 2 ёки ундан кўпроқ соатли навбат кутиш жараёнида мизғиб олиш имкони мавжуд;

-6 соатгача уйқусирамасдан йўл босиш мумкин. Ундан уёғига ҳар қанақа тетик одам ҳам транспортни бошқаришга қийналади. Шунинг учун ҳам ЙТХлар содир бўлиши кўпаймоқда;

-айрим ҳайдовчиларнинг фикрича, одам қанча ёш бўлса, шунча автомобилни тетик ҳайдаш имкони бор. Масалан, соғлом ва бақувват организм 10 соат, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт рулни бошқариши мумкин.

Қайд этиш жоизки, доимий тиббий кўрикдан ўтиб, йўлланма билан рулга ўтирадиган ҳайдовчилар қаторида лицензиясизлари ҳам учрайди. Уларнинг тиббий ҳолатига эътибор бериш ва ҳатто йўлланмани сўраш ҳам йўловчининг ўзига ҳам боғлиқ бўлиб қолади. Чунки огоҳлик билан уйқу ғафлатида содир бўлиши мумкин бўлган ЙТХлардан қанчасининг олдини олиши мумкин. Демак, йўловчилар, ҳайдовчиларнинг тиббий, жисмоний ва руҳий ҳолатига қараб, хизматга руҳсат берилиши ва назорат қилиб борилиши лозим. Транспорт вазирлиги матбуот хизматининг маълумот беришича, иш тартиби бўйича йўловчи ташиш учун мўлжалланган йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчилари йўналишда ишлаётганда тегишли лицензия карточкасига ҳамда йўлга чиқишдан олдин автотранспорт

воситасининг белгиланган тартибда техник кўриқдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўриқдан ўтказилгани тўғрисида белгилар қўйилган йўл варақасига эга бўлиши керак. Йўл варақасининг назорати Транспорт вазирлиги ҳудудий бошқармаларининг Автомобилда ташувлар хавфсизлиги юзасидан назорат қилиш бўлимлари инспекторлари томонидан текширилади.

Адабиётлар:

1. Аземша С.А., Карасевич С.Н. Служба безопасности движения автомобильного перевозчика. омель. БелГУТ. 2016, -150с
2. «Тошшахартрансхизмат» АЖ ЙТХ ва ЙХҚ бузилиши бўйича сатистика маълумотлари.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ДАСТУРЛАР

Отажонов И.Х. (магистрант)

Илмий раҳбар: доц. Усманова М.Н.

Статистик маълумотларга кўра 2017 йилда 2473 киши ЙТХ оқибатида ҳаётдан кўз юмган бўлса, 9697 киши турли даражада жароҳат олган.

2018 йилда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 2262 киши (8,5%га камайган), 8458 киши (12,2%га камайган) [3].

Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, ЙТХ оқибатидаги ижтимоий кўрсаткичлар йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс тадбирларни амалиётга жорий қилиш натижасида сезиларли камайтиришга эришилган. Бу, абатта, йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишнинг фаол масалаларини ечишда илмий ёндошилганлигининг натижасидир.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида олиб борилаётган ишларни Транспорт вазирлиги тизимидаги кўмита, агентлик, Йўл ҳаракати бош бошқармаси, ҳайдовчиларни тайёрловчи муассасалар, суғурта компаниялари фаолиятида ўрганиб чиқилган ва соҳа муаммолари ўрганилиб, 1-жадвалда келтирилганидек шакллантирилади.

1-жадвал.

Соҳа ташкилотларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича долзарб муаммолар

№	Муаммо	Муаммонинг сабаблари	Муаммонинг ечимлари ва натижаси
1	Болалар иштирокидаги	Болалар ўртасида	Ўқувчиларга мактабларда йўл ҳаракати тўғрисидаги дарслар,

	Йўл-транспорт ходисалари(2018й.нинг 9ойида содир бўлган ДТПнинг 968таси болалар иштирокида)	профилактика ишларининг камлиги	болалар иштирокидаги ЙТХ ни чуқур таҳлили асосида профилактика тадбирларини ишлаб чиқиш
2	Ўзбекистон Республикасида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда илмий фаолиятнинг пастлиги	Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида илмий-тадқиқ қот ишларининг сустлиги	ЙҚХББхузурида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муаммолар ўрганилади ва тадбирлар ишлаб чиқилади
3	Йўл транспорт ҳаракатини бошқаришни мувофиқлашмаганлиги	Йўл транспорт ҳаракати иштирокчиларини турли ташкилотлар томонидан бошқарилиши	ЙҚХББ, Ўзбекистон Транспорт вазирлиги,ҳайдовчиларни тайёрловчи муассасалар,суғурта ташкилотлари,тиббиёт муассасалари ҳаракат хавфсизлиги муаммосини марказлаштириб ҳал қилинади
4	Жисмоний ҳайдовчиларнинг малакаларини оширишнинг йўлга қўйилмаганлиги	ЙҚҚ ва соҳадаги ўзгаришларни ихтиёрий ўрганишлари	Жисмоний ҳайдовчиларнинг малакаларини ошириш, тиббий кўрикдан ўтказишнинг қонуний механизмларини ишлаб чиқиш керак
5	Ҳайдовчиларнинг маданиятининг пастлиги	Ҳайдовчиларни тайёрловчи автомактабларда алоҳида дарснинг йўқлиги	Ҳайдовчиларни тайёрловчи автомактабларда ҳайдовчи этикети тўғрисидаги алоҳида дарсни киритиш лозим
6	Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг инновацион усулларида фойдаланиш-нинг такомиллашмаганлиги	Йўл транспорт ҳаракатининг ўзгариши	Соҳа бўйича илғор хорижий тажрибасини мунтазам ўрганиб бориш ва уни тадбиқ этиш юзасидан асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиш
7	Ҳаракат хавфсизлигини	Оммавий ахборот	Шаҳар кўчалари ва барча тоифадага автомобиль йўлларида

	таъминлашнинг профилактикасини янада такомиллаштириш муаммоси	воситалри ва шаҳарсозлик ташкилотлари билан ҳамкорлик	ЙХҚ га риоя қилишга ундовчи ахборот ва баннерларни ўрнатиш ва мунтазам ОАВ томонидан соҳадаги ўзгариш ва янгиликлар тўғрисида маълумотларни кўпайтириш
--	---	---	--

Шу муносабат билан 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясини (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) ҳаётга татбиқ этиш орқали йўл ҳаракатини ташкил қилиш ва таъминлаш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш вазифасига мутлақо янгича ёндашувларни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ушбу Концепция қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган:

-йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, шу жумладан Йўл ҳаракати қоидаларини кўпол бузганлик учун жавобгарлик чораларини янада кучайтириш;

-йўл инфратузилмасини комплекс такомиллаштириш, йўллар сифатини яхшилаш, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шароитлар яратиш;

-йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқий маданияти, зарур билимлари ва малакасини ошириш, интизомини мустаҳкамлашни ўз ичига олади. [2].

2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш Концепцияси соҳада илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар томонидан аниқлаган муаммоларининг ечимини амалга ошириш мамлакатимиз ҳудудида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштиради

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 июль 2017 йил 3127-сонли “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2. 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш Концепцияси.

3. www.yhxbb.uz

ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ХОДИСАЛАРИДА ИНСОН ОМИЛИНИНГ АҲАМИЯТИ

Рўзиев А. Б. (ИИВ Академияси курсанти)

Илмий раҳбар: ўқитувчи Полатов Б. Б.

Ўзбекистон Республикасида йўл транспорт ҳодисалари натижасида жароҳатланганлик кўрсаткичининг юқорлигига асосий сабабларидан бири бу инсон омили ҳисобланиб бунга қуйидагилар киради: ҳайдовчининг йўлда ўзини тутиши, ҳаракат қатнашчиларининг етарли даражада малака кўникмаларга эга эмаслиги, ҳаракат вақтида таваккалчиликларга йўл

қўйиши, транспорт воситасини маст холда бошқариши ва пиёдаларнинг йўлларда маст холда ҳаракатланиши, шунингдек ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслиги, айрим холларда ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўлларда ҳаракатланганда соғлигининг ёмонлашуви.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан берилган маълумотларни таҳлил қилсак, йўл транспорт ходисаларининг асосий сабабчиси бу ҳайдовчилар эканлигини кўришимиз мумкин. Бунга мисол қилиб 2019 йилги статистик маълумотларга кўра 8588 содир этилган йўл транспорт ходисаларидан 7643 холатда ҳайдовчилар айби билан ва 845 холатда пиёдаларнинг айби билан содир бўлганини кўришимиз мумкин. Бу миқдорий кўрсаткичларни фоиз кўринишида кўриб чиқсак умумий йўл транспорт ходисаларининг 88,9 % ҳайдовчиларинг ва 9,8 % пиёдаларнинг айби туфайли содир бўлган. Бу кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда асосий этиборни ҳайдовчиларнинг йўлда ўзларини тутишига қаратишимиз керак экан.(1)

Йўл транспорт ходисаларининг кўп қисмини енгил автомобилларнинг ҳайдовчиси содир этганини кўришимиз мумкин. 2019 йилда содир этилган йўл транспорт ходисаларининг ҳайдовчилар томонидан содир этилган холатларнинг 82 % да енгил автомобиль ҳайдовчилари сабабчи бўлган.

Йўл транспорт ходисасига учраган ҳайдовчиларнинг доимий қоидабузарликларидан бири бу ўрнатилган тезлик чекловидан юқори тезликда ҳаракатланиш бўлиб, бу Республикамиздаги ҳайдовчиларнинг одатга айланган қоидабузарлиги ҳисобланади. Бу холатни сон кўрсаткичларида кўриб чиқадиган бўлсак 2020 йилнинг январ ойида содир бўлган 373 та йўл транспорт ходисаларининг 48 холатида ҳайдовчилар ўрнатилган тезлик чекловидан юқори тезликда ҳаракатланган ва йўл транспорт ходисасига сабабчи бўлган.

Кўпгина Европа давлатларида аҳоли яшаш пунктларида рухсат этилган ҳаракатланиш тезлиги 50 км/соат ни ва тузар жой даҳаларида эса 20 км/соат ни ташкил қилса, бу кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикасида 20 ва 10 км/соат га кўплиги ҳам юқоридаги миқдорий кўрсаткичларни кўпайишига асосий сабабчи ҳисобланади. (2)

Ўзбекистон Республикасида бошқа Республикаларда каби транспорт воситасини бошқаришга рухсат берувчи ҳужжатларни олишда қонун билан белгилаб қўйилган, маълум бир талаблар белгилаб қўйилган. Хусусан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилаб қўйилган холатлар борки бу холатларда инсонлар томонидан транспорт воситасини бошқариш тақиқланади. Ўзбекистон Республикасида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш вақтида тиббий кўрикдан ўтади ва унинг кўриш ва эшитиш қобилияти, таянч-ҳаракат тизимининг холати баҳоланади. Бундан ташқари ёш чегараси ҳам ўрнатилган бўлиб, унга кўра енгил автомобилларни бошқариш учун фуқаро 18 ёшга, мотоциклни бошқариш учун 16 ёшга ва мопедларни бошқаришга 14 ёшга тўлган бўлиши керак, шу ўринда охириги икки кўрсаткич ривожланган давлатларга қараганда маълум миқдорда камроқ ҳисобланади. Тахминан

Ўзбекистон Республикасида содир этиладиган йўл транспорт ходисаларининг 10 % ни айнан амалий кўникмаси 3 йилдан кам бўлган ҳайдовчилар эгаллайди, транспорт воситасини бошқариш махоратининг яхшиланиши билан бу турдаги ҳайдовчиларнинг йўл транспорт ходисаларига учраш эҳтимоллиги камайиб боради. (3)



Ўзбекистон Республикасида содир этиладиган йўл транспорт ходисалари натижасида халок бўлган ҳолатларда асосий сабчилардан бири бу маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш ҳисобланади. Албатта бу сабаб нафақат бизнинг республикамизда балки бутун дунёда ҳам асосий сабаб ҳисобланиб келмоқда. Аввалдан буён бу ҳолатни жиловлашга қаратилган ишлар олиб борилган. Бунга мисол қилиб Буюк Британияда 1872 йилда қонунчиликда бундай ҳолатга чекловлар ўрнатилган. 1920 йилда Швецияда, 1926 йилда Финляндия ва Норвегияда бундай ҳолатларга чекловлар ва жарималар белгиланган. 2000 йилга келиб барча давлатларда қондаги алкоголь миқдори 0,08 г/л дан ошмаслиги бўйича қонуний чекловлар ўрнатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азизов Қ.Х. “Основы безопасности движения смещанных автомобильно-тракторных потоков” – Т.: «Фан», 2008. – 185 с.
2. Бабков В.Ф. “Дорожные условия и безопасность движения” Учебник для вузов. – М.: Транспорт, 1993–271 с.
3. <https://data.gov.uz> - интернет сайти.

ШАҲАР ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ҳакимов И. Ф. (ИИБ Академияси курсанти)

Илмий раҳбар: ўқитувчи Полатов Б. Б.

Ҳозирги кунда автомобилларнинг одам жон бошига нисбатан сони жадаллик билан ошиб бормоқда, юк ташиш ҳажми ҳам кўпаймоқда, бу эса ўз

Ўрнида транспорт воситаларининг интенсивлигини ошириб турли хил муаммоларга олиб келади. Бунга тирбандликларнинг вужудга келиши, транспорт воситаларининг алоқа тезлигини пасайишига, ўзини оқламайдиган ёқилғи мойлаш махсулотларнинг сабабсиз ишлатилишига ва бошқа ҳолатларга, аммо булардан ҳам ахамиятлуроғи бутун дунё бўйича йўл транспорт ходисалари натижасида инсонларнинг ҳалок бўлиши ва турли хилдаги жароҳатларни олишига олиб келмоқда. Шаҳарнинг катта бўлмаган қисмини эгаллайдиган чорраҳаларда ва йўл кесишмаларида йўл транспорт ходисаларининг 25 % ни содир бўлди.

Шаҳар йўл тизими алоҳида йўлларнинг ва магистралларнинг кесишмаларидан иборат. Деярли барча ҳолатларда бу кесишмалар бир сатҳда жойлашган. Бундай ҳолатларда кесишма жойлардаги транспорт воситаларнинг ва пиёдаларнинг зиддиятли нуқталарнинг ахамиятга эга. Транспорт воситаларнинг ва пиёдаларнинг зиддиятли нуқталари қанчалик кўпайса йўл транспорт ходисаларининг содир бўлиш эҳтимоллиги шунчага ошади. (1)

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги” тизимининг барча таркибий қисмларидаги йўл транспорт ходисаларига таъсир этувчи омиллар ва йўл транспорт ходисаларининг сабабларини таҳлил қилиш учун йўл транспорт ходисаларининг сифат жиҳатидан таҳлили керак.

Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги ҳозир замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, фақатгина иккинчи даражали йўллар билан кесишув жойларида ва ҳаракат интенсивлиги паст бўлган кесишмалардагина тартибга солинмаслик ҳолатларига йўл қўйилади. Бу кесишма ва чорраҳалардан хавфсиз ва тез ҳаракатланиш имконияти ён томондан йўлнинг яхши кўринишига боғлиқ бўлиб, ён томонларда яқинлашиб келаётган транспорт воситасини ёки тротуардан тўсатдан югуриб чиқаётган пиёдали ҳайдовчи томонидан ўз вақтида кўра олиши ва шунга кўра ҳаракатланиш имконини беради. Ён томондан яхши кўриниш масофаси 20 метрдан кам бўлган чорраҳалар ва йўл кесишмаларида эҳтиёткорликни ошириш керак бўлади, чунки бундай жойларда ҳайдовчилар ҳаракатланиш тезлигини 30км/соат дан камайтирмайди. Бундай чорраҳалар ва йўл кесишмалари биринчи навбатда имтиёз белгилари билан жихозланиши лозим. (2)

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан берилган маълумотларга қаралса 2020 йилнинг дастлабки икки ойи давомида 802 та йўл транспорт ходисалари содир бўлдиб ундан 255 ҳолатда ҳаракат иштирокчиларидан биронтаси ҳалок бўлган бўлса, 724 нафар инсонлар турли даражадаги тан жароҳатларини олишган. Аввлги йилларни солиштирсак 2018 йилга қараганда 2019 йилда йўл транспорт ходисалари 4,5 % га камайган бўлсада йўл шароитининг ёмонлиги ёки транспорт воситаларининг техник носозлиги туфайли содир бўлган йўл транспорт ходисаларининг умумий ҳолатга қараганда улуши сақланиб қолмоқда.

Йўл-транспорт ходисаларининг содир бўлиш статистикасини таҳлил қиладиган бўлсак, унга кўра жума (227 ҳолат) ва шанба (218 ҳолат) кунларида кўпроқ содир бўлган бўлса, куннинг энг зиддиятли вақти бу

17⁰⁰-21⁰⁰ оралиқ вақтлари эканлигини кўришимиз мумкин. Бу вақтда йўл-транспорт ходисалари содир бўлиш эҳтимоллиги ошиб боради.

Йўл транспорт ходисаларининг асосий сабаблари бу: белгиланмаган жойдан пиёдаларнинг қатнов қисмини кесиб ўтиши (212 ҳолат), об-ҳаво шароитининг ёмонлиги туфайли (42 ҳолат), ўрнатилган юқори тезлик чекловига акмал қилмаслиги (105 ҳолат), ҳайдовчи томонидан пиёдани кўрмай қолган ҳолатлар (102 ҳолат), қувиб ўтиш қоидаларини бузганлиги туфайли (70 ҳолат), ҳайдовчининг рулда ухлаб қолганлиги туфайли.



Расм 1. 89 % ҳайдовчилар айби туфайли, 10 % пиёдалар айби туфайли ва 1 % йўл ва муҳит сабабли.

Январь-февраль ойларида об-ҳаво шароитининг ёмонлашганлиги (қор, ёмғир, йўлнинг музлаши, кўриниш масофанинг камайиши) туфайли шаҳар йўл тизимининг қониқарсиз ҳолатга келиши туфайли йўл-транспорт ходисаларининг сифат жиҳатидан кўпайишига олиб келди. (3)

Юқоридаги гуруҳлардаги сабабларни учта ҳолатга бўлиш мумкин бўлиб, буларга:

- Пиёдалар билан боғлиқ ҳолатлар;
- Йўл шароити билан боғлиқ ҳолатлар;
- Ҳайдовчи билан боғлиқ ҳолатлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азизов К. Х. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари. –Т.: «Ёзувчи», 2002. 182-б.

2. Сильянов В.В. Транспортно-эксплуатационные качества автомобильных дорог и городских улиц: учебник для студ.высш.учеб. заведений. Сильянов В.В., Домке Э.Р. –М.: Академия, 2007. – 352 с.

3. Бабков В.Ф. Дорожные условия и безопасность движения: Учебник для вузов. –М.: Транспорт, 1993–271 с.

ЕТАРЛИЧА КЎРИНМАСЛИК ВА ҚОРОНҒИ ПАЙТЛАРДА ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АВТОМОБИЛНИ БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ

Ражапов Э.Б. (курсант)

Илмий раҳбар: катта ўқитувчиси Ш.Ш. Ризаев

Автомобилнинг тунда ҳаракатланиши: Қоронғу пайтларда автомобиль бошқариш жуда мураккаб бўлади. Қоронғу туша бошлаши билан йўлларда ваунда жойлашган объектларнинг кўриниши ёмонлашади. Объектлар ўз навбатида хавфсизлик нуқтаи назаридан икки турга бўлинади: хавф туғдирувчи ва хавф туғдирмайдиган, шунингдек жойлашиш нуқтаи назаридан ҳаракатланувчи ва қўзғалмас объектларга бўлиб олишимиз мумкин. Автомобиль чироклари эса чекланган масофаларни кўрсатади ва бунда чироклар ёритадиган жойда ҳаракатланиб хавф туғдирувчи объектларнинг тўсатдан пайдо бўлиши, уларни англаш кундузгига қараганда анча кўп вақт талаб қилади.

Ҳайдовчининг реакция вақти кундузгига қараганда икки баравар ошади. Тунда ва етарлича кўринмаслик шароитида объектларнинг рангини сезиш деярли мумкин эмас, улар ранги билан эмас, ёруғлиги билан бири-бирдан кескин фарққилмайди ва йўлга нисбатан жуда паст бўлади. Тунда транспорт воситасини кўриниш масофаси кундузгига қараганда икки баравар камаяди, лекин ҳайдовчига у узоқ масофада тургандек туюлади. Умуман, ҳайдовчиларда кечки ва тонгги ғира-ширалик пайтларида **кўриш алдаши**(мираж)пайдо бўлади. Оқ ва сариқ рангдан бошқа автомобиллар ранги йўл қопламаси рангига қўшилиб кетади. Автомобиль чироғи ёруғлигида нарсалар ва йўл нотекислиги нотўғри қабул қилинади. Ёритилганлик кескин ва тез-тез алмашиб туриши кўришни, **узлуксиз адаптация**(мослашишини) талаб қилади. Бу ҳайдовчи кўришини кескин пасайтиради ва чарчатади. Энг катта хавф ҳайдовчи кўзи қамашганда пайдо бўлади: кўриниш кескин пасаяди, айрим ҳолларда бутунлай йуқолади. Агар ҳайдовчи қоида талабини бажармаса, (ҳаракат бўлагини алмаштирмасдан, тезликни камайтириш ёки тўхташ) кўзи мослашгунча автомобиль ҳаракати назоратсиз қолади. Ҳатто автомобиль тезлиги 30-40 км/соат бўлганда ҳам ҳайдовчи кўриш қобилиятини тиклагунгача, у 100 метрдан кўпроқ масофани босиб ўтади. Бундай шароитда ҳайдовчи нафақат кўриш, балки автомобиль ҳаракати йуналишини ҳамтўғри танлай олмайди.

Одатда ҳайдовчи фақат руль чамбараги ҳолатини ўзгартирмасдан тутиб туради. Руль чамбараги бир хил ҳолатда турса ҳам автомобиль ҳаракат йўналишини ўзгартириб йўлдан чиқиб кетиши мумкин. Энг кўп кўзи қамашига мойил, чарчаган ҳайдовчи бўлади. Статистика шуни кўрсатадики, энг оғир йўл-транспорт ҳодисаларининг қарийб ярмиси тунда содир этилар экан. Ҳаракатланишда назоратнинг сусайиши йўл-транспорт ҳодисаларининг охишига олиб келади. Ҳаракатланиш интенсивлигининг тунда камайиши, ҳайдовчиларнинг кўпчилигида юқориқ тезлик билан

ҳаракат қилиш иштиёқини пайдо қилади ва улар ўзларини эркинрок тутишлари натижасида, назоратни бўшаштириб юборадилар. Қор, ёмғир, асосан туман кўриш масофасини анча ёмонлаштиради. Туман йўлдаги ҳайдовчига бир қанча қийинчиликлар туғдиради, масалан туман қизилдан бошқа барча рангдаги ёруғликларни ўзгартиради. Масалан, сариқ ранг туманда қизғиш, яшил эса сарғишроқ тус олади. Туман қатлами шунчалик қалин бўлиши мумкинки, хатто чироқлар ёқилганда ҳам ҳайдовчи 3-5 метрдан нарирокни кўра олмаслиги мумкин. Тунда ва етарлича кўринмаслик шароитида эса кўп вақт юқори даражада диққат ва ҳиссиётларга берилган ҳолда автомобилни бошқариши уни кундузги вақтга қараганда анча тез чарчатишига олиб келади.

Тунда ҳаракатланганда автомобиль бошқаришнинг асосий усуллари: Автомобилни тунда бошқаришга махсус тайёрланиш керак. Йўлда техникавий носозликларни тузатиш анча мураккаб бўлади. Қоронғулик оқибатида мой, совутиш сувоқликлари сизиб чиқадиган жойларни топиш анча мушкул. Шунинг учун автомобиль техник ҳолатини текширганда майда ишларни эътибордан четда қолмаслиги лозим. Қалит вомосламалар бетартиб жойлашган бўлса, уларни ишлатиш учун топиб олишга ҳайдовчи анча вақт сарфлаши мумкин. Қор, ёмғир ёғаётганда ёки совуқда ҳайдовчининг анча асабийлашишига сабаб бўлиши мумкин. Ёритиш мосламаларининг тозаллиги ва тўлиқлиги, ойна тозаллиги ва ойна ювгич ишига алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Айрим ҳайдовчилар чироқлар ёруғлик оқимини созлашга эътиборсиз бўладилар. Бу ёруғлик оқимини йўлга тўғри йўналтириш ва ҳайдовчилар кўзининг қамашишини қамайтиришга йўналтирган тадбирдир. Ҳеч бўлмаганида йилига бир марта чироқларнинг ҳолатини текшириб, созлаб туриш зарурдир. Ҳайдовчи топшириқ олганда кундузги қатновга қараганда анча чуқурроқ йўналишни ўрганиши, содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларга ўзини тайёрлаши лозим.

Қоронғу пайтларда деярлик ҳамма ҳолатларда ҳаракатланиш тезлиги кундузгига қараганда кам бўлиши керак. Тезликни шундай танлаш керакки, автомобилнинг тўхташ йўли кўриниш масофасидан кам бўлсин. Агар бундай шарт бажарилмаса йўлда учраши мумкин бўлган ҳар қандай тусиқ билан тўкнашуви реал ҳавфи пайдо бўлади.

Олдиндаги автомобилга яқинлашган сари ҳайдовчи жуда тез аниқлаши керак, у ҳаракатланаётгани ёки тўхтаб турибдими, бунга амин бўлиш учун автомобиль олд қисми сояси силжиши ёки йўл қатнов қисмида чироқлар нури тушишидан аниқлаш мумкин. Яқинни ёритувчи чироқларни ёққанда, ҳайдовчи бошқаришда ноқулайлик сезса ёки қарама-қаршидан ҳаракатланаётган ҳайдовчи шундай қилганда амалга ошириши мумкин.

Масалан, кўриниш масофаси 20 метр бўлганда ҳаракат тезлиги 10 км/соатдан ошмаслиги лозим. Ҳаракатланиш пайтида эшик ойнасини тушириб бошқа транспорт воситаларини шовқинини эшитиб туриш ҳам ҳавфсиз ҳаракатни таъминлашда яхши самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қ.Х.Азизов, Р.А.Абдурахманов “Харакат хавфсизлигини ташкил этиш асослари” фанидан таълим технологияси Тошкент, Тайи-2010 й. -134б.
2. <http://txt.uz/>–Электрон кутубхона.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫЕ СИСТЕМЫ ПРИ ОРГАНИЗАЦИИ ДВИЖЕНИЯ АВТОМОБИЛЕЙ В ДОРОЖНЫХ ТОННЕЛЕЙ

Сапарова Ш.А. (студентка)

Научные руководители: ст.пр.Кенжаева Б.О.

В Узбекистане тоннель является специальным транспортным сооружением не только с точки зрения капитальных и эксплуатационных расходов, но, главным образом, с точки зрения количества и разнообразия технологического оборудования, которое предназначено для обеспечения безопасного и плавного движения. Тоннельное сооружение можно разделить на строительную и технологическую части. С точки зрения телематики, интересными являются только технологические узлы. В них протекает процесс сбора, обработки и распределения информации. Функциональная архитектура имеет три основные части [1]. Освещение: цель освещения тоннелей – днем и ночью обеспечивать безопасность, плавность движения и приемлемые условия освещения для участников движения, близкие к условиям на открытых дорогах. Для достижения данной цели необходимо создать условия для того, чтобы:

а) водители, въезжая в тоннель, проезжая через него или выезжая из него, имели достаточную оптическую информацию о виде продолжающейся дороги перед ними, включая информацию о возможных препятствиях на дороге, а также информацию об остальных транспортных средствах и их движении;

б) чувство уверенности водителей было таким же, как и при движении на прилегающих открытых участках дороги. точки зрения регулирования освещения, тоннель разбит на 5 участков, уровень освещенности которых в соответствии с международными стандартами регулируется в зависимости от яркости внешнего пространства, измеряемой измерителями яркости [2].

Вентиляция: имеет принципиальное значение не только в стандартном режиме, когда нет никаких проблем, но и необходима в случае пожара [1]. Назначением вентиляции является:

а) обеспечение концентрации вредных веществ в воздухе в тоннеле в диапазоне предельно допустимых значений с учетом времени пребывания людей в тоннеле и с учетом санитарных требований;

б) обеспечение хорошей видимости для движения транспортных средств при загрязнении воздуха в тоннеле выхлопными газами двигателей внутреннего сгорания и пылью, учитывая допустимую максимальную скорость транспортных средств в тоннеле;

в) снижение воздействия вредного дыма и тепла при пожаре транспортного средства на людей, находящихся в тоннеле;

г) управление рассеиванием вредных веществ в воздухе, происходящих из выхлопных газов транспортных средств и выводимых в окружающее пространство, с целью снижения его экологической нагрузки.

Оборудование техники безопасности: каждый тоннель должен обеспечивать высокую степень безопасности участников дорожного движения. К типичным мероприятиям техники безопасности относятся:

а) ЕПС (электропожарная сигнализация) с помощью находящегося в тоннеле линейного извещателя пожара с интегральными адресуемыми датчиками температуры или датчиками, работающими по принципу лазера;

б) устройства SOS, с помощью которых можно вести голосовую связь или вызвать диспетчерский пункт с помощью кнопок;

в) контроль ССВТ в тоннеле и в области перед тоннелем;

г) огнетушительные и эвакуационные средства.

Устройство связи: радиопередачи могут улучшить монотонную обстановку движения в тоннеле и обеспечивают связь водителя с окружающим миром, что имеет психологический эффект, однако более существенной является передача информации в виде классического вещания или в виде сообщений RDS-TMC(канал транспортных сообщений). Основная функциональная архитектура транспортного и технического оборудования тоннеля, включая оборудование защиты и возможные связи с вышестоящими системами. Каждый из функциональных блоков образован отдельными техническими средствами – датчиками, измеряющими транспортные параметры, дорожными знаками, управляющими потоком транспорта, и т.д. Если технические средства связаны с несколькими функциональными блоками, то они включены в более высокую ступень данной системы. Тоннельная система должна быть включена в систему управления транспортом на телематическом уровне, это значит, что любая информация из тоннеля должна быть доступной в любое время и в любом месте вышестоящей системы (справедливо и обратное требование). Следовательно, система управления тоннелем является открытой системой, которая передает всю требуемую информацию вышестоящей системе и одновременно вышестоящая система воздействует на поведение транспорта в отношении тоннеля. Система управления тоннелем должна в качестве своей первоочередной задачи обеспечить бесперебойную работу транспорта в тоннеле при соблюдении данных правил техники безопасности, обеспечении требований экологии.

Использованная литература:

1. Жанказиев С.В. Интеллектуальные транспортные системы. Учебное пособие. М.: МАДИ. 2016 г. – 120с.

2. Омонов Б.Ш. Интеллектуальные транспортные системы. Конспект лекций. Т.: ТИПСЭАД, 2019 г. – 154с.

МАРКАЗИЙ НОЗИМЛИК ХИЗМАТИ ИШИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Сатторов А.А. (магистрант)
Илмий раҳбар Доц. Назаров А.А.

Марказий нозимлик хизматининг асосий вазифалари икки қисмдан иборат бўлади:

1. Ҳаракатни ташкил этиш.
2. Ҳаракатни бошқариш.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, марказий нозимлик хизмати ташкил этилганда, ҳаракат мунтазамлиги муқобиллашади, автомобилларнинг иш унумдорлиги ортар экан.

Марказий нозимлик хизмати бугунги кунда фақат энг йирик шаҳарлардан бири бўлган Тошкент шаҳрида ташкил этилган бўлиб, уни кенг қўлланилаётганининг объектив ва субъектив сабаблар билан боғлиқдир.

Объектив сабабларга кичик шаҳарларда автобус йўналиш тармоғини ривожланмаганлиги, бугунги кунда умумфойдаланишдаги транспорт воситаларини хусусий ташувчилар сиқиб чиқараётганлиги (эркин рақобат натижаси) бўлса, субъектив сабабларга маҳаллий ҳокимиятларда транспорт уюшмалари марказий нозимлик хизматини вазиятдан келиб чиққан ҳолда ташкил эта олмаётганлигидир.

Марказий нозимлик бошқаруви тизимини ташкил қилиш, уни ишчи-хизматчилар, алоқа воситалари билан таъминлаш анчагина капитал маблағларни сарф этишни тақоза этади. Шунинг учун кўпгина вилоятларда автосаройлар йўналишларида нозимлик пунктларини ташкил қилиб, автобуслар ҳаракатини марказлашмаган усулда бошқаряптилар. Бу эса автобуслар ҳаракатини назорат қилиш сифатини пасайтиради.

Марказий нозимлик тизимининг таркиби шаҳардаги автобус саройлари ва ундаги ҳаракатланувчи таркибнинг сонига, аҳоли ва ташилаётган йўловчилар ҳамда йўналишлар сонига, ҳаракат частотасидан келиб чиққан ҳолда танланади.

Марказий нозимлик хизмати ўз фаолияти даврида автобуслар ҳаракатини мунтазамлигини, автобусларни саройдан ўз вақтида ишга чиқишини, бутун иш вақти давомида автобус сифимини бир текис тўлишини таъминлаш керак бўлади.

Йўналишда ҳаракатни ташкил этиш ва бошқариш учун МНХ маълум бир техник воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Бугунги кунда “Тошшаҳартрансхизмат” Уюшмаси МНХ энг замонавий компьютерлар, алоқа воситалари ва хизмат автомабиллари билан таъминланганлар.

МНХ ҳар бир йўналиш учун қандай сифимли автобусни қўллаш, уларни сони ва ҳаракат жадвалини компьютер ёрдамида махсус машина дастурлари асосида ишлаб чиқиб ҳар бир автокорхонага тарқатадилар.

МНХга бир гуруҳ мухандислар ва техниклар йўналиш нозимларидан алоқа воситалари ёрдамида маълумотларни оладилар ва ҳаракатни бошқариш учун узлуксиз равишда фармойишлар ишлаб чиқадиладар ва уни амалга оширадилар.

Булардан кўришиб турибдики, фақат техник алоқа воситалари мавжуд бўлганидагина нозимлик хизмати юқори даражада фаолият кўрсатиши мумкин экан.

Алоқанинг техник воситаларига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- симли шаҳар телефон тармоғи;
- ички телефон тармоғи;
- индуктив алоқа воситалари (йўналишлардаги назорат пунктлари билан алоқа қилиш);
- радио телефон алоқаси;
- уяли телефон алоқаси;
- ГПС-модем орқали;
- компьютер орқали;
- саноат телевизон курилмалар.

Нозимлик хизмати компьютерлар билан таъминланганлиги йўловчиларни ташишда “Автоматлаштирилган бошқарув тизимларни”, хусусан “Вазиятга кўра бошқарув технологиясини” қўллаш имкониятини яратади. Бу эса кўп вақт сарфланишини тақозо этадиган ҳисоб ишларини компьютерларда бажариш, қабул қилинган ечимларни самарадорлигини оширишга, шахсий таркибнинг сонини камайишга олиб келади.

Нозимлик хизмати оз фаолиятида бир қанча ҳужжатларни тўлдириши ва таҳлил қилиши, олинган натижалар асосида автобусларни ҳаракатини бошқариш бўйича ечимлар қабул қилади.

Бундай ҳужжатлар ва уларни тўғри тўлдириш учун йўриқномалар ишлаб чиқилган бўлиб ҳар бир нозимликка номзод уни билиши ва аттестациядан ўтиши керак.

“Тошшаҳартрансхизмат” АЖнинг хўжалик ҳисобидаги марказий нозимлик хизмати йўналиш нозимлари учун бошқарув ҳужжатларини 1997 йилда, ўқув қўлланмасини эса уюшмаларининг транспорт хизматини бажарилишини сифатини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси 2002 йилда ишлаб чиққан ва ҳозирда уларга баъзи бир ўзгартиришлар киритилган бўлиб амалий дастур сифатида қўлланилиб келиняпти.

Адабиётлар

1. Б.А.Хўжаев-Автомобилларда юк ва пассажирларларни ташиш асослари Т.: ”Ўзбекистон”, 2002
2. И.В.Спирин. «Организация и управление пассажирских автомобильных перевозок». М.: АСАДЕМА, 2010

ПРИЧИНЫ И ПОСЛЕДСТВИЯ АВТОМОБИЛЬНЫХ ЗАТОРОВ

Норманов О.Э. (курсант Академии МВД РУз)
Научный руководитель: ст. преп. Тасходжаев С.А.

В настоящее время особое внимание акцентируется на приоритетности предупреждения дорожно-транспортных происшествий (ДТП), оказания помощи и содействия участникам дорожного движения, а также пресечения грубых правонарушений и антиобщественного поведения водителей и пешеходов на дорогах. Необходимо грамотное сочетание мер предупреждения, содействия добросовестным участникам дорожного движения и самых жестких санкций к агрессивной части водителей.

Дорожно-транспортная аварийность наносит огромный ущерб экономике стран мира, так как погибшие и раненые в ДТП – в основном люди активного дееспособного возраста от 25 до 45 лет. Жертвами дорожных происшествий все чаще становится молодежь в возрасте до 25 лет, в том числе дети и подростки. Пострадавшие в результате ДТП получают травмы, характеризующиеся особой тяжестью последствий.

Если само дорожно-транспортное происшествие рассматривать как сложное явление, то можно сделать вывод, что каждому ДТП предшествует несколько различных и совокупных причин, которые подразделяются на субъективные и объективные.

К субъективным причинам ДТП относятся:

- нарушение Правил дорожного движения;
- нарушение правил безопасности движения и эксплуатации транспортных средств.

Объективными причинами являются:

- недостатки в планировании улиц и любых других проезжих частей;
- освещенность проезжей части в темное время суток;
- состояние дорожного покрытия, различные средства регулирования и дорожные знаки, а также техническая исправность автотранспортных средств.

Субъективные причины травматизма, связанные с культурой, воспитанием, законноприменительной практикой:

- неблагоприятная атмосфера взаимоотношений на дороге, сложившаяся между участниками дорожного движения, которая проявляется в том, что водители не склонны прощать другим ошибки, помогать в затруднениях; воспринимают других участников дорожного движения как соперников в соревновании. Иногда и пешеходы, вступая на «зебру», не задумываются о том, что водитель уже очень близко от перехода и вынужден резко тормозить, чтобы пропустить пешехода;

- практическая безнаказанность за нарушение водителем правил проезда регулируемых и нерегулируемых пешеходных переходов из-за отсутствия технических средств видеофиксации нарушений проезда пешеходных

переходов и реальной загруженности сотрудников ГСБДД оформлением протоколов о произошедших ДТП;

- неправильная оценка пешеходами своей собственной видимости на дороге водителями автомобилей, невнимательность, неправильная оценка возможности автомобиля затормозить, что приводит к неожиданным выходам пешехода на проезжую часть из-за стоящих транспортных средств, сооружений, деревьев, при игре на проезжей части, что приводит к ДТП;

- недостаточность социальной рекламы и образовательных программ в игровой и развлекательной форме для детей и взрослых на центральных каналах ТВ и недостаточность наружной рекламы на улицах по проблематике безопасного передвижения по дорогам.

Понимание водителем причин и условий ДТП, их анализ, определение степени и возможности влияния на механизм ДТП имеют большое значение для профилактики ДТП при условии, однако, что их связь с происшествием является реальной.

В то же время одним из сопутствующих факторов высокой аварийности на дорогах города являются недостатки в организации дорожного движения и реализации ее с помощью технических средств (светофорные объекты, дорожные знаки и разметка).

Приоритетными мерами предупреждения дорожно-транспортных происшествий должны стать меры, направленные на устранение причин травматизма, связанных с условиями передвижения пешеходов по дорогам:

- несоответствие действующих требований по безопасности для одноуровневых пешеходных переходов современным скоростным режимам движения (особенно при отсутствии контроля за скоростью движения автомобиля) и интенсивности транспортных потоков автомобилей и пешеходов:

- использование нерегулируемых пешеходных переходов на многополосных дорогах, которые не позволяют водителям из второй и третьей полос увидеть пешехода, вступившего на «зебру»;

- отсутствие у пешеходных переходов элементов активной безопасности для принудительного снижения скорости движения автомобилей при подъезде к пешеходному переходу;

- превышение показателей интенсивности транспортных потоков для многих нерегулируемых и регулируемых наземных пешеходных переходов, что требует строительства регулируемых или подземных (надземных) пешеходных переходов;

- плохая видимость знаков «пешеходный переход» и разметки «зебра» и плохая видимость пешехода водителем в темное время суток – из-за отсутствия дополнительного освещения зоны перехода, отсутствия светоотражательных знаков на одежде пешехода, плохого обзора дороги;

- недостаточность безопасных разноуровневых пешеходных переходов и безопасных одноуровневых пешеходных переходов, что является основной причиной перехода проезжей части в неустановленном месте и перехода

проезжей части вне пешеходного перехода; отсутствие визуальной информации о месте расположения ближайшего пешеходного перехода;

– отсутствие тротуаров и пешеходных дорожек, что вынуждает пешеходов идти по проезжей части, при этом они, как правило, выбирают не более безопасную, а более удобную сторону дороги, которая может оказаться на стороне попутного движения, что часто приводит к тяжелым последствиям;

– недостаточное применение пешеходных ограждений в местах дорог, опасных для их перехода пешеходами;

– отсутствие информационных указателей для пешеходов о ближайшем пешеходном переходе.

Литература:

1. Клинковштейн Г.И., Афанасьев М.Б. Организация дорожного движения. – Москва: Транспорт, 2001. – 248 с.
2. Коноплянко В.И. Организация и безопасность дорожного движения. – Москва: Транспорт, 2007. – 384 с.

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШДА СЕРВИС СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Халилов А.Ш. (магистрант)

Катта ўқитувчи Муродов А.С.

Автовокзалларда сервис сифатини хизматлар бозорининг чуқур таҳлилга, маркетинг тамойилларига ва логистик тизимни жорий этишга таянган ҳолдагина ошириши мумкин. Сервис хизматлари сифатини таҳлил қилишда шу мақсадлар йўлида ишлатиладиган сервис хизматлари мезонларига асосланиш лозим.

Сифат тизимининг самарали фаолият кўрсатиши учун қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

- сифат тизими ходимлар томонидан яхши тушунилиши ва қабул қилиниши;

- кўрсатилаётган хизматлар истеъмолчилар эҳтиёжлари ва талабларини қондириши;

- атроф-муҳитга таъсир қилиши ва жамият эҳтиёжларига мос келиши;

- салбий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олишга имкон бериши.

Йўловчи сервис хизматлари сифатини баҳолашда айрим ҳолларда амалдаги қиймат баҳоланади ва кутилган натижа тасдиқланса, унда хизматларнинг сифатли эканлиги инобатга олинади.

Сервис сифатининг хар бир параметрларини ўлчаш учун иккита шартли қийматлар мавжуд: биринчи – йўловчиларнинг хизматлардан кутган натижаси, иккинчи – йўловчининг шу параметрга нисбатан муносабати. Бу икки параметр ўртасидаги фарқ йўловчининг сифат даражасини белгиловчи параметрдан қоникқанлик даражасини билдиради.

Йўловчи ташиш логистик тизими тузилмасига умумий ҳолда қуйидаги учта ташкил этувчи элементдан иборат, деб қараш мумкин:

- 1) транспортгача хизмат;
- 2) транспорт хизмати;
- 3) транспортдан кейинги хизмат.

Транспортгача хизмат –йўловчи оқимларини режалаштириш, йўловчиларнинг бекатга бориши ва транспорт воситасига чиқиши қулайлигини таъминлашдан иборат.

Транспорт хизмати –йўловчиларнинг жўнаш манзилидан етиб бориш манзилигача ҳаракатини маълум қулайликда амалга оширишдан ташкил топади.

Транспортдан кейинги хизмат –йўловчиларнинг жўнаш манзилидан кўзлаган мўлжалланган жойманзилигача ёки бошқа транспорт йўналишига чиқиш манзилигача етиб бориши ва унга чиқиши қулайлиги билан белгиланади.

Йўловчиларга хизмат кўрсатишдаги асосий омиллардан бири – етказиш тезлигидир. Бу кўрсаткич транспорт хизматлари сифатини ҳам белгилаб беради. У тўғридан-тўғри йўловчининг йўлдаги вақтини белгилаб беради. Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан тезлик қувиб ўтиш узунлиги билан боғлиқлиги изоҳланган. Тўхташ пунктлари ораси қанчалик узоқ бўлса, шунчалик тезлик юқори бўлади, бу эса йўловчининг йўлдаги вақтининг қисқаришини таъминлайди.

Сервиснинг муҳимлигига қарамадан шу вақтгача йўловчи ташишда унинг сифатини самарали баҳолаш услублари йўқ, Бу сервиснинг бир қанча хусусиятларига боғлиқ. Демак, йўловчиларга сервис хизматларни яхшилашда ва рақобатбардошлик даражасини оширишда логистик услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидагиларга риоя қилиш лозимлиги тавсия этилади: техник хизмат кўрсатиш; тозалик ва тартибни сақлаш; тармоқли режалаштириш; персонал потенциалидан фойдаланиш; мижозларга кўрсатиладиган хизматларнинг янги турларини жорий этиш; юқори даражали хизмат кўрсатиш; автобусларнинг ҳаракат жадвалига аниқ риоя қилиш; маркетинг ва киришимлилик; мижозлар эҳтиёжини тушуниш; ҳаражатларни қўшимча қисқартириш.

Бундан ташқари ҳозирги кунда йўловчи транспорти фаолиятини логистик тизим сифатида қараш йўловчиларга ва йўловчи транспорти фаолиятига ҳаражат ва сервис сифатининг мутаносиблигини таъминлайди.

Маълумки транспорт хизмати истеъмолчилари сервис сифатини оширишни хошлашади. Лекин сервис сифатини чексиз равишда ошириш мумкин эмас, шунинг учун фойдалироқ йўллари ва оптимал даражасини аниқлаш зарур.

Сервис сифатини ошириш йўллари аниқлаш маркетинг тадқиқотлари асосида, мавжуд ва салоҳиятли истеъмолчиларни, уларнинг ҳўжалик алоқаларини таҳлил қилиш, уларнинг муваффақиятли ва муаммли жойларини ўрганиш орқали олиб борилади.

Йўловчи ташишда транспорт хизматлари сифатини таъминлаш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириб бориш зарур:

- транспорт хизмати сифат кўрсаткичлари таркибини доимий равишда ўрганиб бориш;
- транспорт хизмати сифат кўрсаткичларини таъминлашнинг хорижий тажрибасини ўрганиш;
- хизмат сифатини оширишни босқичма-босқич амалга ошириш;
- аҳолининг хизмат истеъмоли борасидаги маданиятини ошириш тадбирларини амалга ошириш;
- йўловчилар билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва х.к.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бўтаев Ш.А., Сидикназаров Қ.М., Муродов А.С., Қўзиёв А.Ў. Логистика (етказиб бериш занжирида оқимларни бошқариш). Могография. Тошкент. 2013.
2. Гавришев С.Е. и др. Транспортная логистика. Учебное пособие. С-Пб. , 2003г.

АНАЛИЗ И ОЦЕНКА СОСТОЯНИЯ ИНТЕНСИВНОСТИ, СКОРОСТИ ДВИЖЕНИЯ И СОСТАВА ПЕШЕХОДНОГО ПОТОКА В КРУПНОМ НАСЕЛЕННОМ ПУНКТЕ (НА ПРИМЕРЕ ЗАНГИОТИНСКОГО ТУРИСТИЧЕСКОГО ЦЕНТРА)

Худойбердиев М.А. (магистрант)

Носиров Ш (ассистент)

В процессе дорожного движения, а также, в системе безопасности движения пешеход является равноправным участником. Ежегодно на дорогах мира погибают более 270 тыс. пешеходов. В глобальных масштабах на долю пешеходов приходится 22% общего числа случаев смерти в результате дорожно – транспортных происшествий (ДТП), а в ряде стран – до двух третей таких случаев. Кроме того, миллионы пешеходов получают в ДТП травмы, причем некоторые из пострадавших становятся инвалидами на всю жизнь. Эти несчастные случаи являются причиной огромных страданий и горя, а также приводят к возникновению экономических трудностей для родных и близких.

Объем пешеходного потока в обоих направлениях вдоль больших городских магистралей в часы пик может достигать до 15-20 тыс. человек.

Обеспечение безопасности пешеходного движения в крупном населенном пункте тесно связано с решением вопросов создания для него комфортных условий с необходимостью учета требований водителей.

По улично-дорожной сети крупного населенного пункта Зангиотинского туристического центра интенсивность движения транспортных средств и пешеходного движения очень высока и

беспорядочна, пешеходы осуществляют движение как хотят, не соблюдая при этом ни каких правил дорожного движения .

Проведенные экспериментальные исследования интенсивности пешеходов (14.01.2017 г., воскресенье) на вышеуказанных участках, были исследованы визуальным методом. Количество пешеходного потока, прошедшего через участок, исследовалось с интервалом 1 час (таблица №1).

Таблица с количеством пешеходного потока, прошедшего через участок, исследовалось с интервалом 1 час

Таблица №1

Время, час	1-замер, пеш/час	2-замер, пеш/час	3-замер, пеш/час
08:00-09:00	47	39	44
09:00-10:00	34	36	34
10:00-11:00	35	78	59
11:00-12:00	87	17	56
12:00-13:00	88	47	56
13:00-14:00	71	64	91
14:00-15:00	74	10	77
15:00-16:00	50	63	40
итого	436	354	417

По итогам таблицы создалась гистограмма и анализ интенсивности движения на улично-дорожной сети крупного населенного пункта Зангиатинского туристического центра (Зангиатинский мавзолей) (рисунок №1)




Рисунок №1 . Гистограмма и анализ интенсивности движения на улично-дорожной сети крупного населенного пункта Зангиатинского туристического центра (Зангиатинский мавзолей).

Проведенные экспериментальные исследования показали, что интенсивность движения пешеходов в исследуемом крупном населенном пункте зависит от многих факторов и изменяется по времени суток. У

Зангиатинского мавзолея интенсивность движения пешеходов, передвигающихся по тротуару составляет 436 - пешеходов за 8 ч, из них 277 пешеходов пользуются пешеходными переходами, 159 - пересекают проезжую часть вне установленных мест.

В Узбекистане в 2017 году в результате 13125 ДТП на автодорогах погибли 2500 человек, пострадали свыше 10000 человек. Согласно информации руководителя пресс-службы Управления по безопасности дорожного движения МВД Узбекистана, в целом за прошлый год выявлено более 4 миллионов правонарушений, из них свыше 2 миллионов - грубых.

По итогам проведенного анализа следует предложить следующие мероприятия по повышению уровня безопасности движения пешеходов в крупном населенном пункте Зангиатинского туристического центра:

-Сконструировать подъёмник для инвалидов в подземном пешеходном переходе;

-Рекомендуется нанести «трясущую полосу» непосредственно до наземного пешеходного перехода.

Следует сделать вывод, что Зангиатинский туристический центр является очагом передвижения пешеходов. Причем, состав пешеходов носит различный характер, как возрастной, так и социальный.

Список использованной литературы

1.Азизов К.Х. «Основы организации безопасности движения» Учебник для ВУЗов. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012-г, 272 стр.

2.Правила Дорожного Движения, Ташкент-2016.

ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДАГИ ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КОНТАКТ ТАРМОҒИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

**Шарифова З.Р. (магистрант)
Илмий раҳбар: проф. Бердиев У.Т.**

Темир йўл транспортини техник жихозлашда поездлар ҳаракат тезлигини ошириш, мос равишда, юк ва йўловчиларни етказиш вақтини камайтириш имконини берувчи темир йўлни электрлаштириш муҳим рол ўйнайди.

Контакт тармоғи электрлашган темир йўл мураккаб техник иншоати бўлиб, ўзгармас ва ўзгарувчан элементлардан ташкил топади. Ўзгармас элементларга таянч ва анкерлар, қаттиқ ва эгилувчан кўндаланглар, ушлаб турувчи ва рессор трослари, кучайтирувчи ва таъминловчи ўтказгичлар, ушлаб турувчи конструкциялар, компенсацияловчи қурилмалар, изоляциялар, арматура ва қурилмалар қиради [4].

Маълумки контакт тармоғи икки вазифани бажаради. Биринчидан, у тортув энергиясини тақсимлаш учун хизмат қилади, иккинчидан энергияни

сирғанувчи контакт орқали экстремал шароитда узатишни таъминлайди. Шароитнинг экстремаллиги шу билан тушунтириладики, электр машина сирғанувчи контакти ёки стационар электр қурилма контактидан фарқли равишда бу ерда контакт осмаси ва ток қабул қилгич тебранишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Контакт тармоғи иккиланган функцияси электр ва механик юкламаси интенсив бўлишига олиб келади.

Шунга қарамасдан техник ва иқтисодий нуқтаи назардан контакт тармоғи электрли тортиш тизимининг ягона захираланмайдиган бўғинидир. Контакт тармоғи ёки унинг алохида элементининг ишдан чиқиши йўлнинг ёки участканинг маълум бир қисмида поездлар ҳаракати тўхташига олиб келади.

Контакт осмаси – контакт тармоғи асосий қисмларидан бири бўлиб, ўтказгичлар тизимидан ташкил топган бўлиб унинг жойлашиши, механик уланиш усули, материали ва кесим юзаси керакли ток олиш сифатини таъминлайди. Контакт осмаси конструкцияси иқтисодий мақсадга мувофиқлиги, фойдаланиш шароити (ЭХТ ҳаракати максимал тезлиги, энг катта ток кучи) иқлимий шароитидан келиб чиқиб аниқланади [5].

ЭХТ ҳаракат тезлиги ва қуввати ўсиб боришида ишончли ток олишни таъминлаш зарурияти осма конструкцияси ўзгариш анъанасини аниқлади: олдин оддий, кейин оддий торли бирлик ва нисбатан мураккаб – рессорали бирлик, иккилик ва махсус.

Ток олиш сифати кўп ҳолларда ўтказгич ўз оғирлиги (музлаш даврида муз оғирлиги билан) ва шамол юкламаси, ҳамда пролет узунлиги ва ўтказгич таранглиги билан аниқланувчи ўтказгич салқилиги билан аниқланади. Ток олиш сифатига бурчак α (у қанча кичик бўлса, ток олиш сифати шунча ёмон) таъсир қилади, контакт босилиши сезиларли ўзгаради, таянч зонада зарб юклама пайдо бўлади, контакт ўтказгичи ток қабул қилгич ток олиш кўйилмаси (вставкаси) ўта емирилиши юз беради.

Контакт ўтказгичи ушлаб турувчи тросга тор ёрдамида осилади. Ушлаб турувчи трос ва контакт ўтказгичидан ташкил топувчи осма бирлик деб аталади, ушлаб турувчи трос ва контакт ўтказгичи орасида қўшимча ўтказгич мавжуд бўлса иккилик деб аталади. Занжирли осмада ушлаб турувч трос ва ёрдамчи ўтказгич тортиш токини узатишга хизмат қилади, шунинг учун улар контакт ўтказгичи билан электр улагичлар ёки ток ўтказувчи торлар ёрдамида уланган.

Контакт осмаси асосий механик тавсифи сифатида эгилувчанликни қабул қилинган – контакт осмаси кўтарилиш баландлигининг унга қўйилган куч ва вертикал тик йўналган куч муносабатига айтилади. Ток қабул қилиш сифати ораликдаги эгилувчанлик ўзгариш характериға боғлиқ: у қанчалик турғун бўлса, ток олиш сифати шунчалик яхши бўлади. Содда ва оддий занжирли осмаларда оралик ўртасида эгилувчанлик таянчдагидан юқори бўлади. Бирлик осма пролетида эгилувчанлик тўғрилаш учун 12-20 м узунликдаги рессор троси ўрнатилади, унда вертикал торлар ўрнатилади, бундан ташқари оддий торларни пролет ўрталарига оқилона ўрнатиш орқали амалга оширилади. Эгилувчанлик доимийлигига иккилик осма орқали олиш

мумкин, фақат у қиммат ва мураккабдир. Пролетда эгилувчанлик текис тақсимланиши юқори кўрсаткичига эришиш учун таянч узел зонасида уни ошириш турли усулларида (пружинали амортизаторлар ва эгилувчан стерженлар ўрнатиш, тросларни бураш орқали торсион самара ва бошқалар). Ихтиёрий ҳолатда османи ишлаб чиқишда уларнинг диссипатив тавсифини ҳисобга олиш лозим, яъни ташқи механик юкламалар таъсирига чидамлилигини ҳисобга олиш лозим [6].

Контакт осмаси тебранувчи тизим бўлиб, ток қабул қилгич билан ўзаро таъсирлашганда ўзининг тебраниши ва ток қабул қилгич берилган узунликдаги пролетдан ўтиш тезлигидан аниқланадиган мажбурий тебраниш частотаси мос келганда ёки бир неча марта катта келганда резонанс ҳолатда бўлиши мумкин. Резонанс ходисаси юзага келганда ток олиш сифати сезиларли камайиши мумкин. Ток олиш учун чегаравий бўлиб механик тўлқинларнинг осма ёнида тарқалиш тезлиги ҳисобланади. Ушбу тезлик ошиб кетганда ток қабул қилгич қаттиқ деформацияланмайдиган тизим билан ўзаро таъсирлашади. Ўтказкичларнинг меъёрланадиган солиштирма таранглигига кўра ушбу тезлик 320-340 км/соатни ташкил этиш лозим.

Содда ва занжирли осмалар алохида анкер участкалардан ташкил топади. Осмаларнинг анкер участкалар охирига маҳкамланиши қаттиқ ёки компенсацияланган бўлиши мумкин. Магистрал темир йўл участкаларида асосан компенсацияланган ёки ярим компенсациялаган осмалардан фойдаланилади.

Осма конструктив баландлигини – ушлаб турувчи трос ва контакт ўтказкичларни осмиш нуқтасидаги масофа – техник иқтисодий нуқтаи назардан, яъни таянч баландлиги, иншоотлар яқинлашишининг амалдаги вертикал габаритлари, изоляция масофасидан келиб чиқиб танланади, бунда атроф муҳит ҳарорати экстремал қийматида торлар минимал эгилиши таъминланиши лозим.

Темир йўлдан техник фойдаланиш қоидаларига кўра замонавий контакт осмалари конструкциялари йўловчи поездларини 140 км/соат тезлик билан ўтказишни таъминловчи ва алохида йўналишларда 160-250 км/соат гача тезликка ошириш истиқболларни ҳисобга олувчи талабга мос келиши лозим.

Охириги йилларда Ўзбекистонда электр таъминот қурилмалари, шу жумладан контакт тармоғини янгилаш дастури амалга оширилмоқда. Электр таъминот қурилмаларига замонавий техник воситалари киритиш, ишининг ишончилигини кафолатлаши ва унинг иқтисодий самарадорлиги кўзда тутилади.

Контакт тармоғини янгилашда Ўзбекистон темир йўл тармоғида ўзгарувчан ток контакт осмаси КС-160, янги турдаги таянчлар, изоляторлар, арматура ва бошқа ўта ишончли маҳсулотлар кенг қўлланилмоқда.

Контакт тармоғини қуриш ва модернизациялаш КС-160 ва КС-250 наъмунавий лойиҳалар асосида амалга оширилади. Контакт тармоғини модернизациялаш асосий фондларни янгилаш, доимий элементлар

захирасини тиклаш ва контакт осмаси техник кўрсаткичларини ошириш учун амалга оширилмоқда.

Электрлашган темир йўллар 1 тоифали истеъмолчи бўлиб, ўзига узлуксиз эътиборни талаб қилади.

Юқори тезликли темир йўл электр таъминот тизимини ташхислаш барча энерготизим, шу жумладан электр қурилмалардан фойдаланиш жараёнида ишламай қолиши олдини олиш турғунлиги ва узлуксизлигини таъминлаш учун лозим. Энерготизимнинг узлуксиз ишлаш даражаси ҳар бир элемент нуқсонсиз ишлашига боғлиқ бўлади.

Электр таъминот тизимини ташхислаш – электр таъминот тизими ҳолатини бошқариш жараёнидир.

Электр таъминот тизимини ўз вақтида ташхислаш қуйидагиларни таъминлайди: электр қурилмалар ишлаш самарадорлигини ошириш; электр таъминот тизими элементлари ишлаш муддатини ошириш; фойдаланиш харажатларини камайтириш; электр таъминот тизимида авариялар сонини камайтириш.

Электр таъминот тизимини ташхислаш зарарланган қурилма ва технологик жараёни тиклашга боғлиқ бўлган иқтисодий йўқотиш олдини олиш имконини беради, бу ўз навбатида электр таъминот ишончлигини ошириш ва электр энергияни тежаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Контактная сеть и воздушные линии. Нормативно-периодическая документация по эксплуатации контактной сети и высоковольтным линиям: Справочник. М., 2001.512 с.

2. Сафарбаков А.М., Лукьянов А.В.. Основы технической диагностики. Электроснабжение железных дорог.: - Иркутск: ИрГУПС, 2006. с 7-10.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШИШ

Эгамбердиев З.З., Отажонов И.Х. (магистрантлар)

Йўл ҳаракати-мураккаб динамик тизим бўлиб, ҳайдовчи,автомобиль, йўл ва атроф муҳитни бирлаштиради.. Шунинг учун йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТҲ) муаммосини ҳал қилаётганда тизимли ёндошишни амалга ошириш йўл ҳаракати хавфсизлиги дастурини амалга ошириш жараёнида мақсадга мувофиқдир. Йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишга тизимли ёндошишнинг асосий тамойиллари қуйидагилар:

инсон хулқини эътиборга олиш- инсон хато қилиши мумкин, буни ҳисобга олиш;

инсон танасининг кучсиз эканлигини эътиборга олиш керак – чунки инсоннинг жисмоний кучга чидай олиши чегараланган;

хавфсиз йўлларни лойиҳалаш ва қуриш – у инсон хатосини тўғирлай олиши ва ЙТҲ оқибатини камайтира олиши керак;

ҳавфсиз транспорт воситаларини ишлаб чиқиш- у ЙТХ содир бўлиши эҳтимолини ва оқибати оғирлигини камайтиради;

кенг жамоатчилик ва хусусий сектор, давлат органлари ҳамкорлиги ва мувофиқлашуви;

ҳар бир йўлдан фойдаланувчининг шахсий ҳавфсизлигини таъминлашлари шарт, шунингдек, бошқа ҳаракат иштирокчиларининг ҳам ҳавфсизлигини таъминлашлари керак.

Халқаро тажрибалар таҳлили йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишнинг қуйидаги босқичларини ажратади [2]:

1.Статистик маълумотлар ва омиллар таҳлили.Аниқ ва тўлиқ статистика маълумотлар таҳлили таққослашга, ўзгаришлар тенденциясига, ўз вақтида муаммоларни аниқлашга имкон беради.

2.Муаммони аниқлаш. Муаммо статистика маълумотларни таҳлил қилиш натижасида аниқланади.

3.Мақсаднинг қўйилиши.Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги Дастурида мақсад уч даражада шаклланган бўлиши мумкин: муддати ва даражаси аниқланмаган умумий (сиёсий) мақсадларда; муддати ва даражаси аниқ бўлган мақсадни белгилаш.

4.Қўйилган мақсадга эришиш учун тадбирлар вариантини шакллантириш.Муаммони ечишнинг муқобил вариантларини қидириш жараёни бир неча босқичлардан иборат:ЙТХ сабабчиси бўлган бевосита ва билвосита омилларни аниқлаш; бу омилларнинг ёмон таъсирини камайтириш имконини аниқлаш; омиллар таъсирини камайтиришнинг муқобил ечимини танлаш..

5.Ҳар бир муқобил вариантни иқтисодий баҳолаш.Иқтисодий баҳолаш ҳаракат ҳавфсизлиги ҳамда йўл инфратузилмасининг бошқа масалалари ўртасидаги келишиш ЙТХ муаммоларини оптимал ечимларини танлашда ва йўл ҳаракати ҳавфсизлиги ошириш ишларининг ажралмас қисмидир.

6.Муқобил ечимларни солиштириш ва келишилган ечимларни танлаш.Мазкур танлов жуда кўп муқобиллар транспорт операцияларини энг кам харажатлар ва энг юқори ҳавфсизлик билан бажаришни таъминлашнинг зурурияти билан эришилади.

7.Тадбирлар комплексини режалаштириш.Ечимнинг текис амалга оширилиши чегараланган ресурслар шароитида мантиқ ва технологияга мос равишда тадбирларни дастурлашни тақоза қилади:иш режаларини, графикларни,жадвалларни тузиб чиқиш,масъулларни аниқлаш ва бошқа ташкилий ҳаракатлар қуйидаги мақсад учун ишлаб чиқилади:

8.Дастурнинг тадбирлар комплексини амалга ошириш ишрежаси ва жадвалига мос равишда дастур таркибидаги тадбирларни бажариш, натижаларни оралиқ назорат қилиш.

9.Дастур натижаси бўйича статистикани йиғиш ва таҳлил қилиш. Дастурни амалга оширишдан олдин ва кейин параметрларни солиштириш имконини берадиган статистика маълумотлар ҳажми уларнинг шакли .

10. Дастур натижалари тўғрисида хулоса. Дастурни бажариш натижалари қуйидагича аниқланади: статистик маълумотларнинг сони ва сифати билан; омилларни аниқ ва тўғри гуруҳланиши, аналитик хулосалар сифати; муаммоларни тўғри шакллантириш; мақсад ва масалани танлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги 377-сон қарори асосида 2018-2022 йилларда Ўзбекистон йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш Концепцияси ишлаб чиқилди. Концепцияда йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш, шахс хавфсизлигини таъминлаш чоралари тизимида янада долзарб аҳамият касб этадиган йўналишлар ажратиб кўрсатилди. Мазкур йўналишлар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга замонавий ёндошишга ва халқаро амалиётга мос келади [1].

2018-2019 йилларда Концепция амалга оширилишини ҳар томонлама таҳлил қилиш, шунингдек, йўл ҳаракати соҳасида йўл-транспорт ҳодисалари ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни, йўл ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг динамикаси ва сифат параметрларини чуқур ўрганиб чиқиш яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2020-2022 йилларда вазиятни яхшилаш, амалий механизмларни, иш усуллари ва методларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги 377-сонли қарори

2. Аземша С.А., Старовойтов А.Н. Применение научных методов в повышении безопасности дорожного движения: Гомель: БелГУТ. 2017.-191 с.

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ

Эгамбердиев З.З. (магистрант)

Илмий раҳбар: доц. Усманова М.Н.

Республикада Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари, соҳа мутахассислари ва жамоатчилик томонидан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича муайян тадбирлар ўтказилиб келинмоқда [1]. Шундай бўлсада, автомобиль йўлларимизда инсонларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмиши, турли даражада жароҳат олиши ва моддий зарар келтириши билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари ҳамон содир бўлиб турибди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳолатининг натижавий кўрсаткичларидан бири – бу йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ) дир. ЙТХ лар сони ва унинг оқибатида ижтимоий ва иқтисодий йўқотишларни камайтириш уни тизимли таҳлил қилиш натижасида асосий омилларни аниқлаш.

ЙТХ қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш мақсадида таҳлил қилинади [2]:

- ҳаракат хавфсизлигига тааллуқли «Автомобил-ҳайдовчи-йўл-пиёда-муҳит» тизимига кирувчи ҳар бир факторнинг фаолиятига тегишли тадбир ва чоралар ишлаб чиқиш учун;

- бирон-бир бошқарув территориясидаги, вазирликлардаги ва уларнинг корхоналаридаги фалокатлар аҳволини, ўзгариш моҳиятини ҳамда истиқболдаги ўзгаришини башорат қилиш мақсадида;

- ЙТХнинг келиб чиқиш сабабларини ва уларни бартараф қилиш борасида тузиладиган кўрсатмаларни ишлаб чиқиш учун;

- ЙТХ кўп қайтариладиган йўл бўлақларини аниқлаш мақсадида;

- битта ёки бир нечта бир хил ЙТХнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаш учун;

- ЙТХни таҳлил қилиш учун универсал дастур тузиш мақсадида.

Тизимли таҳлил - юқори даражада тартибланган ишончли асосга эга қайсики тизим компонентларини очиш ва таҳлилқилиш, ўзаро алоқада мураккаб ҳаракатларни бошқариш имкониятарини тан олишдир. Бундай бошқариш масалалари тизимни ташкил этувчи элементларини дифференцияси ва интеграция қилишга келтириш қайси ким бошқарувчи кўйилган масала ечимини тизимли таҳлил ва синтез асосида қабул қилади. Тизимий ёндашувда тизимли таҳлил асосий усуллардан бири бўлиб етарли даражада аниқ шаклланмаган мураккаб, масалаларни ечишда юқори даражада самарадор усуллар. Тизимли таҳлил - мураккаб объектларни текшириш, конструкциялаш усули бўлиб, аввалам бор ижтимоий иқтисодий ва бошқарув тизимидаги ечимни таъкидлаш усулидир. Ижтимоий тизимда тизимий таҳлилни қўллаш энг самарали ташкилий тизимий бошқариш усули бўлиб, тизимий техника тадқиқотоперациялар натижасидир. Тизимий таҳлил абстракт (нотабий) тизимларга қўлланилади, бунда асосий роль инсон хатти - ҳаракатига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги статистик маълумотлар Республика Йўл ҳаракат хавфсизлиги хизмати бош бошқармаси томонидан олинган статистик маълумотларга асосан таҳлил қилиб чиқилади ва қуйидагича таҳлил қилинди. Жами 2014-2019 йиллар мобайнида содир этилган ЙТХ ларини умумий сонини таққосласак, бу кўрсаткичлар йилдан йилга камаяётганлиги кўришимиз мумкин.

ЙТХни таҳлил қилишда автомобиль - йўл хўжаликларида ва давлат ҳаракат хавфсизлиги хизмати тизимида кўпчилик ҳолларда амалиётда учрайдиган саволларни ечиш, содда ва тушунарли бўлиши учун жадвал, график, гистрограмма, циклограмма ёки топографик кўринишлардан фойдаланилади ва ЙТХ таҳлилинини бажаришда кўйилган бир ёки икки масалани очиш мақсади қўйилади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида маълумотлар

Йиллар	Жами		
	ЙТХ	Ҳалок бўлганлар	Жароҳат олганлар
2014	10611	2161	11228
2015	10309	2158	10835
2016	10326	2323	10428
2017	10200	2304	10298
2018	10413	2549	10233
2019	10212	2496	9845

Юқорида таъкидланган тушунча ва жадвалларга асосланган ҳолда мустақил ишларни бажариш ва топшириш жараёни орқали куйидаги ижобий натижаларга эришилади: талабалар томонидан ўтиладиган табиий фанлар бўйича муайян назарий билимларнинг пухта ўзлаштирилишига эришилади; вақтдан унумли фойдаланилади; ҳар бир талабани фаолликка ундалади; уларда эркин фикрлаш лаёқатини шакллантирилади ва шу билан бир қаторда таълим ва тарбия самарадорлигини оширишга импульс беради.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. -Тошкент: “Фан”, 2005. - 202 б.
2. Д.Рўзиева., М.Усмонбоева., 3. Холиқова. Интерфаол методлар: Моҳияти ва қўлланилиши (методик қўлланма). -Тошкент: “Фан”, 2013. – 32б.


TA'LIM TIZIMIDA TALABALAR MUSTAQIL ISHLARINI TASHKIL ETISHDA «INTERNET OF THINGS»DAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI

Shabonova D.B. (magistrant)
Ilmiy rahbar: prof. Aripov N.M.

O'zbekiston Respublikasi prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi PF-5847-son farmoniga muvofiq O'zbekiston respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasining 3-bobida «Ta'lim jarayoniga raqamli texnologiyalar va zamonaviy usullarni joriy etish» va O'zbekiston Respublikasida Kredit-modul tizimi joriy etiladigan oliy ta'lim muassasalari va Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonlarini boshqarishda axborot tizimini joriy etilishi bo'yicha ko'rsatib o'tilgan bu esa zamonaviy texnologiyalar orqali darslarni tashkil etishni talab etadi. Aynan raqamli texnologiyalar orqali mujassamlangan dars jarayonlarini tashkil etishda Iot dan foydalanish samaradorligi yuqoridir chunki Iot o'z ichiga raqamli texnologiyalarni mujassamlashiradi[1].

«Internet of Things» (IoT) – bu yagona fizik obyektlar tarmog'i bo'lib, tashqi muhit orqali o'z parametrini o'zgartirish, ya'ni ma'lumotni to'plab boshqa turdagi moslamalarga uzatish. «Internet of Things» (IoT) – moslamalar o'rtasidagi o'tkazuvchan yoki o'tkazmaydigan tarmoq bo'lib, o'z-o'zini ta'minlovchi, zamonaviy (aqlli) tarmoqni boshqaruvchi, yuqori darajali tarmoq ta'minlovchidir, «Internet of Things » konsepsiyasi hamda atamasi dastlab, Mazkur sohalarning Internet qamrovi deganda, inson ishtirokisiz buyumlarning o'zaro Internet orqali muloqot qila olishi nazarda tutilgan. Iot ni kredit ta'lim tizimida qo'llashning afzalliklari nimada, u qanday amalga oshiriladi talabalar mustaqil ishlarini tashkil etishda qanday qulayliklar taqdim etadi degan savollarga javob bersak. Biz

bilamizki o'qituvchi talab darajasida talabaga beriladiga vazifalarni tartib bilan taqdim etadi va talaba shu tartib asosida bajarishga harakat qiladi, Talaba tomonidan bajarilgan vazifa qay darajada bajarilganligiga qarab baholanadi. O'qituvchi tomonidan har bir talabani vazifasi tekshirilib boradi. Quyidagi 1-rasmda Iot ni boshqa sohalar bilan aloqadorligi ko'rsatib otilgan[2].



Rasm 1. Iot ni boshqa sohalar bilan aloqadorligi

Endi Iot ni kredit ta'lim tizimidagi o'rni qanday bu texnologiyani foydali jihati nimada ekanligini ko'rib chiqsak. Bilamizki kredit ta'lim tizimida o'qituvchi va talaba hamkorlikda ish olib borishadi ya'ni o'qituvchi tomonidan berilgan mustaqil ishlarni talaba belgilangan kriteriyalar asosida bajarishi kerak bo'ladi aynan shu jarayonlarni tashkil qilishda Iot texnologiyasini qo'llash orqali samarali natija olish mumkin. Bu samaradorlikni quyidagicha tushuntirish mumkin bo'ladi o'qituvchi va talaba o'zaro hamkorlikda ish olib borishadi bunda zamonaviy ta'limda albatta internet orqali amalga oshadi o'qituvchi va talabaga kerak bo'ladigan internet qurilmalari jumladan kompyuter, planshet, notebook, mobil aloqa va bir qancha internet tarmog'i orqali ishlaydigan qurilmalar bularning

barchasi Iot tarkibiga kiradi. Iot qo'llanilishidan maqsad iqtisodiy jihatdan arzon, vaqt tejaliishi va uydan turib vazifalar bajarilishi mumkin.

O'qituvchi vaqtini to'g'ri taqsimlash va samarali tashkil etish o'qituvchining o'z ustida ish olib borishga sharoit yaratadi. Kredit tizimida bir o'qituvchi belgilangan kriteriyalar orqali talabalar vazifasini tekshirib chiqishi uchun juda ko'p vaqt sarflaydi bu esa o'qituvchi o'z ustida ishlashiga to'sqinlik qiladi. Kredit ta'lim tizimi boshqa ta'lim tizimlardan bir necha ustunlik jihatlari mavjud lekin bir o'qituvchiga 200 ga yaqin talaba vazifasini tekshirib chiqishiga to'g'ri keladi bu esa vaqt jihatdan kamchilik borligini ko'rsatadi.



Rasm 2. Qo'shimcha dasturlangan Iot qurilmalari orqali o'qituvchi va talaba o'rtasidagi aloqa

Xulosa qiladigan bo'lsak, qo'shimcha dasturlangan Iot qurilmalar orqali o'qituvchi har bir talabaning ishini tekshirishga hojat qolmaydi bu ishni Iot bajaradi va natijani o'qituvchiga jo'natadi va natijaga qarab o'qituvchi talaba bilimni baholaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi prezidentining 2019 yil 8 oktyabrdagi PF-5847-sonli farmoni.
2. Christoph Van Der FechtMario Fraib., Internet of Things: Grundlagen und App Entwicklung fur Windows 10 IoT. // 28-iyul, 2016 entwickler.Press
3. Т.Н.Нишонбоев., Сервисга йўналтирилган архитектура.- Тошкент: Фан ва технологиялар нашриёти, 2015.-254 б

TA'LIM TIZIMIDA AXBOROTNI TAKOMILLASHTIRISH VA VIRTUALIZATSIYA TEKNOLOGIYALARI

Shabanova D.B. (magistrant)

Zaripov B.B. Muhammad al-Xorazmiy nomidagi TATU

Bugungi ta'lim jarayonida zamonaviy kompyuterlarning hisoblash kuchi shu darajaga yetdiki, agar bitta kuchli serverda biron bir guruhni yoki katta bir guruhdan tashkil topgan patokning barcha ishlaydigan kompyuterlarini deyarli uzatish imkoni bo'lsa, shu bilan ularning tarkibiga katta pul tejash mumkin bo'ladi.

Ta'lim jarayonida kompyuterlar yetishmasligi yoki ishlamasligi zamonaviy ta'lim texnologiyalari yetishmasligi albatta ta'lim sifatini tushurib yuboradi bu esa axborotlarning himoyalanganligidan dalolatdir.

Bugungi kunda oliy ta'lim dargohlarida axborot muhitini texnologik jihatdan takomillashtirish sohasida universitetlar va oliy ta'lim oldida turgan vazifalarni quyidagicha belgilashimiz mumkin:

- Yangi dasturiy ta'minot tizimlarini tezkor joylashtirish va ishga tushirish, doimiy ravishda almashtirib turish;
- Dasturiy ta'minot tizimlarining bir jismoniy tugundan boshqasiga tez ko'chishi;
- Dasturiy ta'minot tizimlarini o'lchash qobiliyati, ulardan foydalanish uchun taqdim etiladigan apparat va dasturiy resurslar sonini oshirish va o'zgartirish;
- Universitet infratuzilmasiga integratsiyalashgan holda universitet o'qituvchilari uchun individual dasturiy platformalarni (IDP) tezkor ravishda joylashtirish va ishga tushirish;
- IDPning markazlashtirilgan monitoring;
- Talabalar uchun har xil darajadagi individual eksperimental dasturiy ta'minot saytlarini tezkor joylashtirish va ishga tushirish, universitetning infratuzilmasi bilan integratsiyalashuvi, maksimal izolyatsiyadan toki to'liq amalga oshirishgacha;
- IDP holati va tarkibini markazlashtirilgan monitoring;
- Aparat va dasturiy ta'minotni sotib olish va ishga tushirish xarajatlarini minimallashtirish;
- Yuqoridagi barcha ishlarning narxini minimallashtirish[1].

Virtualizatsiya bu texnologiyalarini joriy etish vazifalar yechimini ta'minlaydigan mexanizmlardan biridir. Virtualizatsiya texnologiyalari axborot resurslarini tezda ishga tushirish, ularni miqyosi, jismoniy tugunlar o'rtasida ko'chib o'tish, atrof-muhitni izolyatsiya qilish va resurslarni birlashtirishga imkon beradi. Virtualizatsiya yordami bilan axborotlarni tezda joylashtirish mumkin Keyinchalik, ekspluatatsion va eksperimental saytlar tezda qisqartiriladi, yangi apparat resurslarini ishga tushirishga ehtiyoj qolmaydi va universitetning qolgan axborot tizimiga minimal ta'sir ko'rsatiladi[2].

Virtualizatsiya ta'rifiga bir nechta yondashuvlar mavjud. Ulardan biri virtualizatsiya deganda bir yoki bir nechta jismoniy resurslar ichidagi ko'plab jarayonlar va manbalar to'plamlarini bir-biridan mantiqiy ravishda ajratish sifatida tushuniladi. Amaliy jihatdan, bu bir vaqtning o'zida bir nechta dasturiy ta'minot tizimlarini boshqarish qobiliyatini anglatadi (masalan, barcha o'ziga xos dasturiy ta'minotga ega operatsion tizimlar), bitta apparat tizimida (masalan, jismoniy server) bir-biridan to'liq ajratilgan. Virtualizatsiya tushunchasi tor, ammo amalda ishlatiladigan zamonaviy virtualizatsiya tizimlarining aksariyati bunga mos keladi. Virtual mashina texnologiyasi dasturiy ta'minotni virtualizatsiya qilishning bir qismi sifatida apparat resurslarini taqlid qiladi yoki bir-biridan mutlaqo izolyatsiya qilingan operatsion tizimlar uchun apparat virtualizatsiyasining bir qismi sifatida apparat manbalariga kirishni ta'minlaydi. Ushbu texnologiya turli xil operatsion

tizimlarga ega bo'lgan ko'plab virtual mashinalarni bitta jismoniy tugunda mehmonlar tizimi, apparat muhiti nuqtai nazaridan boshqarishga imkon beradi.

Ushbu texnologiyaga xos bo'lgan afzalliklar orasida quyidagilarni alohida ta'kidlash kerak:

- barcha mehmon mashinalarining resurslari va jarayonlari ustidan mezbon-kompyuter ma'murini to'liq nazorat qilish;
- barcha virtualizatsiya texnologiyalari orasida maksimal ishlash;
- apparat virtualizatsiyasining mavjudligi uchun talablarning yetishmasligi va natijada, asosiy kompyuter uskunalari narxining pasayishi;
- yuqori tezlikda va mehmon mashinalarining bitta xost-mashinadan boshqasiga o'tish qulayligi;
- mehmon mashinalarini ishga tushirishning yuqori tezligi;
- Arxivlash uchun tashqi xotiraning minimal qiymati, qo'shimcha arxivlashni amalga oshirish qulayligi

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki virtualizatsiya texnologiyasi ta'lim jarayonida juda asqotadi chunki birinchi navbatda xarajatlar kamayadi, qurilmalar sifatli ish rejimda bo'ladi chunki virtualizatsiyadan asosiy maqsad fizik qurilmalardan foydalangan holda bitta fizik mashinadan bir nechta virtual mashina yaratgan holda foydalanishdir bu esa albatta o'z samarasini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Виртуализация в высокопроизводительных вычислительных системах [Электронный ресурс] // Наука и Образование: науч.-техн. изд. – Режим доступа: <http://technomag.edu.ru/doc/168323.html>. – 26.04.2014.
2. Виртуализация для хостинга: тупик или прорыв? [Электронный ресурс] // Администрирование серверов. Обслуживание компьютеров. – Режим доступа: <http://ha-systems.ru/virtualizaciya-dlja-hostinga>. – 26.04.2014.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING RIVOJLANISHGA TA'SIRI, MUAMMO VA YECHIMLAR

Ismoilov M.X.(talada)

Ilmii rahbar Yusupxodjayeva G. B.

Hozirgi davrda raqamli iqtisodiyot va u bilan bog'liq bo'lgan bir qancha samarador texnologiyalar hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda. Huddi shuning uchun ham davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida respublikamiz rahbariyati bir qancha muhim qarorlarni qabul qildi.

O'zbekiston Respublikasi prezidenti 2018 yil 28 dekabrda 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham mamlakatimizda raqamli iqtisodning rivojlanishi bo'yicha quyidagilarni aytib o'tgan edi: "Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko'zda tutadigan "Raqamli iqtisodiyot milliy kontseptsitasi"ni ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda "Raqamli O'zbekiston-2030" dasturini

hayotga tadbiq etishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga o'stirish imkonini beradi. Nufuzli halqaro tashkilotlar o'tkazgan tahlillar ham buni tasdiqlamoqda

Raqamli iqtisodiyot o'zaro bog'liq bo'lgan ishlab chiqarish va boshqaruv jarayonlarining zanjiridan iborat bo'lib, uning ajralmas elementi zanjirlararo raqamli texnologiyalar yordamida amalga oshiriladigan ma'lumot almashinishdir. Raqamli iqtisodiyotda raqamli ko'rinishdagi ma'lumotlar barcha ijtimoiy-iqtisodiy sohalardagi ishlab chiqarishning asosiy elementi hisoblanadi va bunday iqtisodiyot tizimiga bosqichma-bosqich o'tish mamlakatimizning global miqyosdagi raqobatbardoshligini oshirib, fuqarolarning hayot sifatini yanada oshiradi, yangi ish joylarini yaratadi, jadal iqtisodiy o'sishga imkon yaratadi va milliy mustaqillikni ham ta'minlab beradi. Ushbu raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish dasturi quyidagi maqsadlarini amalga oshirish uchun xizmat qilishi kerak:

- O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotning ekotizimini yaratish;
- Mamlakat raqamli iqtisodiyot tizimining institutlari va infratuzilmasini yaratish;
- Respublikaning barcha tarmoqlarini qamrab oluvchi informatsion jamiyat tashkil qilish uchun kerakli bo'lgan barcha chora-tadbirlarni amalga oshirish;
- Global miqyosda va global bozorlarga respublikamizning raqobatbardoshligini oshirish.

Endi global informatsion tizimda mavjud bo'lgan ochiq ma'lumotlar va adabiyotlardan foydalangan holda bir qancha rivojlangan mamlakatlar misolida raqamli iqtisodiyot infratuzilmasini shakllantirishning asosiy ko'rsatkichlari va uning o'ziga hos xususiyatlari bilan tanishib chiqamiz

Raqamli iqtisodiyot sharoitlarida raqobat kurashining tuzilishi va harakteri ham butkul o'zgarib ketadi. Aniq va ravshan qilib ta'kidlash mumkinki, raqamli iqtisodiyot va elektron tijoratning yangi texnologiyalari ta'sirida biznes-modellar ham o'zgarib ketadi.

Masalan, yo'lovchilar tashish bozoridagi agregator-kompaniyalar (**Gett Taxi, MY Taxi, Yandex.Taxi**) kabilar transport kompaniyalarning ish faoliyatiga ko'pgina o'zgarishlar kiritib, ularni iste'molchilarga ancha yaqinlashtirishga erishdilar. Oziq-ovqat yetkazib berish kompaniyalari ham sotuvchilarni iste'molchilarga yaqinlashtirib berdilar va raqobatli bozorda katta muvaffaqiyatlarga erishdilar. Bularning natijasida an'anaviy off-layn kompaniyalar o'z bizneslarini transformatsiya qilishga yohud onlayn ga o'tishga majbur bo'ladilar. Bu holat esa tadbirkorlarga internetda o'z bizneslarini tashkil qilishga undaydi.

Kompaniyalar kollektiv bilimlardan foydalangan holda innovatsion g'oyalarni generatsiya qilish (**mass collaboration, kraudsorsing**), mahsulot va xizmatlar ishlab chiqarish, yangi innovatsion loyihalarni moliyalashtirish (**kraudfunding**).

Hozirgi paytda jahondagi bir qancha rivojlangan mamlakatlar (AQSH, Xitoy, Yaponiya, Yevropa Ittifoqi mamlakatlari, Rossiya va boshqalar), jahon iqtisodiyotida ro'y berishi boshlangan o'zgarishlarni hisobga olgan holda, iqtisodiyotning ko'pchilik tarmoqlarini raqamlashtirish bo'yicha jadal harakatni boshlamoqdalar. Lekin, bu ma'lumotlarni nazarda tutgan holda shuni qayd etishga majburmizki, bironta, jumladan, yetakchi mamlakatlarda ham raqamli iqtisodiyot o'zi nima ekanligi va u kelajakda qanday oqibatlarga olib kelishi mumkinligi

haqida to'laqonli falsafiy tushunish yo'q. Ko'rinib turibdiki, raqamli iqtisodiyot deganda, ko'plab mamlakatlar iqtisodiy munosabatlar va boshqaruvning yangi shakllarni emas, balki, iste'molchilar bilan kommunikatsiya qilish va to'lovlarning yangi elektron raqamli shakllarini tushunadi, holos.

Raqamli iqtisodiyotning iqtisodiyotga ta'sirini ko'radigan bo'lsak:

1. Raqamli iqtisodiyot sharoitida mahsulotlarni izlash xarajatlari keskin kamayadi (chunki istalgan ma'lumotni online qabul qilish offline qabul qilishdan osonroq);
2. Raqamli iqtisodiyotdagi tovarlarning bir iste'molchi tomonidan iste'mol qilinishi boshqa mahsulotlarga bo'lgan talab va ularning sifatini pasaytirmaydi;
3. Raqamli iqtisodiyotda mahsulotlarni tashish va ular to'g'risida ma'lumotlarni tarqatish xarajatlari nolga teng;
4. Raqamli texnologiyalar yordamida iste'molchining xarakterini osonlik bilan o'rganish mumkin. Bu esa o'z o'rnida 1 ga 1 bozorlarni yaratadi;
5. Raqamli texnologiyalar mahsulot brendi va imejini yaratishni ham osonlashtiradi.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish O'zbekiston Respublikasi uchun ham uning dunyo miqyosidagi raqobatbardoshligini belgilab beradigan strategik ahamiyatga molik masalalardan biri hisoblanadi. Bu esa davlatimizga raqamli iqtisodiyotning rivojlanishini uchun shart-sharoitlar yaratish, uni eng kerakli sohalarga yo'naltirish va bu jarayonni imkoniyat darajasida rag'batlantirish zarurligi demakdir. Milliy iqtisodiyotimizning yana bir muhim ajralib turadigan jihati shundaki, YIM asosiy qismi davlat korporatsiyalari (*yoki davlat ishtiroki ulushi katta bo'lgan kompaniyalar*) tomonidan yaratiladi. Bunday sharoitlarda profilli vazirliklar yoki davlat korporatsiyalari rahbarligi ostida industrial raqamli platformalar yaratish eng oqilona qadam bo'lib hisoblanadi. Bunday platformalar raqamli iqtisodiyotning tez rivojlanishi va unga mos keluvchi texnologiyalarning keng tarqalishi uchun zarur infratuzilma bazisini yaratadi.

Fikrimizcha, raqamli iqtisodiyot platformalari tuzishda asosiy e'tiborni quyidagi yo'nalishlarga qaratish zarur: *telekommunikatsiyalar, energetika, transport, sog'likni saqlash, soliq va soliqqa tortish, dori-darmonlar logistikasi, ma'lumotlarni qayta ishlash, turizm, tashqi iqtisodiy faoliyat, ko'chmas mulk savdosi va ishlab chiqarish*. Aynan shu sohalarning rivojlanishi kerakli infratuzilma va mos texnologik bazis yaratishga imkon beradi. So'ngra ularni iqtisodiyotning boshqa sohalarga ko'chirgan holda O'zbekistonda raqamli iqtisodiyotni maksimal darajada tez shakllantirish mumkin bo'ladi. Bunday yondashuv bugungi kunda respublikamiz uchun eng maqsadga muvofiq bo'lib ko'rinadi, lekin u ham kamchiliklardan xoli emas, albatta. Ammo mos keluvchi strategiya tanlashda unga asoslanishi lozim bo'lgan raqamli iqtisodiyot konsepsiyasini shakllantirish uchun taxmin qilingan yo'l risklarini ham, raqamli iqtisodiyot risklarini ham hisobga olish lozim. Rivojlangan mamlakatlar raqamli iqtisodiyotining ko'plab dasturlari (*AQSH, Avstriya, Avstraliya, Buyuk Britaniya, Koreyava boshqalar*) asosiy e'tiborni "*raqamli tibbiyot*" va "*aqlli shahar*" ijtimoiy

yo'nalishlariga qaratgan. Bunday loyihalarni rivojlantirish yo'nalishi jiddiy iqtisodiy samaraga ega emas, ammo bu tanlov bir qator dalillar vositasida bir qadar asoslanishi mumkin:

➤ *birinchidan*, har qanday keng ko'lamli rivojlanish dasturi g'arb turidagi ochiq jamiyatda omma tomondan ma'qullanishi va qo'llab-quvvatlanishi lozim. Shu sababli, raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi ijtimoiy loyihalar belgisi ostida borgan ma'qul;

➤ *ikkinchidan*, yirik sanoatlarda raqamli texnologiyalar joriy qilish ertami kechmi, o'z-o'zidan iqtisodiy maqsadga muvofiqlik tufayli ro'y beradi. Ijtimoiy loyihalar esa davlat va halq tomonidan qo'llab-quvvatlashga ehtiyoj sezadi;

➤ *uchinchidan*, raqamli texnologiyalarni sanoatda joriy qilish (*masalan, ishlab chiqarishda buyumlar interneti, 3D-printerlarni ishlab chiqarishga keng miqyosda joriy qilish kabilar*) ancha tor doiradagi vazifalarni hal qilishi ko'zda tutilgan. "Raqamli tibbiyot" va "aqlli shahar" ijtimoiy loyihalarini amalga oshirish esa ko'proq murakkablik va xilma-xillikni talab qiladi hamda bunday loyihalar keng halq ommasi tomonidan qo'llab-quvvatlanadi.

Raqamli iqtisodiyotda YAIM ni noto'g'ri hisoblanishiga sabab bo'luvchi omillar mavjud, jumladan:

- **uy-xo'jaligi tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotlar.** Foydalanish bepul bo'lgan mahsulotlar, biroq foyda olishga imkoniyat bot (Linux, Wikipediya). Bepul bo'lganligi uchun YAIM ga qo'shilmaydi.
- **Narx va miqdorlar.** Mahsulotlar yagona (unique) bo'lgani bois, narxlarning taqqoslanishi murakkabligi.
- **Ishlab chiqarish paradoksi.** Texnologik rivojlanish va ishchi kuchining malakasi keskin sur'atda oshgan bir vaqtda, ishlab chiqarish samaradorligi bir muddat pasayadi.
- **Vositachilik xizmatlarining yangi turlari.** Ijara xizmatlarining yangi turlari (AirBnb), tashish xizmatining yangi turlari (Uberpop, TaskRabbit), tarqatish va moliyaviy xizmatlarning yangi turlari (e-Bay, P2P lending).
- **Ishlab chiqaruvchi iste'molchilar.** Iste'molchilarning o'z ehtiyojlari uchun yaratadigan mahsulot turlari.
- **Iste'molchilar investitsiyalari.** Agar biz mashina sotib olib, uni taksi sifatida ishlatib daromad ko'radigan bo'lsak, unda ushbu mashina tovarmi yoki investitsiya? Mahsulot tovarlarini investitsiya sifatida o'rganish YAIMga ta'sir qilmaydi, biroq kapital va samaradorlik ko'rsatkichlariga ta'sir qiladi.
- **Bepul iste'mol mahsulotlari.** Brend hisobiga narxi baland mahsulotlarga nisbatan joriy moliyaviy tizimning samarasizligi.

Respublikada raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning ilk pallasida, moddiy, ma'naviy, dasturiy, texnik va ijtimoiy zahiralarni cheklanganligi sababli, sa'yiharakatlarni qaysi yo'nalishga qaratish zarurligi haqida qaror qabul qilish zarur bo'lishi ehtimoli juda katta, ya'ni, oldimizda ikki yo'l turibdi: ularning biri texnologiyalarni ijtimoiy moslashtirish bilan shug'ullanish, ikkinchisi esa mahalliy texnologik asoslarni raqamli iqtisodiyot vositasida rivojlantirish yo'li. Bizning

fikrimizcha esa, raqamli iqtisodiyot va 4.0 Industriyaning O'zbekistonda korporativ miqyosdagi joriy qilinish yo'nalishlariga takliflar sifatida quyidagi sohalarni ko'rsatishimiz mumkin:

- Professional xizmatlar – *on-demand professional services* – buxgalter xizmatlari, dizaynar xizmatlari, maslahatchilar, tarjimonlar va boshqalar.
 - Online bank xizmatlari (*Banking*).
 - Blokcheyn vositasidagi soliq va soliqqa tortish xizmatlari.
 - Jamoaviy moliyalashtish – *collaborative finance* – kraudfunding (*crowdfunding*), o'zaro kreditlash (*peer-to-peer lending*).
 - Moliya bozori operatsiyalari va elektron tijorat.
 - Ko'chmas mulk savdosida tenderlar.
 - Ichki va tashqi halqaro turizm sohalari.
 - Korporativ va shaxsiy transport xizmatlari.
 - Uyda ko'rsatiladigan xizmatlar – *on-demand household services*.
 - Uy-joydan birgalikda foydalanish – (*peer-to-peer accommodation*).
 - Transportdan birgalikda foydalanish – (*peer-to-peer transportation*).
- 3D-printerlarni barcha sohalarga joriy qilish.
- Ta'lim sohasida ommaviy ochiq online xizmatarni (*MOOC – massive open online courses*) joriy qilish.

Raqamli iqtisodning yana boshqa bir xizmatlari, shu jumladan, big data, sun'iy intellect, mashina vositasida ta'lim berish, kraudsorsing, kraudfunding, blokcheyn va bulutli texnologiyalar ham kelajak iqtisodiyotida va korporativ boshqaruvda hal qiluvchi ahamiyat kasb etishini hayotning rivojlanish tendentsiyalari yaqqol ko'rsatib turibdi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki raqamli iqtisodiyot nafaqat mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishi balki, uning jahon hamjamiyatidagi o'rnini yanada mustahkamlashga olib keladi. Yurtimizda raqamli iqtisodiyotni bosqichma-bosqich ammo tez fursat ichida rivojlantirish bu aholiga, tadbirkorlar va boshqa barcha soha vakillariga qulaylik va albatta osonlik yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-yanvardagi Oliy Majlisga murojaatnomasi.
2. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: "Iqtisod Moliya" nashriyoti, 2019
3. Аюнов Р.Х., Балтабаева Г.Р. Рақамли валюталар бозори: инновациялар ва ривожланиш истикболлари. –Т: "Фан ва технология" nashriyoti, 2018
4. Ланидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. –М.: ИНФРА-М, 2017.
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>- Vikipediadagi sahifa

ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Яхшиев Ш., Тухтаев Н.(талабалар)
Илмий раҳбар Умарова Р.З.**

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг иқтисодий таҳлил ва аудитининг мазмун-моҳияти корхонанинг ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилинаётган объектнинг ўрни билан белгиланади. Бу муҳим вазифаларни бажариш учун корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилиш даркор. Қабул қилинган қарорларнинг самараси ва сифати таҳлилнинг ўз вақтида ҳамда тезкор тарзда ўтказилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ҳисоб ва иқтисодий таҳлил хўжаликни бошқаришда асосий восита бўлиши керак. Бинобарин, маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ва натижалари кундалик ҳисоб ва ҳисоботда ўз аксини топади. Демак, иқтисодий таҳлил корхоналар фаолиятини назорат қилишда, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашда, иқтисодий тежамни ўтказишда, техника тараққиётини жадаллаштиришда, илғор тажрибаларни тарқатишда, иш фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларга барҳам беришда ва ички хўжалик резервларини аниқлашда муҳим восита сифатида қўлланилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш учун асос қилиб олинган қуйидаги тамойиллар мавжуд:

1. Объектнинг ҳолатини дастлабки иқтисодий назария жиҳатидан таҳлил қилишнинг зарурлиги, ўрганиладиган ҳодисаларнинг моҳияти ва бири-бирига ўзаро боғлиқлиги.

2. Таҳлилнинг комплекс характерга эга эканлиги ҳамда ўзаро бири-бирига узвий равишда боғлиқ таҳлилий кўрсаткичлар тизимининг қўлланиши.

3. Иқтисодий маълумотларни таҳлилий жиҳатдан қайта ишлаш жараёнида ўрганиладиган ҳодисаларни гуруҳлаштириш ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни миқдор ва сифат белгиларига қараб туркумлаш.

4. Корхоналар фаолиятини таҳлил қилишда таққослаш усулининг ички хўжалик резервларини аниқлашдаги аҳамияти.

5. Таҳлил натижалари асосида илғор тажрибаларни кенг ёйиш ва оммани корхоналарни бошқаришга яна ҳам кенг жалб этиш.

6. Корхоналарни бошқаришда ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳал қилувчи ўрни, уларнинг иқтисодий таҳлилда асосий ахборот манбаи эканлиги.

Юқорида қайд этилган тамойиллар иқтисодий таҳлилнинг шаклланишига ва унинг ривожланиш жараёнига асос бўлади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан халқаро юк ташувчи миллий автотранспорт корхоналари, шу жумладан транспорт-логистик компаниялари учун 1.01.2022 йилгача қабул қилинган 3422-ПҚ “Транспорт инфратузулмасини такомиллаштириш ва юк ташиш ташқи

савдо маршрутларини 2018-2022 йилларда дивесификациялаш тўғрисида”ги Қарори ва ушбу қарор бўйича яратилган қулайлик ва имтиёзлар муҳим аҳамият касб этади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати - комплекс тушунча бўлиб, корхонанинг молиявий ресурсларини мавжудлигини, жойланишини ва улардан фойдаланишини ақс эттирувчи кўрсаткичлар тизими билан таснифланади. Корхонанинг молиявий ҳолати унинг молиявий мунособатлар тизимининг маҳсули бўлиб, барча хўжалик, ишлаб-чиқариш омиллар мажмуаси билан белгиланади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатининг таҳлили қуйидагиларни ўз ичига олади:

- хўжалик юритувчи субъектнинг умумий молиявий ҳолати ва унинг ҳисобот даврдаги ўзгаришлари;
- корхона молиявий барқарорлигини таҳлили;
- корхона фаолиятини молиявий натижаларининг таҳлили.

Корхона молиявий ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун, молиявий ҳисобот шаклларида ақс эттирилган маълумотларни батафсил таҳлил қилиш зарур.

Таҳлил жараёнида қуйидаги саволларга ечим топилиши зарур:

- солиқлар ва уларнинг ҳажмини тўғри ҳисоблаш учун солиққа тортиладиган базани тўғри шакллантириш;

- корхона ихтиёрида қолдириладиган фойда ҳажмини аниқлаш ва уни ишлатилиши.

Солиқларни тўғри аниқланганлиги текширилгандан сўнг, корхона ихтиёрида қолдирилинадиган фойда белгиланади.

Ушбу қарор асосида юк ташувчи автотранспорт корхоналари, шу жумладан транспорт-логистик компаниялари учун қуйидаги қулайликлар яратилган:

1. солиқ ва бож тўловларидан 1.01. 2022 йилга қадар озод этилиши;

2. имтиёзли кредитлар жорий этилиши;

3. халқаро юк ташувчи корхоналар учун шаҳарлараро юк ташишга рухсат берилиши.

1. Солиқлар борасида халқаро юк ташувчи миллий автотранспорт корхоналари, шу жумладан транспорт - логистик компаниялари учун 1.01.2022 йилгача 3-та солиқлар тўловидан озод этилиши: қўшимча қиймат солиғи; мулк солиғи; ер солиғи.

Бу имтиёзлар корхона ихтиёрида қолган маблағларни шахсий автотранспорт паркинни кенгайтиришга, ишлаб чиқариш қувватини модернизация қилишга, замон талабига жавоб берадиган омборхона терминалларини яратишга ва банк кредитларини қоплашга кенг имкон яратади. Солиқ имтиёзлари транспорт корхоналарини оборотдаги маблағларини камида 20% ўсишига олиб келади.

Белгиланган муддат ичида тадбиркорлик субъектлари хориждан киритилаётган транспорт - логистик хизматларини амалга ошириш учун белгиланган, Ўзбекистон худудида ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган

тартибга тасдиқланган товарлар, яъни омборхона ускуналари, ортиш-тушуриш техника, агрегатлар, эхтиёт қисмлар ва бошқа товарлар бўйича бож тўловидан озод этилади (бож расмийлаштириш йиғимларидан ташқари). Бу ҳолат корхоналарни замонавий техника ва технология билан жихозлаш жараёнини жадаллаштиради ва иқтисодиётимизни юқори сифатли маҳсулот етиштириш, натижада, жаҳон бозорига чиқиш имконини беради.

2. Юк ташиш ва омборхонага жойлаштириш ва транспорт-логистик хизматларини амалга ошириш учун мўлжалланган, ишлаб чиқарилган муддати 3 йилдан юқори бўлмаган транспорт воситаларини ва махсус техникани сотиб олиш учун банкларга имтиёзли кредитлар жорий этилиши бўйича таклифлар киритилган. Банк фоизлари Марказий банкнинг рефинансирование ставкасидан ошмаслиги кўзда тутилган. Лизинг компаниялари замонавий юк ташиш автотранспортини, миллий ва хорижий тиркаш техникасини сотиб олиш бўйича шартномаларни молиялаштириш учун Марказий банк рефинансирование ставкаси доирасида маблағлар ажратиши кўзда тутилган. Бу тадбирлар миллий автотранспорт паркинни, транспорт-логистик тизимини замонавий техника билан жихозлаш ва ЕВРО талабларига жавоб бериш имконини беради.

3. Халқаро юк ташувчи корхоналар учун шаҳарлараро юк ташиш рухсатини берилиши автомобилларни юк билан юриш коэффицентини оширади, бу ўз навбатида ташиш самарадорлигини оширади ва корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилади.

Юқорида келтирилгани қулайликлар юк ташувчи миллий транспорт корхоналари, шу жумладан транспорт - логистик компаниялари фаолиятига қилинган эътибор миллий транспорт корхоналарини молиявий ҳолатини яхшилашга, ташиш самарадорлигини оширишга ва халқаро юк ташиш талабларига жавоб бериш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар миллий иқтисодиётни ўсишини ривожланган давлатлар иқтисодиёти даражасига етказишда прогрессив замонавий иқтисодий кўрсаткичларни қўлланиши ва корхоналар молиявий ҳолатини баҳолаш мезонини халқаро андозалар асосида юритилишини талаб қилади. Халқаро мезонларнинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси ички бозорини маҳсулот билан тўлдирилишига, маҳсулот сифатини оширилишига ва ишлаб чиқарилган маҳсулотга мувофиқ нархлар белгиланишига асос бўлади; Ўзбекистон Республикаси аҳолисини манфаатини қондирган ҳолда турмуш фаровонлигини оширади.

Адабиётлар:

1. “Транспорт инфратузумасини такомиллаштириш ва юк ташиш ташқи савдо маршрутларини 2018-2022 йилларда диверсификациялаш тўғрисида”ги Қарори. Т. Ўзбекистон. 2017й.
2. Е.И.Зайцев «Организация производства на предприятиях автомобильного транспорта», 2013г. Санкт-Петербург.

ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ — ФЕНОМЕН МИРОВОЙ ИСТОРИИ

Умирзаков У.Н. (студент)

Научный руководитель : Рахимбердиев И.У, и.ф.н.

Великий шелковый путь – одно из самых значительных и величайших достижений цивилизации, которому по праву можно присвоить роль главной торговой трансевразийской артерии за все время ее существования. Это первый в истории человечества путь, соединивший между собой страны и народы от Средиземноморья до Тихого океана, с помощью которого на протяжении многих веков осуществлялся обмен товарами, идеями, технологиями и ремеслами. Путешественники не боялись серьезных трудностей, с которыми они сталкивались, преодолевая такой длинный и тяжелый путь. Их не пугали ни нападения кочевников, ни безводные азиатские пустыни, порой заносившие дорогу так, что верное направление можно было отыскать потом только «по костям людей и животных».

Просуществовав несколько веков, Великий шелковый путь зарекомендовал себя в качестве важного фактора экономического, политического и культурного прогресса в тех регионах, через которые он проходил. Это, в частности, объясняет актуальность ведущейся до сих пор дискуссии о его возрождении. Отметим, впрочем, что исторический Великий шелковый путь сложился стихийно, в силу экономических потребностей соответствующих регионов, сегодня же для создания его аналога потребуются проводить целый комплекс дополнительных политических и экономических мероприятий. Кроме того, вряд ли его существование будет соответствовать потребностям нашей страны, которая заинтересована в развитии других трансевразийских магистралей.

Что касается нашего времени, то на пороге третьего тысячелетия у человечества появилась необходимость поиска новых путей сотрудничества или восстановления давно забытых, каковым и является Великий шелковый путь. Решение этого вопроса является актуальным по сей день в связи с тем, что история шелкового пути доказала важнейшую роль межкультурного сообщения и взаимообогащения как основы мира и прогресса всего человечества.

Основываясь на анализе различных источников, можно сказать, что Великий шелковый путь (Great silk road) – это единая трансконтинентальная система караванных торговых путей, соединявшая страны в пределах Западной Европы и Китая. Он начал свое существование еще со II века до н. э. (по другим источникам с III века до н. э. и продолжал действовать вплоть до XV в).

Термин «шелковый путь» был предложен в 1877г. немецким географом Ф.Рихтгофеном для обозначения связей между Востоком и Западной частью Евразии. В силу значимости в истории Евразии и самой большой протяженности пути за всю докапиталистическую эпоху,

составлявшей более 7 тысяч километров, было введено прилагательное «Великий». Однако, хотя название столь великого пути подразумевает единственное число, на деле все обстояло иначе. Великий шелковый путь не являлся единой магистралью, а был разбит на несколько участков: Лазуритовый путь, соединявший Среднюю Азию и Средний Восток со Средиземноморьем и Индией, Нефритовый путь от Восточного Туркестана до Китая и Степной путь, протянувшийся от Черноморья к берегам Дона, а оттуда к сарматам в Южном Приуралье и затем – в Прииртышье и к озеру Зайсан. Однако во II веке эти пути стали сливаться и, в конце концов, остались две основные трассы, соединявшие Восток и Запад

Южная дорога – от севера Китая через Среднюю Азию на Ближний Восток и Северную Индию;

Северная дорога – от севера Китая через Памир и Приаралье к Нижней Волге и к бассейну Черного моря. Между этими двумя трассами пролегли небольшие пути, соединявшие их друг с другом.

Из названия Шелковый путь можно было бы представить какую-то мощную магистраль. Однако, как отмечают историки, Великий шёлковый путь был похож на разветвлённое дерево. Таким образом, торговый круговорот охватывал большое количество городов.

Проходил Шёлковый путь и по территории современной Украины. Уже в конце I века н.э. зафиксировано его ответвление в месте впадения Дона в Азовское море. Отсюда следовали дороги ко всем крупным городам государств, расположенных на побережье Азовского и Чёрного морей, таких как Фанагория, Кафа (Феодосия), Ольвия, Сугдея (Судак) и Севастополь. В таких городах, как Самарканд, Тебриз, Ормуз, Бухара, Хорезм, Кашгар, Отрар, Турфан, Хотан, Дуньхуан так далее, караваны могли переждать непогоду, обогреться и отдохнуть.

Новый шёлковый путь (Евразийский сухопутный мост) — концепция новой паневразийской (в перспективе — межконтинентальной) транспортной системы, продвигаемой Китаем, в сотрудничестве с Казахстаном, Россией и другими странами, для перемещения грузов и пассажиров по суше из Китая в страны Европы. Транспортный маршрут включает трансконтинентальную железную дорогу — Транссибирскую магистраль, которая проходит через Россию и второй Евразийский континентальный мост, проходящий через Казахстан Поезда по этому самому длинному в мире грузовому железнодорожному маршруту из Китая в Германию будут идти 15 дней, что в 2 раза быстрее, чем по морскому маршруту через Суэцкий канал.

Идея Нового шёлкового пути основывается на историческом примере древнего Великого шёлкового пути, действовавшего со II в. до н. э. и бывшего одним из важнейших торговых маршрутов в древности и в средние века. Современный НШП является важнейшей частью стратегии развития Китая в современном мире — Новый шёлковый путь не только должен выстроить самые удобные и быстрые транзитные маршруты через центр Евразии, но и усилить экономическое развитие внутренних регионов Китая и

соседних стран, а также создать новые рынки для китайских товаров (по состоянию на ноябрь 2007 года, около 1 % от товаров на 600 млрд долл. из Азии в Европу ежегодно доставлялись наземным транспортом).

Китай продвигает проект «Нового шёлкового пути» не просто как возрождение древнего Шёлкового пути, транспортного маршрута между Востоком и Западом, но как масштабное преобразование всей торгово-экономической модели Евразии, и в первую очередь — Центральной и Средней Азии. Китайцы называют эту концепцию — [«один пояс — один путь»](#). Она включает в себя множество инфраструктурных проектов, которые должны в итоге опоясать всю планету. Проект всемирной системы транспортных коридоров соединяет Австралию и Индонезию, всю Центральную и Восточную Азию, Ближний Восток, Европу, Африку и через Латинскую Америку выходит к США. Среди проектов в рамках НШП планируются железные дороги и шоссе, морские и воздушные пути, трубопроводы и линии электропередач, и вся сопутствующая инфраструктура. По самым скромным оценкам, НШП втянет в свою орбиту 4,4 миллиарда человек — более половины населения Земли.

Предполагаемое расширение Евразийского сухопутного моста включает в себя строительство железнодорожных путей от трансконтинентальных линий в Иран, Индию, Мьянму, Таиланд, Пакистан, Непал, Афганистан и Малайзию, в другие регионы [Юго-Восточной Азии](#) и [Закавказья](#) (Азербайджан, Грузия). Маршрут включает тоннель [Мармарай](#) под проливом Босфор, паромные переправы через Каспийское море (Азербайджан-Иран-Туркменистан-Казахстан) и коридор [Север-Юг](#). [Организация Объединённых Наций](#) предложила дальнейшее расширение Евразийского сухопутного моста, в том числе проекта *Трансазиатской железной дороги* (фактически существует уже в 2 вариантах).

Для развития инфраструктурных проектов в странах вдоль Нового шёлкового пути и Морского Шёлкового пути и с целью содействия сбыту китайской продукции в декабре 2014 года был создан инвестиционный [Фонд Шёлкового пути](#).

8 мая 2015 года было подписано совместное заявление Президента РФ [В. Путина](#) и Председателя КНР [Си Цзиньпина](#) о сотрудничестве России и Китая, в рамках [ЕАЭС](#) и трансевразийского торгово-инфраструктурного проекта экономического пояса «Шёлковый путь». [13 июня 2015 года](#) был запущен самый длинный в мире грузовой железнодорожный маршрут [Харбин — Гамбург](#) (Германия), через территорию России.

На рубеже тысячелетий человечество столкнулось с проблемами выживания в новых условиях. Процесс глобализации порождает катаклизмы во всех сферах жизнедеятельности человека. Развитие новых информационных технологий влечет за собой расширение коммуникационного пространства. В связи с этим на первый план выдвигается вопрос о взаимоотношениях людей и государств, от коммуникативной компетенции которых зависят результаты деятельности человечества в целом. Таким образом, на пути к общим целям встают

проблемы взаимопонимания, восприимчивости, совместимости участников диалога.

Культура мира сегодня представляет собой множество диалогов локальных культур, результаты этих коммуникативных процессов мы видим в проявлениях культуры, ее формах и тенденциях.

Мощным катализатором в процессе коммуникации многих народов прошлого послужил Великий Шелковый путь. Повсеместно, где происходил контакт цивилизаций на Шелковом пути, ускорялись процессы их развития. Впоследствии мы наблюдаем закономерный подъем во всех сферах общества. Культуры и цивилизации Востока и Запада, сближаясь посредством Великого Шелкового пути, получили возможность самореализации и взаимообогащения, развивая свое самосознание и индивидуальные традиции в тесном взаимодействии с другими. Место каждого культурного ареала было строго определенным, каждый из них смог приобрести свою уникальную специфику.

Можно провести определенные параллели между открытием Великого Шелкового пути и наступлением информационной эры: первое сделало межкультурные контакты регулярными и более частыми, дало новое представление о мире, а расширение информационного пространства с помощью новых технологий позволило им стать практически мгновенными, изменив отношение ко времени и пространству вообще. Оба этих глобальных процесса привели к активизации коммуникативной способности обществ и индивидов.

Взаимодействие культур на Шелковом пути происходило на всех уровнях, в том числе на материальном и духовном, микро- и макроуровнях.

Необходимо особо отметить масштаб духовных взаимодействий, сыгравших роль психологического фактора в развитии диалога культур на трассах Шелкового пути. По Великому Шелковому пути получают распространение многие идеологические течения, верования, культы, во время его активного функционирования сформировались основные центры мировых религий. Взаимоотношения между различными религиями и верованиями, имевшие место на Шелковом пути, повлияли на ход исторических событий, которые, в свою очередь, отразились на религиозных воззрениях людей. Только влиянием Великого Шелкового пути можно объяснить тот феномен, что нередко на территории Средней Азии одновременно проповедовали миссионеры известных мировых религий.

Глобальная торговля, повлекшая за собой постепенное международное разделение труда, равно как и духовное взаимодействие народов на Великом Шелковом пути во время его активного функционирования, определили главные парадигмы межкультурной коммуникации этих регионов в сегодняшнем мире. Многие вопросы в изучении Шелкового пути еще остаются неясными, главным образом по причине недостатка наших знаний о нем. Сегодня существует множество различных гипотез по поводу времени возникновения древней трассы, ее

географии, периодизации и причинах упадка, но ни одна из них окончательно не прояснена.

Очевидно одно, что за феноменом Шелкового пути стоит нечто гораздо большее, чем просто «время» и «география» торговых путей и отношений. Но по отношению к Великому Шелковому пути правомерно употребление термина «хронотоп», обладающего коммуникативной спецификой, накладывающей отпечаток на общение, ориентируя человека во времени и пространстве, задавая определенные условия времени и места. Шелковый путь определенно задал тон и темп развития народов во время его активного функционирования, сформировал новое мировоззрение.

Великий Шелковый путь — это феномен мировой истории и культуры, своего рода артерия, по которой в течение долгого времени протекали контакты многих народов и государств. На примере взаимодействия культур на трассах Великого Шелкового пути можно проследить процессы межкультурной коммуникации на протяжении полутора тысяч лет, увидеть разнообразие народов, принимавших участие в этом грандиозном обмене идей и товаров, выявить предпосылки сегодняшней социокультурной ситуации, а также тенденции развития международных отношений в будущем